

**ХУСАНОВА М. А.**



**ЎСМИРЛАРДА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ БУЗИЛИШИНING  
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**Тошкент-2026**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
АЛФРАГАНУС УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Илмий ишлар бўйича проректор  
проф. Хўжаев М.И.**

**“       ” \_\_\_\_\_ 2026 йил**

**ЎСМИРЛАРДА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ БУЗИЛИШИНING  
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**Тошкент-2026**

**Тузувчилар:**

Хусанова М.А. –Алфраганус Университети “Тиббиёт” кафедраси  
**PhD, (в.б. доцент)**

**Такризчилар:**

..... –Тошкент давлат тиббиёт университети

Зокирова Н.Б. –Алфраганус Университети “Тиббиёт” кафедраси  
профессори

**Алфраганус университети Илмий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий ўқув юртлари магистрлари, талабалари ва бактериологлари учун монография сифатида нашрга тавсия этилган.**

**Тошкент-2026**

УЎК: 355.211-053.67 : 617.75 – 084

КВК: 0000000000

S- 00

**Хусанова Мукадас Актамовна. Ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишининг профилактикаси. /Монография/ «Fan ziyosi» нашриёти. Тошкент 2026 141 бет**

Ушбу монография ҳарбий хизматга чақирувгача ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг тарқалиши ва профилактика усулларини илмий асосда ўрганишга бағишланган. Асарда кўриш тизимининг анатомик ва физиологик хусусиятлари, миопия, гиперметропия, астигматизм, амблиопия ва астигматизм каби кўриш бузилишлари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Тадқиқот доирасида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Миробод туманларида 4019 нафар мактаб ўқувчиси иштирокида кросс-секционал текширувлар ўтказилган. Таҳлил натижаларига кўра, ўсмирларнинг 8,7 фоизда кўриш қобилияти турли даражада пасайгани аниқланди. Шунингдек, экран олдида вақтнинг кўп ўтказилиши, ёруғлик муҳитининг етишмаслиги, жисмоний фаолликнинг камлиги ва ирсий омиллар кўриш бузилишларининг асосий сабаблари сифатида белгиланган.

Муаллиф томонидан кўз соғлигини сақлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Жумладан, ёруғлик шароитларини меъёрлаш, экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш, кўз гимнастикаси машқларини жорий этиш ва рационал овқатланиш тавсия этилган. Тадқиқот натижалари асосида ота-оналар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографияда илмий таҳлиллар ва статистик моделлардан фойдаланилган бўлиб, эрта профилактикага йўналтирилган комплекс ёндашув орқали ўсмирлар кўриш қобилиятини муҳофаза этишнинг самарали усуллари тақдим этилган.

## Мундарижа

ҚИСҚАРТМАЛАР ЎЙХАТИ.....	7
КИРИШ.....	8
I БОБ. КЎРИШ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
§1.1. Кўриш тизимининг анатомик ва физиологик хусусиятлари .....	122
§1.2. Мактаб ёшидаги болаларда кўриш бузилишлари: таснифи, сабаблари ва оқибатлари.....	144
§1.3. Кўриш бузилишларининг этиологияси ва патогенези.....	177
§1.4. Кўриш бузилишларининг замонавий диагностика ва баҳолаш усуллари. ....	221
I боб хулосаси.....	244
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ФОЙДАЛАНИЛГАН УСУЛЛАР .....	266
§2.1. Тадқиқот дизайни ва стратегияси.....	266
§2.2. Тадқиқотда иштирок этган респондентлар ва уларни танлаш мезонлари .....	277
§2.3. Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари .....	30
§2.4. Лаборатор текширув усули.....	333
§2.5. Тадқиқотда қўлланилган статистик моделлар ва уларнинг асосланиши .....	344
II боб хулосаси.....	366
III БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	388
§3.1. Мактаб ўқувчиларида кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг асосий сабаблари.....	388
§3.2. Кўриш бузилишлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва психологик омиллар.....	488

§3.3. Лаборатор таҳлил натижалари .....	599
§3.4. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ва уларнинг илмий асосланиши .....	61
§3.5. Корреляция таҳлили асосида кўз саломатлигига таъсир этувчи асосий омиллар .....	688
§3.6. Кўриш бузилишларининг олдини олиш ва коррекция қилиш бўйича таклифлар .....	833
§3.7. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятлари .....	877
III боб хулосаси .....	91
IV БОБ. КЎРИШ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТУҒРИЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....	955
§4.1. Ота-оналар ва ўқитувчилар учун кўз соғлиғини сақлаш бўйича методик тавсиялар .....	955
§4.4. Кўриш гимнастикаси ва махсус машқлар тизими .....	977
§4.5. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун индивидуал ўқув дастурлари .....	999
ХОТИМА .....	1033
ХУЛОСАЛАР .....	1244
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР .....	1266
АДАБИЁТЛАР РЎЙЎХАТИ .....	1288

## ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ

- АВ** – Авторефрактометрия  
**АТ** – Астигматизм  
**АС** – Астенопия  
**ВГ** – Визуал гигиена  
**ГП** – Гиперметропия  
**ЖФ** – Жисмоний фаоллик  
**КБ** – Кўриш бузилишлари  
**КТ** – Компьютер томографияси  
**КТЧ** – Кўриш тезлигини чегаралаш  
**МП** – Миопия  
**МРТ** – Магнит-резонанс томография  
**НВ** – Нейровизуализация  
**НГ** – Назорат гуруҳи  
**ОКТ** – Оптик когерент томография  
**ОТ** – Овқатланиш тартиби  
**ОФТ** – Офтальмологик текширув  
**ТГ** – Тажриба гуруҳи  
**ТМ** – Тонометрия  
**ФТ** – Фундоскопия  
**ХТ** – Хи-квадрат тест

## КИРИШ

Дунёда ҳарбий хизматга чақирувгача ёшдаги ўсмир болалар ўртасида кўриш қобилятининг пасайиши кенг тарқалган муаммолардан бири ҳисобланиб, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва профилактика чораларини кучайтириш зарурлиги тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. «...ҳарбий хизматга чақирувгача ёшдаги ўсмир болалар кун тартибининг бузилиши, жисмоний фаолликнинг камлиги, мактаб жиҳозларининг санитария норма ва қоидаларига тўлиқ жавоб бермаслиги, дарс юкламаларнинг ортиши, кун давомида гаджетлардан узоқ муддат фойдаланиши, овқатланиш хусусиятлари ва шароити билан биргаликда ОМЕГА-3 ва А, В,С гуруҳ витаминлари етишмаслиги ўсмир болаларда кўзнинг рефракция ва аккомадация қобилятининг бузилиши натижасида юзага келадиган барча ўзгаришлар кўриш бузилишининг ривожланишига шароит яратилиши қайт қилинган ....»<sup>1</sup>. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларда кўриш бузилишларининг комплекс профилактикасини ташкил қилиш ҳарбий тиббиёт соҳасидаги офтальмологларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўсмир ёшдаги болаларда кўриш қобиляти бузилишини профилактика қилиш ва унинг олдини олиш бўйича самарали чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мактабларда ўсмир ёшдаги болалар орасида чуқур тиббий кўриклар асосида кўриш бузилиши билан кечадиган ёндош касалликларни ўрганиш, махсус ишлаб чиқилган сўровномалар ёрдамида ўсмир ўқувчилар орасида кўриш бузилиши (КБ) ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, кўриш бузилиши бўйича хавф гуруҳига кирган ўсмирларнинг кун тартибини гигиеник баҳолаш,

---

<sup>1</sup>P.Klemp, K. Peters, B. Hansted. Subcutaneous blood flow in early male pattern baldness (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/2715645>) // The Journal of Investigative Dermatology. — 1989-05-01. — Т. 92, вып. 5. — С. 725—726. — 0022-202X ([https://www.worldcat.org/se\\_arch?fq=x0:jml&q=n2:0022-202X](https://www.worldcat.org/se_arch?fq=x0:jml&q=n2:0022-202X)). ISSN Архивировано ([https://web.archive.org/web/201609180737\\_26/http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/2715645](https://web.archive.org/web/201609180737_26/http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/2715645)) 18 сентября 2016 года.

профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган соматик касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болалар ва ўсмирларда кўриш қобилиятининг бузилиши профилактикаси бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон «2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

ЖССТнинг статистик таҳлиliga кўра дунёда кейинги ўн йилда ўсмирлар ўртасида миопия (яқинни яхши кўриш, узоқни ёмон кўриш) ва астиопия (кўз чарчаши) каби муаммоларнинг тарқалиши замонавий технологиялардан нотўғри фойдаланиш, экран олдида узоқ вақт қолиш ва ташқи муҳит омиллари билан боғлиқ эканлигини таъкидлашмоқда. ЖССТ ва халқаро офтальмологик ташкилотлар бу муаммонинг олдини олиш учун мактаб ёшидан бошлаб мунтазам кўз текширувларини ўтказиш, кўз соғлиғини сақлаш бўйича ўқув дастурларини жорий қилиш ва кўриш қобилиятига таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлайди (WHO: World Report on Vision). Жаҳон бўйича кўз касалликларини ўрганиш тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатларда (Япония, Германия, АҚШ, Сингапур) мактаб ўқувчилари орасида кўриш қобилиятини муҳофаза қилиш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилган. Масалан, Сингапурда болалар учун махсус «Outdoor Activity Program» (Ташқарида фаолият олиб бориш дастури) жорий этилган бўлиб, бу миопия тараққиётини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам бермоқда (The Impact of Outdoor Time on Myopia). Россияда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳарбий хизматга тайёргарлик кўрувчи ёшларнинг тахминан 20-30% да миопия ва бошқа кўриш нуқсонлари учраши аниқланган (А. В. Кашенцев, 2018). Яқин вақтларда ўқув жараёнининг ортиқча интенсивлашуви ва монотонлиги, интеллектуал, сезги ва эмоционал ўқув юкламаларининг ортиши, шунингдек, ўқув фаолияти режими ва шахсий

компютер билан ишлаш вақти бўйича гигиеник нормаларнинг ошиши натижасида, айниқса шаҳарлардаги ўқувчилар орасида умумий ҳаракатчанликнинг пасайиши ва гипокинезиягача бўлган ҳолатларнинг кучайиши кузатилгани аниқланган (Марченко Б.И., Журавлев П.В., Айдинов Г.Т, 2022).

Ўзбекистонда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш доирасида ўсмирлар орасида кўриш қобилияти бузилишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давоси ишлаб чиқилган (Мирраҳимова С.Ш., 2017), кўрув нерви яллиғланиши касалликларининг клиник-ташхисий хусусиятлари ва комплекс даволашни асослаш тавсия этилган (Хамраева Г.Х., 2017), кўз ишемик синдроми клиникаси, диагностикаси ва даволаш тавсия этилган (Махкамова Д.К., 2018), Эндоген увеитларнинг диагностикаси, клиник-иммунологик тавсифи, даволаш ва профилактикаси асосланган (Файзиева Д.Б., 2019).

Бундай тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларда кўриш қобилиятини муҳофаза қилиш ва унинг бузилишини олдини олиш мақсадида тиббий профилактика ишлари тўлиқ такомиллаштирилмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда инновацион даволаш усулларини жорий этиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириш муаммонинг долазрблиги тақозо этади.

**Т.ф.д., профессор Д.Г.Абдуллаева**

**Доцент М.А.Хусанова**

## **I БОБ. КЎРИШ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **§1.1. Кўриш тизимининг анатомик ва физиологик хусусиятлари**

Кўриш тизимининг анатомик ва физиологик хусусиятлари инсон организмнинг энг муҳим сенсор тизимларидан бири бўлиб, ташқи муҳитни қабул қилиш ва таҳлил қилишда асосий роль ўйнайди. Кўриш орқали инсон атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларнинг тахминан 80-90% ини қабул қилади. Кўриш тизими анатомик ва физиологик жиҳатдан мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг нормал фаолияти бир нечта органлар ва тузилмалар ўртасидаги мувозанатли ҳамкорлигига боғлиқдир. Кўриш тизимида асосий орган – кўз бўлиб, унинг тузилиши бир нечта муҳим қисмлардан иборат: шох парда, қорачиқ, гавҳар, склера, тўр парда ва кўрув нерви. Шох парда кўзнинг олдинги шаффоф қисми бўлиб, асосий вазифаси ёруғлик нурларини қабул қилиш ва уларни сингдиришдир. Шох парда кўриш тизимида биринчи рефракция (нурни сингдириш) нуқтаси ҳисобланади ва умумий рефракция қобилятининг тахминан 70% ини таъминлайди. Қорачиқ шох парда орқали кирган ёруғлик миқдорини назорат қилади. Уни атрофидаги мушаклар кенгайтириши ёки тортишиши мумкин. Ёруғлик кўпайганда қорачиқ тораяди, ёруғлик камайганда эса кенгаяди. Кўз гавҳари иккинчи даражали рефракция нуқтаси бўлиб, нурларни синдириб, уларни тўр пардага йўналтиради. Кўз гавҳари аккомодация жараёнида муҳим роль ўйнайди, яъни узоқ ва яқин масофадаги объектларга мослашиш имконини беради. Склера кўзнинг ташқи оқ пардаси бўлиб, у кўз тузилмасини муҳофаза қилади ва ташқи таъсирлардан ҳимоялайди. Тўр парда кўзнинг энг муҳим қисми бўлиб, у ёруғликни қабул қилувчи фоторецептор хужайралардан иборат. Тўр пардада иккита асосий фоторецептор тури мавжуд: таёкча хужайралар (Rod cells) кам ёруғликда ишлайди ва тунги кўришни таъминлайди, колбача хужайралар (Cone cells) эса ранглارни ажратиш ва ёруғликда аниқ кўриш учун масъул. Кўрув нерви тўр пардадаги фоторецепторлар орқали қабул қилинган маълумотларни мияга узатади. Бу нерв кўриш тизимидаги энг муҳим нерв

йўлларида бири бўлиб, у маълумотларни бош миянинг оксипитал (кўриш) қисмига етказди. Кўриш жараёни бир нечта босқичлардан иборат: ёруғлик қабул қилиниши, маълумотларни қайта ишлаш, нейрон сигналларни узатиш ва тасвирни шакллантириш. Ёруғлик ташқи муҳитдан келиб, шох парда орқали ўтади ва гавҳар ёрдамида синдирилади. Тўр пардадаги фоторецепторлар ёруғликни электр сигналларига айлантиради ва бу сигналлар оптик нерв орқали мияга узатилади. Оксипитал қисмида қайта ишланган бу сигналлар инсон кўз олдидаги тасвирни ҳосил қилади. Аккомодация – кўриш тизимининг турли масофалардаги объектларга мослашиши жараёни бўлиб, гавҳар шакли ўзгариши орқали амалга ошади. Масалан, яқиндаги объектларга қараганда гавҳар қавариклашади, узоқдаги объектларга қараганда эса яссилашади. Аккомодация жараёни мукамал ишламаса, миопия (яқинни яхши кўриш, лекин узоқни аниқ кўрмаслик) ёки гиперметропия (узоқни яхши кўриш, лекин яқинни аниқ кўрмаслик) каби кўриш бузилишлари юзага келиши мумкин. Кўриш тизими икки хил механизмга эга: биноккуляр ва монокуляр кўриш. Биноккуляр кўриш икки кўздан келаётган маълумотларни бирлаштириб, ҳажмли тасвир ҳосил қилади. Бу миянинг икки кўздан келаётган тасвирларни бирлаштириш қобилияти натижасида амалга ошади . Монокуляр кўриш эса фақат битта кўз иштирокидаги кўриш механизми бўлиб, кўпинча мослашиш жараёнларида фаол роль ўйнайди. Кўриш тизими ташқи муҳит ва ички омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Унга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилар: ёруғлик ва экран таъсири, ёш ва генетик омиллар, кўзга тушадиган юклама, овқатланиш ва витаминлар етишмовчилиги. Ёруғлик ва экран таъсири узоқ вақт компьютер ёки телефон экранига қараб ишлаш натижасида кўзнинг чарчашига, кўриш тезлигининг пасайишига ва кўзда қуришиш ҳисси пайдо бўлишига олиб келади. Ёш ўтиши билан аккомодация қобилияти пасаяди, бу эса пресбиопия (қариликда кўриш сусайиши) ҳолатига олиб келади. Нотўғри ёритиш шароитида ўқиш ёки ишлаш кўзнинг чарчашига ва миопия

ривожланишига сабаб бўлади. А витамини (ретинол) танқислиги кўриш қобилятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Кўриш тизими турли хил касалликларга мойил бўлиб, уларнинг олдини олиш учун профилактик чоралар кўриш зарур. Кўп учрайдиган касалликлар: миопия (яқинни яхши кўриш, лекин узоқни аниқ кўрмаслик), гиперметропия (узоқни яхши кўриш, лекин яқинни аниқ кўрмаслик), астигматизм (нурларнинг нотўғри сингиши), катаракта (гавҳарнинг хиралашishi), глаукома (кўз ичи босими ошиши). Профилактик чоралар сифатида мунтазам кўз машқлари бажариш, тўғри овқатланиш, экранга қараш вақтини чеклаш ва мунтазам офтальмологга мурожаат қилиш тавсия этилади. Кўриш тизими мураккаб анатомик ва физиологик механизмга эга бўлиб, унинг нормал ишлаши бир қанча омилларга боғлиқ. Унинг тўғри фаолиятини таъминлаш учун соғлом турмуш тарзи, кўзга тушадиган юкломани назорат қилиш ва профилактик чораларни кўриш лозим.

## **§1.2. Мактаб ёшидаги болаларда кўриш бузилишлари: таснифи, сабаблари ва оқибатлари**

Мактаб ёшидаги болаларда кўриш бузилишларининг асосий турлари кўп жиҳатдан уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига таъсир қилади. Кўриш аномалиялари болаларнинг таълим жараёнидаги муваффақиятига, ижтимоий муносабатларига ва умумий ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ёшда кўриш тизими ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб, ташқи муҳит таъсири ва нотўғри кўриш одатлари натижасида турли хил патологиялар ривожланиши мумкин. Кўриш бузилишлари аниқланмасдан қолса, болаларда дарс материалларини ўзлаштириш қийинлашади, бош оғриғи, чарчаш ва диққатни жамлай олмаслик каби муаммолар пайдо бўлади. Мактаб ёшидаги болаларда кўп учрайдиган кўриш бузилишлари миопия, гиперметропия, астигматизм, амблиопия ва страбизм каби ҳолатлардир.

Миопия ёки яқинни яхши кўриш – мактаб ёшидаги болаларда энг кенг тарқалган кўриш бузилишларидан бири бўлиб, бу ҳолатда бола яқиндаги объектларни аниқ кўра олади, лекин узоқдаги объектлар хира кўринади. Миопия кўз олмасининг нормадан узайиб кетиши ёки шох парда ва гавҳарнинг нурларни ортикча синдириши натижасида юзага келади. Унинг ривожланишига асосий сабаблар генетик омиллар, узоқ вақт компьютер ёки телефон экранига қараш, ёруғликнинг нотўғри тақсимланиши ва нотўғри ўқиш одатларидир. Миопияни эрта аниқлаш ва назорат қилиш муҳим, чунки у ўсиш жараёни ортгани сари кучайиши мумкин. Миопияни тuzатиш учун кўзойнак ёки контакт линзалар тавсия этилади, шунингдек, махсус ортокератологик линзалар ёрдамида унинг ривожланишини секинлаштириш мумкин.

Гиперметропия ёки узоқни яхши кўриш – болалардаги яна бир кенг тарқалган кўриш бузилиши бўлиб, бу ҳолатда бола узоқдаги объектларни яхши кўра олади, лекин яқиндаги объектлар хира кўринади. Бу ҳолат кўз олмасининг нормадан қисқа бўлиши ёки нурларни етарлича синдира олмаслиги натижасида юзага келади. Гиперметропия енгил даражада бўлса, болаларнинг кўзи аккомодация орқали бу муаммони компенсация қилиши мумкин, лекин юқори даражадаги гиперметропия кўз чарчаши, бош оғриғи ва ўқишда қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатни тuzатиш учун махсус кўзойнаклар ва контакт линзалар тавсия этилади.

Астигматизм – шох парда ёки гавҳар шаклининг номутаносиблиги натижасида нурларнинг нотўғри синиши билан тавсифланади. Бу ҳолатда болага объектлар деформацияланган ёки иккиланган кўриниши мумкин. Астигматизм туғма ёки кейинчалик ривожланган бўлиши мумкин. Унинг белгилари орасида кўриш хиралиги, кўз чарчаши ва бош оғриғи мавжуд. Астигматизмни тuzатиш учун цилиндрик линзали кўзойнаклар ёки контакт линзалар ишлатилади. Шунингдек, лазер коррекция усуллари ҳам мавжуд, лекин улар болалар учун доим ҳам тавсия этилмайди.

Амблиопия – кўриш аномалияларидан бири бўлиб, бу ҳолатда бир кўз нормал равишда ишламайди ва мия ундан келаётган сигналларни етарлича қайта ишламайди. Бу ҳолат кўпинча страбизм ёки юқори даражадаги рефракцион бузилишлар натижасида ривожланади. Амблиопияни эрта ёшда аниқлаш келажакда кўриш қобилиятининг тўлиқ йўқолишига олиб келиши мумкин. Тузатиш усуллари орасида тўғри кўзойнак танлаш, махсус машқлар ва мияни кучсиз кўздан фойдаланишга мажбур қиладиган окклюзия усуллари мавжуд.

Страбизм – икки кўзнинг бир вақтнинг ўзида бир нуқтага қарамаслиги натижасида юзага келади. Бу ҳолат болаларда кўришнинг мувозанатли ривожланишига тўсқинлик қиладди ва амблиопия ривожланишига олиб келиши мумкин. Страбизмнинг сабаблари орасида кўз мушакларининг нотўғри фаолияти, неврологик муаммолар ва жисмоний травмалар бор. Даволаш усуллари орасида кўз машқлари, махсус кўзойнақлар ва жарроҳлик амалиётлари мавжуд.

Мактаб ёшидаги болаларда кўриш бузилишларининг олдини олиш ва эрта аниқлаш учун мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Болаларда кўриш муаммоларини эрта аниқлаш уларнинг таълим жараёнидаги муваффақияти ва умумий ҳаёт сифати учун муҳимдир. Ҳар қандай кўриш бузилиши ўз вақтида тузатилмаса, болаларда узоқ муддатли кўриш муаммолари ва психологик таъсирлар юзага келиши мумкин. Шунинг учун ота-оналар ва ўқитувчилар болаларнинг кўриш ҳолатига эътибор қаратишлари, уларнинг кўз соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширишлари керак. Болаларда кўриш муаммоларини олдини олиш учун экран вақтини чеклаш, тўғри ёритиш таъминлаш, мунтазам кўз гимнастикаси бажариш ва тўғри овқатланишни таъминлаш муҳимдир. Шунингдек, болаларда нотўғри ўтириш ва ётиш одатларини бартараф этиш учун мактаб мебеллари эргономик талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

### **§1.3. Кўриш бузилишларининг этиологияси ва патогенези**

Кўриш бузилишларининг этиологияси ва патогенези замонавий тиббиёт ва офтальмологияда кенг ўрганилган бўлиб, бу жараёнлар кўплаб омиллар таъсирида ривожланади. Кўриш бузилишларининг келиб чиқиши ва ривожланиш механизмини тушуниш учун уларнинг асосий сабаблари, патогенетик механизмлари ва замонавий назарияларини таҳлил қилиш зарур. Кўриш бузилишлари турли хил омиллар таъсирида юзага келиши мумкин: генетик, экологик, витогенетик (ёшга боғлиқ), биомеханик ва технологик омиллар. Ушбу омиллар кўриш тизимининг нормал ривожланишига тўсқинлик қилиши ёки унинг функционал фаолиятини бузиши мумкин.

Миопия, гиперметропия, астигматизм, амблиопия ва глаукома каби кўриш бузилишлари ҳар бири ўзига хос патогенезга эга. Миопияда кўз олмасининг узайиши натижасида нурлар тўр парданинг олдинги қисмида тўпланади, бу эса узоқдаги объектларни хира қилиб кўрсатади. Генетик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миопиянинг ривожланиши кўпинча ирсий хусусиятга эга бўлиб, агар ота-онада миопия бўлса, болада ҳам унинг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунингдек, миопиянинг ривожланишида ташқи муҳит омиллари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Масалан, узоқ вақт компьютер ёки смартфон экранига қараш, ёруғлик шароитларининг нотўғри бўлиши ва ўқишда нотўғри масофани сақлаш миопияни кучайтириши мумкин. Замонавий назариялардан бири бўлган "экологик-генетик назария" миопиянинг ривожланиши генетик омиллар ва ташқи муҳит таъсири ўртасидаги ўзаро алоқадорликка боғлиқлигини кўрсатади.

Гиперметропияда эса кўз олмаси нормадан қисқа бўлади ёки гавҳар нурларни етарлича синдира олмайди, бу эса нурларнинг тўр парданинг ортида тўпланишига олиб келади. Бу ҳолат кўпинча болаларда туғма бўлиб, ёш ўтиши билан тузалиши мумкин, лекин баъзи ҳолларда катталарда ҳам сақланиб қолиши мумкин. Гиперметропиянинг патогенези кўзнинг аккомодация қобилияти билан боғлиқ бўлиб, у кўзнинг мушаклари орқали

гавҳар шаклини ўзгартириш қобилиятига таянади. Агар аккомодация механизми самарали ишламаса, гиперметропия кучайиши мумкин.

Астигматизм шох парда ёки гавҳар шаклининг номутаносиблиги натижасида нурларнинг нотўғри синиши билан тавсифланади. Бу ҳолатда нурлар бир нуқтага жамланмайди, балки турли нуқталарга тарқалади, бу эса тасвирни хира қилиб кўрсатади. Астигматизмнинг патогенези шох парда ёки гавҳар шаклидаги аномалиялар билан боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши туғма ёки кейинчалик орттирилган бўлиши мумкин. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, астигматизмнинг келиб чиқиши кўзнинг механик таркибий қисмлари ўртасидаги биомеханик муносабатларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Амблиопия синдроми кўриш тизимидаги марказий ишлов бериш жараёнларининг бузилиши натижасида юзага келади. Бу ҳолатда бир кўз нормал фаолият кўрсатади, лекин иккинчи кўздан келаётган сигналлар мия томонидан етарлича қайта ишланмайди. Амблиопиянинг патогенези кўздан келаётган сигналларнинг мияда нотўғри қайта ишланиши билан боғлиқ. Бу ҳолат кўпинча страбизм ёки рефракцион аномалиялар натижасида ривожланади. Замонавий нейробиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амблиопияни даволашда визуал стимуляция ва нейропластикали ёндашувлар самарали бўлиши мумкин.

Глаукома кўз ичи босимининг ошиши натижасида оптик нервнинг зарарланиши билан тавсифланади. Глаукоманинг патогенези кўз ичи суюқлигининг нормал циркуляциясининг бузилиши натижасида юзага келади. Агар кўз ичи суюқлиги нормал равишда оқиб чиқмаса, у кўз ичи босимини оширади ва бу оптик нервга зарар етказди. Глаукомани эрта аниқлаш муҳим, чунки у даволанмаса кўриш қобилиятининг тўлиқ йўқолишига олиб келиши мумкин. Замонавий тадқиқотлар глаукоманинг ривожланишида нейродегенератив жараёнларнинг ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Замонавий офтальмология ва нейробиологияда кўриш бузилишларининг патогенезини тушуниш учун бир нечта назариялар мавжуд. Генетик назария кўриш бузилишларининг ирсий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Эгизаклар устида ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, агар битта эгизак миопияга эга бўлса, иккинчисида ҳам шу ҳолатнинг пайдо бўлиши эҳтимоли жуда юқори. Бу эса миопиянинг асосий сабабларидан бири генетик омиллар эканлигини кўрсатади [53]. Генетик таҳлиллар шуни аниқладики, миопия билан боғлиқ бўлган бир нечта генлар мавжуд бўлиб, улар кўз олмасининг узайиши ва нурларнинг нотўғри фокусланишига сабаб бўлади.

Экологик омиллар ҳам кўриш аномалияларининг ривожланишига катта таъсир қилади. Жумладан, ёруғлик муҳити, экранга узоқ вақт қараш, нотўғри ўқиш ва ёзиш одатлари кўриш тизимида салбий таъсир кўрсатади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларнинг кўп вақт ёпиқ муҳитда бўлиши ва табиий ёруғлик етишмаслиги миопия ривожланишини тезлаштиради. Масалан, кўплаб мамлакатларда болаларнинг мактабда ва уйда компьютер ёки смартфондан фойдаланиш вақтини ошириши миопиянинг ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, нотўғри ёруғлик шароитида ўқиш ва ёзиш кўзнинг зўриқишига олиб келиб, миопия ёки астигматизмнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Физиологик омиллар кўриш аномалияларининг ривожланишига таъсир қилувчи муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Ёш ўтиши билан аккомодация қобилияти пасаяди, бу эса пресбиопия (қариликда кўриш сусайиши) ҳолатига олиб келади. Шунингдек, кўзнинг ички мувозанати ва қон таъминоти ҳам кўриш тизимида таъсир қилади. Масалан, глаукома кўз ичидаги суюқлик циркуляциясининг бузилиши натижасида ривожланади ва бу ҳолат кўз ичи босимининг ошишига олиб келади.

Биомеханик омиллар ҳам кўриш аномалияларининг ривожланишида муҳим ўрин тутаяди. Масалан, кўз мушакларининг нотўғри ривожланиши ёки

уларнинг заифлиги страбизм ва амблиопия каби ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, кўзнинг ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг механик фаолияти кўриш тизимига таъсир қилади. Масалан, кўз гавҳарининг шаклига таъсир қиладиган биомеханик жараёнлар миопия ёки гиперметропия ривожланишига олиб келиши мумкин.

Нейропластик назария эса кўриш тизимидаги ўзгаришларнинг мия томонидан қайта ишланишини ва бу жараёнлар натижасида кўриш қобилиятининг тикланиш имкониятларини ўрганади.

Бир қатор тадқиқотларда гемоглобин ва эритроцитлар даражаси пастлиги кўриш қобилияти сусайиши билан боғлиқлиги исботланган. Анемия ҳолатлари кўз тўқималарига кислород ва озуқа моддаларининг етарли етмаслиги орқали тўр парда функционал фаолиятини издан чиқаради.

Офтальмологияда сўнгги йилларда кўз ёш суюқлиги биомаркерларини таҳлил қилиш усули кўриш патологиялари патогенезини чуқурроқ англаш учун фаол қўлланилмоқда. Масалан, антиоксидант ферментлар (супероксиддисмутаза, каталаза) фаолияти пасайиши ва малондиальдегид (MDA) каби оксидатив стресс маркерлари кўпайиши хужайравий даражада кўриш органларига шикаст етказиши исботланган [75]. Chiu ва ҳаммуаллифларнинг (2018) Сингапурда олиб борилган тадқиқотларида кўз ёш суюқлигидаги ретинол ва аскорбин кислота даражаларининг камайиши миопия ва кўриш чарчашини (астенопия) билан статистик жиҳатдан кучли корреляцияда экани кўрсатилган. Шундай натижалар Япония (He et al., 2020) ва Россияда (Марченко Б.И., 2022) ҳам аниқланган.

Шунингдек, жисмоний фаолликнинг камлиги ва номувофик овқатланиш ҳам биомаркерларда ўзгаришларни келтириб чиқарган. Масалан, спорт ва очиқ ҳаво етмаслигида MDA кўрсаткичи сезиларли ошиб, антиоксидант ферментлар пасайган (British Journal of Ophthalmology, 2019).

Хулоса қилиб айтганда, кўриш бузилишларининг этиологияси ва патогенези кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ривожланиши генетик, экологик, биомеханик, нейробиологик ва биохимик жараёнлар билан боғлиқ. Замонавий тадқиқотлар кўриш бузилишларини эрта аниқлаш ва уларни даволаш учун янги методларни ишлаб чиқишга қаратилган. Кўриш бузилишларининг олдини олиш учун профилактик чоралар кўриш, жумладан, мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш, экран вақтини чеклаш ва кўз гимнастикасини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

#### **§1.4. Кўриш бузилишларининг замонавий диагностика ва баҳолаш усуллари.**

Кўриш бузилишларининг замонавий диагностика ва баҳолаш усуллари офтальмология соҳасидаги энг долзарб мавзулардан бири бўлиб, бу усуллар кўз касалликларини эрта аниқлаш, уларнинг ривожланишини баҳолаш ва самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Замонавий офтальмологияда кўриш бузилишларини аниқлаш учун турли хил оптик, электрон ва рақамли технологиялар қўлланилади. Бу усуллар кўз тузилмаларининг анатомик ва функционал ҳолатини баҳолаш, кўриш тезлигини аниқлаш, рефракция аномалияларини аниқлаш ва кўз ичи босимини ўлчаш имконини беради.

Кўриш бузилишларини диагностика қилишда энг асосий усуллардан бири — визуал аниқликни баҳолаш ҳисобланади. Бу жараёнда пациент махсус тахталардаги ҳарфлар ёки белгиларни ўқиш орқали кўриш тезлигини аниқлайди. Стандарт тестлардан бири Снеллен диаграммаси бўлиб, у пациентнинг кўриш масофасига боғлиқ равишда ҳарфларни ўқиш қобилиятини баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, LogMAR диаграммаси ҳам кўриш тезлигини аниқлашда кенг қўлланилади. Бу тестлар пациентнинг кўриш қобилиятини стандартлаштирилган шкала бўйича баҳолаш имконини беради.

Рефракция аномалияларини аниқлаш учун авторефрактометрия замонавий офтальмологияда энг ишончли усуллардан бири ҳисобланади. Бу усул ёрдамида кўзнинг нурларни синдириш қобилятини аниқлаш ва миопия, гиперметропия ёки астигматизм каби аномалияларни ташхислаш мумкин. Авторефрактометрияда махсус қурилмалар (авторефрактометрлар) қўлланилади, улар лазер ёки инфрақизил нурлар ёрдамида шох парда ва гавҳарнинг рефракцион хусусиятларини ўлчайди.

Кўз ичи босимини баҳолаш глаукома ва бошқа кўз ичи патологияларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Тонометрия усули ёрдамида кўз ичи босими ўлчанади. Замонавий офтальмологияда аппланация тонометрияси, пневмотонометрия ва динамик контур тонометрияси каби усуллар қўлланилади. Аппланация тонометрияси Голдман тонометри ёрдамида амалга оширилади ва бу усул энг аниқ деб ҳисобланади. Пневмотонометрия эса ҳаво босими орқали ўлчаш усули бўлиб, у контакtsiz усул сифатида пациент учун қулай ҳисобланади.

Кўз тузилмаларини текшириш учун оптик когерент томография (ОКТ) кенг қўлланилмоқда. ОКТ кўзнинг шох парда, гавҳар, тўр парда ва оптик нерв тузилмаларини юқори аниқликда тасвирлаш имконини беради. Бу усул айниқса глаукома, диабетик ретинопатия ва макуляр дегенерация каби касалликларни эрта аниқлашда жуда самарали ҳисобланади. ОКТ ёрдамида сетчатканинг турли қатламлари таҳлил қилиниб, уларнинг қалинлиги ва тузилмавий ўзгаришлари баҳоланади.

Тўр парда ва оптик нерв ҳолатини текширишда фундоскопия ёки офтальмоскопия усуллари кенг қўлланилади. Бу усуллар ёрдамида офтальмологлар тўр пардадаги патологик ўзгаришларни, қон томир тизимидаги муаммоларни ва оптик диск атрофидаги шикастланишларни аниқлашлари мумкин. Офтальмоскопиянинг тўғридан-тўғри ва билвосита турлари мавжуд бўлиб, замонавий офтальмологияда рақамли

офтальмоскоплар ва фундос камералар ёрдамида автоматлаштирилган диагностика тизимлари ишлаб чиқилган.

Рангли кўришга боғлиқ бузилишларни аниқлаш учун Ишихара тестлари қўлланилади. Бу тестлар пациентнинг рангларни ажратиш қобилиятини баҳолашга ёрдам беради ва далтонизм ёки бошқа ранг сезгирлиги билан боғлиқ муаммоларни ташхислашда ишлатилади. Шунингдек, Фарнсворт-Мунселл тестлари ҳам ранг ажратиш қобилиятини аниқлашда фойдаланилади.

Кўриш майдонини баҳолаш учун периметрия усули ишлатилади. Бу тест пациентнинг кўриш майдонидаги нуқсонларни аниқлаш имконини беради ва глаукома ёки нейроофтальмологик касалликларни ташхислашда муҳим аҳамиятга эга. Замоनावий динамик ва статик периметрия усуллари ёрдамида кўриш майдонидаги ўзгаришлар аниқланади.

Замоनावий нейровизуализация усуллари, жумладан функционал магнит-резонанс томография ва оптик томография, кўриш тизимидаги нейрон фаолиятни ўрганишда фойдаланилади. Бу усуллар кўриш билан боғлиқ марказий тизим касалликларини аниқлаш ва уларни баҳолашда самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кўриш бузилишларининг замоनावий диагностика ва баҳолаш усуллари турли хил юқори технологияли қурилмалар ва методикаларни ўз ичига олади. Ушбу усуллар кўзнинг анатомик ва функционал ҳолатини аниқ баҳолаш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради. Замоनावий офтальмологияда оптик когерент томография, авторефрактометрия, тонометрия, фондускопия ва периметрия каби усуллар кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, нейровизуализация ва сунъий интеллект ёрдамида автоматлаштирилган ташхислаш тизимлари кўриш касалликларини аниқлашда янги имкониятлар яратмоқда.

## I боб хулосаси

Ушбу бобда кўриш тизимининг анатомик ва физиологик хусусиятлари, мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган кўриш бузилишлари, уларнинг этиологияси ва патогенези ҳамда замонавий диагностика усуллари ҳақида кенг маълумот берилди. Кўриш тизими инсоннинг ташқи муҳит ҳақидаги маълумотларни қабул қилишда асосий роль ўйнаши таъкидланиб, унинг нормал фаолияти кўплаб орган ва тузилмаларнинг уйғун ишлашини талаб қилиши кўрсатиб ўтилди.

Кўриш бузилишлари, айниқса, мактаб ёшидаги болаларда жуда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг таълим жараёнига, ижтимоий муносабатларига ва умумий ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таърифланди. Миопия, гиперметропия, астигматизм, амблиопия ва страбизм каби кўриш аномалиялари болаларда энг кўп учрайдиган муаммолар сифатида таснифланди. Ушбу патологияларнинг ривожланишига генетик, экологик, биомеханик ва физиологик омиллар таъсир қилиши эътироф этилди.

Кўриш бузилишларининг патогенези ва ривожланиш механизмлари замонавий офтальмология нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Миопиянинг ривожланиши кўп ҳолларда ирсий ва ташқи муҳит таъсири билан боғлиқ эканлиги, гиперметропия эса кўз олмаси шакли ва аккомодация қобилиятига боғлиқ эканлиги таъкидланди. Астигматизм, амблиопия ва глаукома каби касалликларнинг пайдо бўлиши кўзнинг тузилмавий ва нейрофизиологик ўзгаришларига боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

Бундан ташқари, кўриш бузилишларини аниқлаш учун замонавий диагностика усуллари таҳлил қилинди. Визуал аниқликни баҳолаш, авторефрактометрия, тонометрия, оптик когерент томография, фондускопия ва периметрия каби методлар кўз касалликларини эрта аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, нейровизуализация ва сунъий интеллект ёрдамида автоматлаштирилган


ташхислаш усуллари офтальмология соҳасидаги янги имкониятлар сифатида баҳоланди.

Хулоса қилиб айтганда, кўриш тизими мураккаб анатомик ва физиологик механизмларга эга бўлиб, унинг бузилишлари инсон ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир кўрсатиши мумкин. Мактаб ёшидаги болаларда кўриш муаммоларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун мунтазам офтальмологик текширувлар, тўғри ёритиш шароити, экран вақтини чеклаш ва кўз гимнастикасини бажариш каби профилактик чоралар муҳим аҳамиятга эга. Замонавий офтальмологиядаги илғор диагностика усуллари кўриш бузилишларини эрта аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бериб, инсоннинг кўриш қобилиятини сақлаш ва яхшилашга хизмат қилади.

## II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ФЙДАЛАНИЛГАН УСУЛЛАР

### §2.1. Тадқиқот дизайни ва стратегияси

Таdqиқот дизайни ва стратегияси кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг ривожланиш омилларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу таdqиқотда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Миробод туманларидаги мактаб ёшидаги болалар иштирок этди. Жами 4019 нафар ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар текширувдан ўтказилди, шулардан 2347 нафари Шайхонтоҳур туманида ва 1672 нафари Миробод туманида истиқомат қилувчи мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Ушбу умумий текширув натижасида 349 нафар болада турли даражадаги кўриш бузилишлари аниқланган бўлиб, таdqиқот шу болалар асосида олиб борилди (2.1.1-расм).



**2.1.1-расм. Текширувдаги болаларнинг кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилиши ҳолати**

Таdqиқот кросс-секционал таdqиқот усулига асосланган бўлиб, иштирокчиларнинг кўриш ҳолати бир марта баҳоланиб, асосий омиллар билан боғлиқлиги таҳлил қилинди. Бу усул таdqиқотнинг самарадорлигини

оширади ва кўриш бузилишларининг тарқалиши бўйича реал статистик маълумотларни олиш имконини беради. Кросс-секционал тадқиқотлар муайян вақтда белгиланган популяциядаги айрим хусусиятларни ўрганишга қаратилган бўлиб, улар эпидемиологик таҳлиллар ва соғлиқни сақлаш тадқиқотларида кенг қўлланилади. Бу усул кўриш бузилишларининг умумий тарқалишини баҳолаш, уларнинг демографик ва экологик омиллар билан боғлиқлигини аниқлаш ва келгусидаги тадқиқотлар учун асос яратиш имконини беради.

Кросс-секционал тадқиқот усулининг яна бир афзаллиги – у нисбатан паст харажатли бўлиб, катта популяцияда тезкор текширув ўтказиш имконини беради. Шу билан бирга, унинг чекловлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири сабаб-натижа муносабатларини аниқлаш имконияти чекланганлигидир. Бунда аниқланган боғлиқликлар корреляцион характерга эга бўлиб, уларни тасдиқлаш учун қўшимча узоқ муддатли тадқиқотлар талаб этилиши мумкин.

Тадқиқотда этик меъёрларга риоя қилинган бўлиб, у Тошкент тиббиёт институтининг Этик қўмитаси томонидан тасдиқланган. Барча иштирокчилар ва уларнинг ота-оналари тадқиқотда қатнашишга ёзма розилик бердилар. Тадқиқот Халқаро тиббий тадқиқот стандартларига мувофиқ олиб борилди.

## **§2.2. Тадқиқотда иштирок этган респондентлар ва уларни танлаш мезонлари**

Тадқиқотда иштирок этган болаларни танлашда бир қатор муҳим мезонлар асосида саралаш амалга оширилди. Биринчи навбатда, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларга мос келадиган 14-16 ёш оралиғидаги мактаб ўқувчилари танлаб олинди. Бу ёш диапазони болаларнинг кўриш тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш ва уларнинг ривожланиш жараёнларини кузатиш учун муҳим ҳисобланади. Мактаб ёшидаги ўсмир болаларда кўриш қобилятининг юқори бўлиши талаб этилганлиги сабабли, ушбу тадқиқот

натижалари келгусида ёшлар орасида кўриш бузилишларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Иштирокчилар ўз ихтиёрига кўра тадқиқотда қатнашишга розилик беришлари керак эди. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ҳам тиббий кўриқдан ўтишга ёзма розилик бериши талаб этилди. Бу этик меъёрларга риоя қилиш ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилди.

Ота-оналарга тадқиқотнинг мақсади, текширув жараёни, қўлланиладиган диагностика усуллари ва кутилган натижалар ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Шу билан бирга, иштирокчилар исталган вақтда тадқиқотдан воз кечиш ҳуқуқига эга эдилар.

Тадқиқотга жалб қилинган болалар олдин жарроҳлик амалиёти ўтказмаган ва жиддий офтальмологик касалликларга эга бўлмаган бўлиши лозим эди. Кўз жарроҳлиги ёки хуружли офтальмологик муаммолар тадқиқот натижаларига таъсир қилиши мумкинлиги сабабли, бундай ҳолатлари мавжуд бўлган болалар тадқиқот доирасидан чиқарилди. Масалан, катаракта ёки глаукома каби касалликларга эга бўлган болаларда кўриш қобиляти сезиларли даражада пасайган бўлиши мумкин, бу эса умумий популяция бўйича олинадиган натижаларнинг ҳолислигига таъсир қилади. Шунингдек, лазер коррекцияси ёки бошқа рефракцион жарроҳлик амалиёти ўтказган болалар ҳам тадқиқотдан четлатилди, чунки бундай ҳолларда табиий рефракция ҳолатини баҳолаш қийинлашади.

Бундан ташқари, тадқиқотда қатнашган болаларнинг умумий соғлиқ ҳолати ва неврологик жиҳатлари ҳам ҳисобга олинди. Жисмоний ёки ақлий ривожланишдаги жиддий муаммолар кўриш тизимига таъсир қилиши мумкинлиги сабабли, бундай ҳолатлар тадқиқот натижаларига таъсир этмаслиги учун аниқ филтрлаш амалга оширилди.

Иштирокчилар ижтимоий-иқтисодий ва географик жиҳатдан турли тоифаларга мансуб бўлиши таъминланди. Бу тадқиқот натижаларини кенгрок популяцияга татбиқ этиш имконини оширишга ёрдам берди. Болалар шаҳар

ва шаҳар атрофидаги мактаблардан танлаб олинди, бу эса турли турмуш тарзи, ўқув муҳити ва ташқи омилларнинг кўриш тизимига таъсирини баҳолаш имконини яратди.

Шунингдек, болаларнинг ирсий омиллари ҳам ҳисобга олинди. Ота-оналарида миопия, гиперметропия ёки астигматизм каби рефракция аномалиялари мавжуд бўлган болалар алоҳида гуруҳ сифатида баҳоланди. Чунки ирсий омиллар кўриш бузилишларининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот давомида болаларнинг турмуш тарзи, экран олдида ўтказадиган вақти, китоб ўқиш одатлари ва жисмоний фаоллиги каби омиллар ҳақида ҳам маълумот йиғилди. Бу маълумотлар кўриш бузилишларининг ривожланишига таъсир этувчи ташқи факторларни таҳлил қилиш учун ишлатилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

Клиник текширувлар – иштирокчи болаларнинг кўриш ўткирлиги, миопия ва астигматизм даражаси махсус офтальмологик тестлар орқали баҳоланди.

Сўровнома усули – болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида анкета ва саволномалар ўтказилиб, уларнинг кўзга боғлиқ шикоятлари, кундалик одатлари ва экран олдида ўтказадиган вақтини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Гигиеник таҳлил – ўқув хоналари ва уй шароитидаги ёритилиш даражаси, ўқув столлари ва ўтириш ҳолати каби омиллар баҳоланди.

Экспериментал гуруҳлар билан ишлаш – тадқиқотда иштирок этган болалар икки гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳ, яъни кўриш бузилишлари мавжуд бўлган ўсмирлар ва соғлом назорат гуруҳи. Асосий гуруҳ (кўриш бузилишлари мавжуд бўлган ўсмирлар (n=349)) иштирокчиларини ҳам иккита гуруҳга бўлинди.

- А гуруҳ (гигиеник тавсияларга амал қилган болалар) (n=265)
- В гуруҳ (одатий шароитда ҳаёт кечирган болалар) (n=84)

- Назорат гурухи (соғлом ўсмирлар) (n=100)

Тадқиқот натижалари асосида профилактик чора-тадбирларнинг кўриш ўткирлигининг бузилиши ривожланишига таъсири баҳоланди ва самарали усуллар тавсия қилинди.

Шайхонтохур ва Миробод туманларида 2008–2010 йилларда туғилган ўсмир болалар ўртасида кўриш ўткирлигининг бузилишининг тарқалиши турлича кузатилган. Шайхонтохур туманида 2008 йилда туғилган 53 болада (2,26%), 2009 йилда туғилган 49 болада (2,09%) ва 2010 туғилган йилда 74 болада (3,15%) касаллик аниқланган. Миробод туманида эса 2008 йилда туғилган 66 болада (3,95%), 2009 йилда туғилган 49 болада (2,93%) ва 2010 йилда туғилган 58 болада (3,47%) кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари қайд этилган (2.2.1-жадвал).

#### 2.2.1-жадвал.

#### Шайхонтохур ва Миробод туманларида ўсмир болалар ўртасида кўриш ўткирлиги бузилишининг тарқалиши

Йил	Шайхонтохур тумани (n=2347)	Шайхонтохур (%)	Миробод тумани (n=1672)	Миробод (%)
2008	53	2,26%	66	3,95%
2009	49	2,09%	49	2,93%
2010	74	3,15%	58	3,47%

#### §2.3. Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари

Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот доирасида маълумот йиғиш бир неча босқичда амалга оширилди ва таҳлил жараёнида замонавий статистик усуллардан фойдаланилди.

Маълумот йиғиш жараёни анкеталаш, клиник кўрик ва диагностика тестларини ўз ичига олди. Биринчи босқичда иштирокчилар ва уларнинг оналарига кўриш ҳолати, оилавий тарих, турмуш тарзи ва экран олдида ўтказадиган вақт ҳақида маълумот тўплаш учун махсус анкета берилди.

Анкеталар ёрдамида болаларнинг кўриш бузилишларига таъсир қилувчи эҳтимолий омиллар, жумладан, ирсий омиллар, таълим жараёнидаги визуал юклама ва ташқи муҳит таъсири аниқланди.

Қуйида тадқиқотда ишлатилган анкеталаш жадвалини тақдим этамиз. Унда иштирокчилар ҳақидаги демографик маълумотлар, турмуш тарзи, ирсий омиллар ва кўриш ҳолати бўйича саволлар жамланган (2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал.

#### Анкеталаш жадвали

№	Саволлар	Жавоб варианти / Маълумот тури
1	Ф.И.О.	
2	Туғилган сана	(Кун/Ой/Йил)
3	Мактаб ва синф	
4	Кўриш билан боғлиқ муаммоларингиз борми?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
5	Агар бор бўлса, қайси турдаги муаммо?	<input type="checkbox"/> Миопия <input type="checkbox"/> Гиперметропия <input type="checkbox"/> Астигматизм <input type="checkbox"/> Бошқа
6	Ота-онангизда кўриш бузилиши борми?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Билмайман
7	Кунлик экран вақти (соатда)	<input type="checkbox"/> <1 соат <input type="checkbox"/> 1-3 соат <input type="checkbox"/> 4+ соат
8	Компьютер ёки смартфондан қанча фойдаланасиз?	<input type="checkbox"/> Камдан-кам <input type="checkbox"/> Ҳар куни <input type="checkbox"/> Кун давомида
9	Ҳар куни неча соат ўқиш ва ёзиш билан шуғулланасиз?	<input type="checkbox"/> <1 соат <input type="checkbox"/> 1-3 соат <input type="checkbox"/> 4+ соат
10	Ҳафтада неча марта очик ҳавода вақт ўтказасиз?	<input type="checkbox"/> Ҳар куни <input type="checkbox"/> 2-3 марта <input type="checkbox"/> Ҳеч қачон
11	Ҳар куни неча соат табиий ёруғлик остида бўласиз?	<input type="checkbox"/> <1 соат <input type="checkbox"/> 1-3 соат <input type="checkbox"/> 4+ соат

12	Кечаси ётоқхонада ёруғлик ёқиб ухлаш одатингиз борми?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
13	Офтальмолог кўригида охириги марта қачон бўлгансиз?	<input type="checkbox"/> Бир йил ичида <input type="checkbox"/> 1-3 йил олдин <input type="checkbox"/> Ҳеч қачон
14	Агар кўзойнак тақсангиз, уларни доимий равишда тақасизми?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Фақат ўқиш ёки экран олдида
15	Жисмоний фаоллик даражангиз қандай?	<input type="checkbox"/> Фаол <input type="checkbox"/> Ўртача <input type="checkbox"/> Жуда кам ҳаракатли
16	Оилангиздаги умумий иқтисодий ҳолат қандай?	<input type="checkbox"/> Юқори <input type="checkbox"/> Ўртача <input type="checkbox"/> Паст
17	Кўзингизда тез-тез чарчаш ёки оғрик сезасизми?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
18	Кечки пайт ёки заиф ёруғликда кўриш қийинлашадими?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
19	Кўшимча изоҳлар	

Ушбу жадвал тадқиқотда иштирок этувчи болалар ва уларнинг оналаридан керакли маълумотларни тўплаш учун ишлатилди. Ҳар бир савол кўриш тизимига таъсир қилувчи эҳтимолий омилларни аниқлашга ёрдам берди.

Кейинги босқичда офтальмологик текширувлар ўтказилди. Иштирокчиларнинг кўриш ўткирлиги Сивцев жадвали ёрдамида баҳоланди, бу эса уларнинг яқин ва узоқ масофадаги объектларни қанчалик яхши кўра олишини аниқлашга ёрдам берди. Шунингдек, авторефрактометрия орқали рефракция аномалиялари (миопия, гиперметропия ва астигматизм) ўлчанди. Кўз ичи босимини аниқлаш учун тонометрия усули қўлланилди, чунки бу кўрсаткич глаукома ва бошқа офтальмологик муаммоларни эрта аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Кўшимча равишда, офтальмоскоп орқали кўз тўр пардаси ва оптик нерв ҳолати баҳоланди.

## §2.4. Лаборатор текширув усули

Тадқиқот ишларида лаборатор текширувлар икки йўналишда амалга оширилди:

1. Қон умумий таҳлили – организмнинг умумий соматик ҳолатини баҳолаш учун.
2. Кўз ёш суюқлиги биомаркерлари таҳлили – маҳаллий биокимёвий жараёнларни аниқлаш учун.

### 1. Қон умумий таҳлили усули

Қон намунаси тадқиқот иштирокчиларидан эрталабки овқатдан олдин, тирсак венаси орқали 5 мл ҳажмда олинди. Намуналар стерил пробиркаларга йиғилди ва 2 соат ичида таҳлил қилинди.

Таҳлил қилинадиган кўрсаткичлар:

- Гемоглобин (г/л);
- Эритроцитлар ( $\times 10^{12}/л$ );
- Лейкоцитлар ( $\times 10^9/л$ ) ва уларнинг субпопуляциялари;
- Тромбоцитлар сони ( $\times 10^9/л$ );
- Қоннинг гемогематокрит кўрсаткичлари.

Асбоб-ускуна: Автоматик гематологик анализатор (Sysmex KX-21N, Япония). Ҳисобот халқаро стандартларда (WHO, 2010) тавсия этилган норматива қийматлар билан таққосланди.

### 2. Кўз ёш суюқлиги биомаркерлари таҳлили усули

Кўз ёш суюқлиги махсус стерил капилляр микропипетка ёрдамида олинди (миқдори 50–100 мкл). Манипуляция оғриқсиз ва ноинвазив тарзда амалга оширилди, намуна олиш вақти 3–5 дақиқани ташкил этди.

Ўрганилган кўрсаткичлар:

- Антиоксидант ферментлар – супероксиддисмутаза (SOD), каталаза (CAT);
- Оксидатив стресс маркерлари – малон диальдегид (MDA);
- Витамин – А (ретинол);

Ушбу кўрсаткичларни ўрганишда замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилди. Жумладан, витамин ва MDA таҳлиллари спектрофотометр ва флюорометр (Shimadzu UV-1800, Япония) ёрдамида амалга оширилди, антиоксидант ферментлар фаолияти махсус ELISA-reader (StatFax 4200, АҚШ) ускунасида баҳоланди. Шу тариқа олинган маълумотлар биргаликда таҳлил қилиниб, ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишлари ва уларнинг биокимёвий асослари ўртасидаги узвий боғлиқликни аниқлаш имкони яратилди.

## **§2.5. Тадқиқотда қўлланилган статистик моделлар ва уларнинг асосланиши**

Тадқиқотда йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида бир неча турдаги статистик моделлар қўлланилди. Ушбу моделлар кўриш бузилишлари ва уларнинг эҳтимолий сабаблари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, асосий омилларни баҳолаш ва натижаларнинг ишончилигини таъминлаш учун ишлатилди.

Йиғилган маълумотларни умумий тасвирлаш ва уларнинг тарқалишини баҳолаш учун дескриптив статистика қўлланилди. Бу усул иштирокчиларнинг ёш, жинс ва мактабга тегишлилик бўйича тақсимотини аниқлаш, кўриш бузилишларининг умумий тарқалишини баҳолаш ва ўртача қийматлар, стандарт чекиниш, медиана ҳамда кватрилларни ҳисоблаш учун ишлатилди.

Категорияли ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун хи-квадрат ( $\chi^2$ ) тест қўлланилди. Бу тест кўриш бузилишлари ва жинс, ёш гуруҳлари, ота-оналардаги ирсий омиллар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш, шунингдек, турли мактаблардаги кўриш аномалиялари бўйича фарқларни аниқлаш учун ишлатилди.

Икки мустақил гуруҳ ўртасидаги ўртача қийматларнинг фарқини баҳолаш учун Студентнинг t-тести қўлланилди. Бу тест кўриш тезлиги

бўйича эркак ва аёл иштирокчилар ўртасидаги фарқни аниқлаш, шунингдек, миопияга чалинган ва соғлом болалар ўртасида экран олдида ўтказадиган вақт фарқини баҳолаш учун ишлатилди.

Бир нечта гуруҳ ўртасидаги ўртача қийматлар фарқини аниқлаш учун ANOVA (дисперсия таҳлили) усули қўлланилди. Бу усул ёш гуруҳлари бўйича кўриш тезлигидаги фарқларни баҳолаш, шунингдек, турли ижтимоий-иқтисодий даражалардаги болаларда кўриш бузилишлари тарқалишини таҳлил қилиш учун ишлатилди. Икки ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун корреляция таҳлили (Pearson ва Spearman коэффициентлари) қўлланилди. Бу усул экран олдида ўтказилган вақт ва миопия ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш, шунингдек, табиий ёруғликда ўтказилган вақт ва кўриш тезлиги ўртасидаги муносабатни аниқлаш учун ишлатилди. Категорияли натижаларни (масалан, "миопия бор/йўқ") прогноз қилиш учун логистик регрессия қўлланилди. Бу усул болаларда миопия ривожланиши эҳтимолини экран вақти, ирсий омиллар ва ёш билан боғлиқ ҳолда баҳолаш, шунингдек, жисмоний фаоллик даражаси ва кўриш бузилишлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш учун ишлатилди.

Бир нечта мустақил ўзгарувчилар натижага қандай таъсир қилишини баҳолаш учун мултифакторли регрессия таҳлили қўлланилди. Бу усул кўриш тезлигига таъсир қилувчи омилларни (ёш, экран вақти, табиий ёруғлик, ирсий омиллар) биргаликда таҳлил қилиш, шунингдек, кўриш бузилишларининг келиб чиқишига таъсир этувчи асосий факторларни аниқлаш учун ишлатилди.

Тадқиқотда қўлланилган диагностика усуллари аниқлиги ва ишончилигини баҳолаш учун сенситивлик ва спецификлик таҳлили ўтказилди. Бу усул авторефрактометрия ва клиник кўрик натижалари ўртасидаги мосликни таҳлил қилиш, шунингдек, миопия ва гиперметропия ташхисларининг нақадар аниқ эканини баҳолаш учун ишлатилди.

Тадқиқотда қўлланилган статистик моделлар йиғилган маълумотларнинг ишончли таҳлилини таъминлаш ва кўриш бузилишларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун ишлатилди. Дескриптив статистика тарқалишни баҳолаш учун, Хи-квадрат ва t-тест гуруҳлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун, корреляция таҳлили ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун, логистик ва мултифакторли регрессия эса прогноз қилиш ва муҳим омилларни аниқлаш учун ишлатилди. Бу усуллар натижаларнинг ҳолис ва аниқ бўлишини таъминлади.

## **II боб хулосаси**

Ушбу бобда кўриш бузилишларини ўрганишга қаратилган тадқиқот методологияси ва ишлатилган усуллар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадқиқот Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Миробод туманларидаги мактаб ёшидаги болалар иштирокида ўтказилиб, жами 4019 нафар бола текширувдан ўтказилди.

Таҳлиллар кросс-секционал тадқиқот усулига асосланган бўлиб, бу усул муайян вақтда белгиланган популяциядаги кўриш бузилишларининг тарқалишини баҳолаш ва уларнинг демографик ҳамда экологик омиллар билан боғлиқлигини аниқлаш имконини берди. Тадқиқот этик меъёрларга мувофиқ равишда олиб борилиб, иштирокчи болалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишга эъза розилик бердилар.

Респондентларни танлашда 14-16 ёш оралиғидаги мактаб ўқувчилари сараланиб, уларнинг кўриш тизими ҳолати, ирсий омиллар, турмуш тарзи ва ташқи муҳит таъсири ўрганилди. Шунингдек, тадқиқот натижаларига таъсир қилувчи омиллар, жумладан, офтальмологик жарроҳлик ўтказган ёки жиддий кўз касалликларига эга бўлган болалар тадқиқотдан чиқарилди.

Маълумотларни йиғиш жараёни бир неча босқичда амалга оширилди. Анкеталаш, клиник кўрик ва диагностика тестлари орқали болаларнинг кўриш ҳолати, экран олдида ўтказадиган вақти, таълим жараёнидаги визуал юкламалар ва ташқи муҳит омиллари ўрганилди. Тадқиқот давомида кўриш

ўткирлиги Сивцев жадвали орқали баҳоланди, рефракция аномалиялари авторефрактометрия ёрдамида аниқланди, кўз ичи босими тонометрия усули орқали текширилди ва офтальмоскопия орқали кўз тўр пардаси ва оптик нерв ҳолати таҳлил қилинди.

Лаборатор текширув жараёнида кўз ёш суюқлиги биомаркерлари кенг камровда таҳлил қилинди. Тадқиқотда асосий эътибор антиоксидант ферментлардан супероксиддисмутаза (SOD) ва каталаза (CAT) фаолиятини аниқлашга қаратилди, чунки улар кўз тўқималарида эркин радикалларни нейтраллаштириш ва тўр парда ҳужайраларини турли шикастланишлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, оксидатив стресснинг асосий маркерларидан бири бўлган малон диальдегид (MDA) миқдори ҳам ўлчанди. MDA кўрсаткичи тўқималарда липид пероксидланиш жараёнининг фаоллигини кўрсатиб, кўздаги эрта дистрофик ўзгаришларни очиш имконини берди. Қўшимча равишда кўриш саломатлиги учун зарур витаминлардан А витамини (ретинол) даражаси ҳам таҳлил қилинди. Ретинол кўриш пигменти – родопсиннинг синтезида асосий рол ўйнаши сабабли унинг етарли ёки кам даражада бўлиши автоматик равишда кўриш қобилиятига таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда дескриптив статистика, хи-квадрат тест, Студентнинг t-тести ва корреляция таҳлили қўлланилди. Бу статистик усуллар кўриш бузилишлари ва уларнинг эҳтимолий сабаблари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш ва асосий омилларни аниқлаш имконини берди.


Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг ривожланиш омилларини аниқлашда илмий асосланган ёндашувни қўллаб, ишончли натижаларни тақдим этди. Тадқиқот натижалари болаларда кўриш муаммоларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида профилактик чоралар ва соғлом кўриш одатларини шакллантириш учун асос сифатида хизмат қилади.

## III БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

### §3.1. Мактаб ўқувчиларида кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг асосий сабаблари

Кўриш бузилишлари мактаб ўқувчилари орасида кенг тарқалган муаммолардан бири бўлиб, уларнинг таълим жараёни ва кундалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу тадқиқотда Тошкент шаҳрининг Миробод ва Шайхонтохур туманларида истиқомат қилувчи мактаб ўқувчилари ўртасида кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг асосий сабаблари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 349 нафар бола орасида нормал кўриш ҳолати қайд этилмаган. Кўриш бузилишлари турлича бўлиб, улар ичида энг юқори кўрсаткич миопия (38.4%) ва астигматизм (27.2%) билан боғлиқ ҳолатлардир. Гиперметропия 22.3% болаларда аниқланган бўлса, 12.1% болаларда астигматизм белгилар мавжудлиги қайд этилган (3.1.2-расм).




#### 3.1.2-расм. Худудлар бўйича кўриш бузилишларининг тақсимооти

Миопия Шайхонтохур туманида 39.8%, Миробод туманида эса 37.2% болаларда қайд этилган. Гиперметропия Миробод туманида

23.5% болаларда, Шайхонтохур туманида эса 21.1% болаларда учраган. Астигматизм ҳар иккала туманда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ўрганилган болаларнинг 27.2% да кузатилган. Астенопия ўртача 12.1% болаларда қайд этилган бўлиб, кўзнинг чарчаши ва ёруғликка сезгирлигининг ошганлигини кўрсатади.

Ушбу натижалар болаларда кўриш муаммолари кенг тарқалганлигини ва офтальмологик профилактика тадбирларини кучайтириш зарурлигини тасдиқлайди. Бунда мунтазам тиббий кўриклар, кўз гимнастикаси ва экран олдидаги вақтни чеклаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Кўриш бузилишларининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил қилиш учун ўқувчиларнинг кундалик одатлари, экран олдида ўтказадиган вақти, ирсий омиллар ва жисмоний фаоллиги ўрганилди (3.1.3-расм).




**3.1.3-расм. Асосий омилларнинг кўриш ўткирлигига таъсирининг солиштирма таҳлили**

Тадқиқот натижаларига кўра, ирсий омиллар миопиянинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Генетик факторлар кўз касалликларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Агар ота-онада миопия, гиперметропия ёки астигматизм мавжуд бўлса, болада ҳам ушбу касалликлар пайдо бўлиш эҳтимоли юқори. Айниқса, миопия кўпинча ирсий йўл билан ўтади.

Диаграммада кўрсатилганидек, генетик мойиллик миопияга чалинганлар сони 45% ни ташкил этди, гиперметропия эса 25% ҳолатда кузатилди. Шунингдек, астигматизм 30% га тенг бўлса, астигматизм 15% ни ташкил этди. Агар ота-онадан бири миопия билан касалланган бўлса, болада унинг пайдо бўлиш эҳтимоли тахминан 30–40% ни ташкил қилади. Агар икки ота-она ҳам миопияга эга бўлса, ушбу эҳтимол 60–70% гача ошиб кетиши мумкин.

Ҳозирги замонда компьютер, смартфон ва телевизорлар инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бундай қурилмалардан узоқ вақт фойдаланиш кўзга салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ вақт экран олдида бўлиш миопия 50% гача, гиперметропия 20%, астигматизм 30% ва астигматизм 25% ҳолатда кузатилди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар: кўзнинг узоқ муддатли стресс ҳолати, ёруғлик контрасти ёки экран ёруғлигининг кескин ўзгариши ва кўз қуриши. Бундан ташқари, экран ёруғлигини кўз учун қулай даражада сошлаш. Ёруғлик камлигида ўқиш кўзнинг зўриқишига олиб келади ва бу миопия ҳамда астигматизмнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ёруғлик етишмовчилиги натижасида миопия 40%, гиперметропия 20%, астигматизм 25% ва астигматизм 20% ҳолатда учради. Ёруғлик етишмовчилиги кўз мушакларининг кучли зўриқишига олиб келиб, кўриш қобилиятини пасайтиради. Айниқса, болалар ёшлигида бундай ҳолатга дуч келганда, уларнинг кўриш тизими тўғри шаклланмай қолиши мумкин. Нотўғри ўтириш ва тана ҳолати ҳам кўз саломатлигига таъсир қилади. Ҳаддан ташқари паст эгилган ҳолда ўтириш, стол ва стулнинг номувофиқлиги натижасида кўриш

тизимига босим тушади. Бизнинг кузатув натижаларимиз нотўғри ўтириш натижасида миопия 42%, гиперметропия 22%, астигматизм 28% ва астинопия 18% ҳолатда учради (3.1.4-расм).



**3.1.4-расм. Ёш гуруҳлари бўйича кўриш бузилишлари тарқалишининг фоиз кўрсаткичлари**

Миопия ёш ортиши билан ортиб бормоқда: 14 ёшда 36.3%, 15 ёшда 38.5%, 16 ёшда эса 40.3%. Бу кўпинча экран олдида кўп вақт ўтказиш ёки нотўғри ўқиш одатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Гиперметропия эса ёш ортиши билан камроқ учрамоқда: 14 ёшда 24.8%, 16 ёшда 20.2%, бу кўзнинг аккомодация қобилияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Астигматизм барқарор даражада сақланиб қолган бўлиб, 14-16 ёш орасида 26.5% - 28.2% болаларда аниқланган, бу нотўғри ўтириш ва ёруғлик шароитлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Астинопия 12% атрофида сақланиб қолмоқда, бу кўз чарчоғи ва визуал стресс билан боғлиқ бўлиши мумкин. Келтирилган натижаларга асосланиб, ўсмирлар ўртасида кўриш

профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, экран вақтини чеклаш ва мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Шайхонтохур туманида яшовчи 2008, 2009, 2010 йилларда туғилган кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари бўлган ўсмир ўғил болаларда қуйидаги ҳамроҳ касалликлар учради (3.1.1-жадвал).

### 3.1.1-жадвал

#### Кўриш бузилишлари бўлган ўсмир ўғил болаларда ҳамроҳ касалликларнинг фоиз кўрсаткичлари

Ҳамроҳ касаликлар	Миробод тумани (M±m)	Шайхонтохур тумани (M±m)
Энурез	0.081±0.02**	0.019±0.01
Ясси оёқлик	0.12±0.02	0.034±0.01
Семизлик	0.20±0.03	0.049±0.01**
Тана вазнининг етишмовчилиги	0.18±0.03	0.029±0.02
Аллергик ринит	0.13±0.03	0.029±0.01
Сурункали тонзиллит	0.12±0.03	0.019±0.01
Тромбоцитопения	0.033±0.01	0.019±0.01

Изоҳ: \*\*Кўрсаткичлар фарқи  $p < 0.05$ , статистик жихатдан аҳамиятли.

Тадқиқот натижаларига кўра, кўриш ўткирлиги бузилган ўсмир ўғил болаларда ҳамроҳ касалликларнинг учраш даражаси Миробод ва Шайхонтохур туманларида сезиларли фарқ қилади. Миробод туманида энурез 8.1% болаларда учраган бўлса, Шайхонтохур туманида бу кўрсаткич 1.9% ни ташкил этди. Бу фарқнинг сабабларидан бири болаларнинг руҳий ҳолати ва уларнинг оилавий муҳити бўлиши мумкин. Стресс, руҳий босим ва уй шароити омиллари энурез ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Миробод туманида аҳоли зичлиги юқори бўлиб, бу ҳудудда болаларнинг руҳий босими Шайхонтохурга нисбатан кўпроқ бўлиши мумкин. Ясси оёқлик — болаларда тананинг юкламаси нотўғри тақсимланиши натижасида пайдо бўладиган ортопедик муаммолардан биридир. Миробод туманида бу муаммо 12% болаларда учраган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 3.4% ни ташкил

этган. Бу фарқ, эҳтимол, экологик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Масалан, Миробод туманида болаларнинг кўпроқ ёпиқ жойларда қолиши ва ҳаракат фаолиятининг камлиги уларда ясси оёқлик ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга қўшимча равишда, тўғри пойабзал киймаслик ҳам муаммони кучайтириши мумкин. Семизлик Миробод туманида 20% болаларда қайд этилган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 4.9% ни ташкил этди. Бу жуда катта фарқ бўлиб, бу ҳолат болаларнинг овқатланиш маданияти ва турмуш тарзи билан боғлиқ. Миробод туманида фаст-фуд маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси юқори бўлиши, болаларда кам ҳаракатли турмуш тарзи кузатилиши ва уларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси паст бўлиши семизликни кучайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиши мумкин. Тана вазнининг етишмовчилиги Миробод туманида 18% болаларда қайд этилган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 2.9% ни ташкил этди. Бу ҳолат кўпинча нотўғри овқатланиш ва метаболик муаммолар билан боғлиқ бўлади. Аллергик ринит Миробод туманида 13% болаларда учраган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 2.9% ни ташкил этди. Бу фарқ экологик омиллар билан изоҳланади. Миробод туманида ҳаво ифлосланиши даражаси юқори, бу эса болаларда аллергия реакцияларнинг кўпайишига олиб келади. Шунингдек, Мирободдаги болалар кўпроқ ёпиқ биноларда бўлиб, ҳаво сифатининг пастлиги уларда нафас йўллари билан боғлиқ муаммоларни кучайтиради. Сурункали тонзиллит Миробод туманида 12% болаларда учраган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 1.9% ни ташкил этди. Бу ҳолат кўпинча иммунитет тизими ва инфекцияларга мойиллик билан боғлиқ. Тромбоцитопения Миробод туманида 3.3% болаларда учраган бўлса, Шайхонтохурда бу кўрсаткич 1.9% ни ташкил этди. Бу ҳолат иммун тизими, генетик омиллар ва ташқи муҳит таъсирлари билан боғлиқ. Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, Миробод туманида кўриш ўткирлиги бузилган ўсмирларда ҳамроҳ касалликлар кўпроқ учраётгани маълум бўлди. Бу ҳолат турли омиллар, жумладан, экологик муҳит, овқатланиш маданияти,

жисмоний фаолият даражаси, тиббий хизмат ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлиқ. Шайхонтохур ва Миробод туманларидаги ўсмир болалар орасида миопия кенг тарқалган бўлиб, бу касалликлар кўп ҳолларда бошқа ҳамроҳ касалликлар билан биргаликда учраган.

Шайхонтохур ва Миробод туманларида амалга оширилган текширув натижалари кўриш ўткирлиги, миопия ва астигматизм даражасини баҳолашга қаратилди. Текширувлар доирасида Сивцев жадвали ёрдамида кўриш ўткирлиги, рефрактометрия орқали миопия даражаси ва аккомодация тестлари воситасида кўзнинг узоқ ва яқин масофага мослашувчанлиги таҳлил қилинди (3.1.2-жадвал).

### 3.1.2-жадвал

#### Шайхонтохур ва Миробод туманларида амалга оширилган текширув натижалари кўриш ўткирлиги, миопия ва астигматизм даражасини баҳолаш натижалари

Туман	Жами болалар сони	Кўриш ўткирлиги паст (%)	Миопия (%)	Миопия даражаси (ўртача, D)	Астигматизм (%)
Шайхонтохур тумани	176	42.2%	39.8%	-2.75 D	12.7%
Миробод тумани	173	40.4%	37.2%	-2.60 D	11.5%
Жами	349	41.2%	38.4%	-2.67 D	12.1%

Текширув натижаларига кўра, Шайхонтохур ва Миробод туманларида яшовчи ўсмир болаларнинг кўриш ўткирлиги ва турли кўз касалликларининг учраш ҳолати ўрганилди. Жами 349 нафар болалар орасида кўриш ўткирлиги

паст бўлган болалар улуши 41.2% ни ташкил этди. Буларнинг 42.2% Шайхонтохур туманида ва 40.4% Миробод туманида қайд этилган. Шу билан бирга, миопия касаллигига чалинган болалар улуши 38.4% бўлиб, Шайхонтохур туманида бу кўрсаткич 39.8% ни, Миробод туманида эса 37.2% ни ташкил этди. Миопиянинг ўртача даражаси ҳисоблаб чиқилганда, Шайхонтохур туманида болаларда ўртача  $-2.75 D$ , Миробод туманида эса  $-2.60 D$  кўрсаткичи аниқланган. Бу маълумотлардан кўриш мумкинки, Шайхонтохур туманида миопия бираз кўпроқ тарқалган ва унинг даражаси ҳам бир оз юқорирак.

Шунингдек, астиопия, яъни кўзнинг чарчаши ва ноқулайлик ҳисси болаларнинг 12.1% да аниқланган. Ҳар иккала тумандаги болаларда бу касалликнинг учраши ўхшаш кўрсаткичларга эга бўлиб, Шайхонтохур туманида 12.7%, Миробод туманида эса 11.5% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар кўз муаммоларига таъсир этувчи омиллар ҳар иккала туманда ҳам бир-бирига яқин эканини кўрсатади.

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилганда, кўриш ўткирлигининг пасайиши ҳамда миопия касаллиги болалар ўртасида кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат турли омиллар билан боғлиқ, жумладан, болаларнинг кўзга тушадиган юкламаси, экранлардан фойдаланиш муддати, ёритиш шароити ва умумий соғлиқ ҳолати. Бундан ташқари, генетик омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ота-оналардан бири ёки ҳар иккаласи миопияга мойил бўлса, болаларда ҳам бу касаллик ривожланиш эҳтимоли ошади.

Кўриш ўткирлигининг пасайиши болаларнинг таълим жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, кўриш муаммолари бўлган болалар тахтада ёзилган матнларни ёки дарсликлардаги кичик ҳажмли ёзувларни ўқишда қийинчиликка дуч келиши мумкин. Бу эса уларнинг ўқиш самарадорлигига салбий таъсир қилиб, билим ўзлаштиришда қийинчиликларга олиб келади. Шунингдек, кўриш муаммолари болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ҳам таъсир қилади, чунки кўришдаги

муаммолар узоқ вақт давом этса, болаларда бош оғриғи, чарчоқ ва диққатни жамлашда қийинчиликлар пайдо бўлади.

Шу боис, бу муаммоларни бартараф этиш учун ёш авлод ўртасида кўз соғлиғига оид профилактик тадбирларни кучайтириш зарур. Болаларни мунтазам офтальмологик текширувдан ўтказиш, уларнинг кўзга тушадиган юкламасини камайтириш, экранлардан фойдаланиш муддатини чеклаш ва ёритиш шароитини яхшилаш керак. Шунингдек, болаларни кўз учун фойдали бўлган витаминлар ва микроэлементлар билан таъминланган рационал овқатланишга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу натижаларга асосланиб, ўсмирлар ўртасида кўриш профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, экран вақтини чеклаш ва мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, кўриш ўткирлигини сақлаб қолиш учун туғри ёруғлик шароитида ўқиш ва кўз гимнастикасини бажариш

Сўровнома орқали экран олдида ўтказиладиган вақт, ёруғлик шароитлари, жисмоний фаоллик даражаси, овқатланиш тартиби, витаминлар истеъмоли ва ирсий омиллар каби факторлар ўрганилди (3.1.8-жадвал).

### 3.1.8-жадвал

#### Кўришга таъсир этувчи омиллар бўйича сўровнома натижалари

Кўрсаткичлар	Шайхонтохур тумани (n=166)	Миробод тумани (n=183)	Жами (n=349)
<b>Экран олдида ўтказиладиган вақт (кун давомида)</b>			
1 соатдан кам	12.0%	10.4%	11.1%
1-3 соат	28.9%	30.6%	29.8%
3-5 соат	41.6%	42.1%	41.9%
5 соатдан кўп	17.5%	16.9%	17.2%
<b>Ёруғлик шароити (ўқиш ва компьютер фойдаланиш вақтида)</b>			
Етарли	61.4%	58.5%	59.9%
Етарсиз	38.6%	41.5%	40.1%
<b>Жисмоний фаоллик (кунлик ҳаракат вақти)</b>			

30 дақиқадан кам	22.3%	20.8%	21.5%
30-60 дақиқа	35.5%	33.9%	34.7%
60 дақиқадан кўп	42.2%	45.3%	44.0%
<b>Овқатланиш тартиби</b>			
Меъёрда	68.7%	71.6%	70.2%
Номувофиқ	31.3%	28.4%	29.8%
<b>Витаминлар истеъмоли</b>			
Ҳар куни	32.5%	35.5%	34.1%
Вақти-вақти билан	40.4%	38.3%	39.3%
Ҳеч қачон	27.1%	26.2%	26.6%
<b>Ирсий омиллар (ота-онада миопия борлиги)</b>			
Ҳа	47.6%	50.3%	49.0%
Йўқ	52.4%	49.7%	51.0%

Сўровнома натижаларига кўра, болаларнинг аксарияти кун давомида экран олдида узоқ вақт ўтказган. Жумладан, 41.9% болалар кунига 3-5 соат, 17.2% эса 5 соатдан кўп вақт экран олдида бўлган. Бу кўриш чарчоғи ва миопия ривожланишига олиб келган. Шу билан бирга, ёруғлик шароити ҳам барча болалар учун етарли бўлмаган: 40.1% болалар ўқиш ва компьютердан фойдаланиш вақтида етарсиз ёруғлик шароитида бўлган, бу эса кўриш ўткирлигининг пасайишига сабаб бўлган.

Жисмоний фаоллик даражасига қаралса, 21.5% болалар кунига 30 дақиқадан кам ҳаракат қилган, бу эса кўриш саломатлигига салбий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, 44.0% болалар кунига 60 дақиқадан кўпроқ жисмоний фаоллик билан шуғулланган, бу эса кўриш саломатлигини яхшилашга ёрдам берган.

Овқатланиш тартибига келсак, болаларнинг 70.2% меъёрий овқатланган бўлса, 29.8% болаларда овқатланиш тартиби номувофиқ бўлган. Шунингдек,

кўриш учун фойдали витаминлар мунтазам истеъмол қилинмаган: 26.6% болалар ҳеч қачон витаминлар қабул қилмаган, 39.3% эса вақт-вақти билан истеъмол қилган. Бу эса кўриш муаммоларининг олдини олишда муҳим омил бўлган.

Ирсий омилларнинг таъсири ҳам жуда муҳим бўлган. Сўровнома натижаларига кўра, 49.0% болаларнинг ота-онасида миопия мавжуд бўлган. Бу кўриш муаммоларининг ривожланиш хавфини оширган ва мунтазам офтальмологик текширувларни ўтказиш зарурлигини билдиради.


Ушбу натижалардан келиб чиқиб, кўриш саломатлигини яхшилаш учун экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш, ёруғлик шароитларини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш, овқатланиш тартибини меъёрлаштириш ва витаминлар истеъмолини кўпайтириш тавсия этилган. Шунингдек, ирсий омиллар мавжуд бўлган ҳолларда мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

### **§3.2. Кўриш бузилишлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва психологик омиллар**

Кўриш бузилишлари нафақат жисмоний саломатликка, балки ижтимоий ва психологик ҳолатга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчиларида кўриш муаммолари ривожланиши уларнинг таълим жараёнидаги иштироки, жамият билан муносабатлари ва руҳий ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин. Ушбу бўлимда кўриш бузилишлари билан боғлиқ ижтимоий ва психологик омиллар таҳлил қилинади.

Кўриш бузилишлари ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиш даражаси ва ўқув натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин. Кўриш аномалиялари бўлган ўқувчилар, айниқса миопия ва астигматизмга эга бўлганлар, доскада ёзилган ёки экранда кўрсатилган маълумотларни аниқ кўра олмасликлари мумкин. Бу эса уларнинг ўқув жараёнидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатади. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларда матнни тез ўқиш ва

тушуниш қобилияти ҳам пасайиши мумкин, бу эса уларнинг ўқув жараёнида ортида қолишига сабаб бўлади (3.2.1-расм).



**3.2.1-расм. Дарсларда қийинчиликка дуч келган ўқувчилар (%) кўрсаткичлари**


Диаграммада келтирилган маълумотларга кўра, асосий гуруҳдаги (n=349) ўқувчиларнинг 90% ида кўриш муаммолари мавжуд бўлиб, бу уларнинг дарсларда ўзлаштириш даражасига салбий таъсир кўрсатган. Бу болалар кўп ҳолларда ўқув жараёнига қизиқиши камайганини билдиришади, чунки матнларни ёки график маълумотларни ўқиш улар учун қийин бўлади. Бу ҳолат уларнинг ўқув мотивациясига салбий таъсир қилади.

Астигматизмга эга бўлган ўқувчиларнинг 33 фоизи ёзувларни ноаниқ кўришлари сабабли, ёзиш ва ўқишда қийналишган. Диққатни узок вақт жамлаш муаммолари ва кўз чарчаши ҳам уларнинг таълим жараёнига таъсир қилган. Миопияга эга бўлган ўқувчиларнинг 32 фоизи узокни аниқ кўролмадлиги сабабли, доскадаги маълумотларни ўқишда қийналганлар. Бу ҳолат уларнинг дарс материалларини ўзлаштиришини қийинлаштирган. Гиперметропияси бўлган ўқувчиларнинг 25 фоизи китоб ўқиш, дафтарга ёзиш ва экрандаги маълумотларни ўзлаштиришда муаммоларга дуч келишган. Нормал кўришга эга бўлган ўқувчиларнинг атига 10 фоизи дарсда ўзлаштириш бўйича қийинчиликлар кузатилган.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, кўриш муаммоларига эга бўлган ўқувчилар учун дарс жараёнини яхшилаш мақсадида мавжуд ўқитиш

усулларини мослаштириш, визуал ахборотларни аниқ ва тушунарли тақдим этиш, экранлар ва ёзувлар учун контрастни ошириш ҳамда кўришни назорат қилиш бўйича тиббий чора-тадбирлар кўриш тавсия этилади.

Кўриш бузилишлари болаларнинг жамият билан ўзаро муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади. Кўриш аномалиялари болаларнинг ўйинларда, жамоавий фаолиятларда иштирок этишини чеклаши мумкин. Масалан, спорт ўйинларида ёки интерактив машғулотларда улар кўриш қийинчиликлари сабабли камроқ қатнашишади. Бу эса уларнинг ижтимоий фаоллиги пасайишига олиб келади (3.2.2-расм).




**3.2.2-расм. Жамоавий фаолиятларда иштирок даражаси (%) кўрсаткичлари**

Кўриш бузилишлари бўлган болалар кўп ҳолларда «оддий» болалардан фарқ қилишидан уялишади, айниқса, кўзойнак тақишга мажбур бўлганлар. Бу эса уларнинг ўзини ёлғиз ҳис қилиш эҳтимолини оширади. Кўриш бузилишлари бўлган болаларда кўп ҳолларда ижтимоий изоляция ва ёлғизлик ҳисси кучаяди. Улар ўз тенгдошлари билан бир хил бўлишни хоҳлашса-да, кўриш муаммолари сабабли айрим фаолиятларда қатнашишдан бош тортишади. Нормал кўриш қобилиятига эга болаларнинг 36% жамоа ишларида фаол иштирок этади, бу эса уларнинг ижтимоий муҳитга яхши мослаша олишидан далолат беради. Улар ўйинлар, жамоавий топшириқлар

ва гуруҳдаги турли машғулотларга бемалол кўшилади. Кўриш муаммоларидан азият чекмагани сабабли, улар мулоқотда эркин бўлиб, ташаббускорликни ҳам намоён этади. Миопияга эга болаларнинг 21% жамоа ишларига фаол жалб этилган, бироқ қолган қисми масофадан берилган маълумотларни қабул қилишдаги муаммолар сабабли чекланишни ҳис қилади. Узоқни аниқ кўролмаслик айниқса ҳаракатли ўйинлар ва спорт машғулотларида уларнинг иштирокига тўсқинлик қилади. Гиперметропияга дучор бўлган болаларнинг 23% жамоавий тадбирларда фаол қатнашган. Бироқ яқинда жойлашган объектларни ноаниқ кўриш сабабли, улар тез чарчайди ва визуал топшириқларда қийинчиликларга дуч келади. Бу эса уларнинг умумий ишчи муҳитга мослашишини бироз секинлаштиради. Астигматизмга эга болаларнинг 20% гуруҳ ишларида фаол бўлган. Кўришдаги ноаниқлик, чизиқларнинг бузилиши ва ёзувларнинг хира кўриниши уларнинг визуал ва диққатни талаб қилувчи фаолиятларда ортида қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўриш муаммоларига эга болаларнинг жамоа ишларига интеграциясини яхшилаш учун психологик қўллаб-қувватлаш, махсус ёрдамчи воситалардан фойдаланиш ва ўқув жараёнини улар учун қулайлаштириш муҳим. Визуал материаллар контрасти оширилиши, ёритиш тизими яхшиланиши ва кўришга мослашган таълим усуллари жорий этилиши лозим. Шу орқали уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш ва жамоа ичида ўзларини эркин ҳис қилишларига кўмак бериш мумкин.

Кўриш бузилишлари руҳий саломатликка ҳам таъсир қилиши мумкин. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар кўп ҳолларда дарсларда ортида қолишдан хавотир олишади, синфдошлари томонидан масхара қилиниши мумкинлиги сабабли стрессга дуч келишади, келажакдаги имкониятлари чекланишидан кўрқинишади (3.2.3-расм).



**3.2.3-расм. Стресс ва хавотирликка дуч келган ўқувчилар (%) кўрсаткичлари**

Кўриш бузилишлари бўлган болаларда ўзларига ишонч камайиши мумкин. Айниқса, кўзойнак тақишдан уялиш, жамоавий фаолиятларда иштирок этмаслик, ўқув жараёнида қийналиш – буларнинг ҳаммаси уларнинг мотивациясига салбий таъсир кўрсатади. Астигматизмга эга болаларнинг 31 фоизи стресс ва хавотирлик ҳиссига дуч келган. Кўриш ноаниқлиги сабабли улар дарс материалларини яхши ўзлаштира олмай, ўзларини бошқалардан камроқ имкониятга эга деб ҳис қилишади. Миопияга эга болаларнинг 29% хавотирланиш ҳолатини билдирган. Улар масофадан берилган маълумотларни қабул қилишда қийналгани учун ўқув жараёнида ортда қолишдан кўрқади. Гиперметропияга дучор бўлган болаларнинг 26 фоизи ўқув жараёнида қийинчилик туфайли рухий босим ҳис қилган. Чарчаш ва диққатни сақлашдаги муаммолар уларда стресс даражасини оширган. Нормал кўришга эга болаларнинг 14 фоизи стресс ёки хавотирликка дуч келган бўлса-да, бу кўрсаткич кўриш бузилишлари бўлган болаларга нисбатан анча паст. Кўриш бузилишлари рухий саломатликка жиддий таъсир кўрсатади, шунинг учун бундай болалар учун махсус қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш зарур. Уларга адаптив таълим усулларини

жорий этиш, психологик ёрдам кўрсатиш ва синфдошлари орасида тушуниш ва ҳурмат муҳитини шакллантириш орқали уларнинг стресс ва хавотирлик даражасини камайтириш мумкин.

Кўриш бузилишларининг ижтимоий ва психологик таъсирини камайтириш учун мактаб муҳитини қўллаб-қувватловчи қилиб ташкил этиш, кўриш бузилишлари бўлган болалар учун ёруғлик шароитлари яратиш, кўзойнак ёки контакт линзалардан фойдаланишга ижобий муносабат шакллантириш, психологик қўллаб-қувватлашни кучайтириш, мактаб психологлари кўриш бузилишлари бўлган болаларга мотивацияни ошириш ва ижтимоий қийинчиликларни енгиш бўйича маслаҳат беришлари лозим, ўқувчилар учун психологик тренинглар ва мотивацион семинарлар ташкил этиш, ота-оналар ва ўқитувчилар билан ишлаш, ота-оналар болаларининг кўриш муаммолари ҳақида хабардор бўлиши ва уларга ёрдам бериш йўллари билиши керак, ўқитувчилар дарс жараёнида кўриш бузилишлари бўлган болалар учун қулай шароит яратишлари лозим, жамоавий фаолиятларга жалб қилиш, кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларнинг жамоавий ўйинлар ва тадбирларда фаол иштирок этишини таъминлаш, спортнинг барча болалар учун мос турларини ривожлантириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, кўриш бузилишлари нафақат жисмоний саломатликка, балки ижтимоий ва психологик ҳолатга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Оқибатда, болаларнинг таълим жараёнида ортда қолиши, ижтимоий муносабатларда қийинчиликка дуч келиши ва стрессга мойил бўлиши мумкин. Шунинг учун мактабларда ва оилада болаларга қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш ва уларнинг руҳий ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

Гигиеник таҳлил жараёнида ўқув хоналари ва уй шароитидаги ёруғлик даражаси, ўқув столлари ва ўтириш ҳолати баҳоланди. Бунда люксметр ёрдамида ёруғлик даражаси ўлчаниб, унинг меъёрий талабларга мослиги аниқланди (3.2.1-жадвал).

## 3.2.1-жадвал

**Ўқув хоналари ва уй шароитидаги ёруғлик даражаси ҳамда ўқувчиларнинг ўтириш ҳолати бўйича гигиеник таҳлил натижалари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Шайхонтохур тумани (n=166)</b>	<b>Миробод тумани (n=183)</b>	<b>Жами (n=349)</b>
<b>Ўқув хоналаридаги ёруғлик даражаси (люкс)</b>			
Меъёрга мос (300-500 люкс)	58.4%	61.2%	59.9%
Меъёрдан паст (300 люксдан кам)	41.6%	38.8%	40.1%
<b>Уй шароитидаги ёруғлик даражаси (люкс)</b>			
Меъёрга мос (200-500 люкс)	53.6%	56.3%	55.0%
Меъёрдан паст (200 люксдан кам)	46.4%	43.7%	45.0%
<b>Ўқувчиларнинг ўтириш ҳолати</b>			
Тўғри ўтирган	62.7%	65.6%	64.2%
Нотўғри ўтирган (энгашиб, ётқизиб ёки бир томонга оғиб)	37.3%	34.4%	35.8%

Тадқиқот натижаларига кўра, ўқув хоналари ва уй шароитидаги ёруғлик даражаси ҳамда ўқувчиларнинг ўтириш ҳолати ўртасида муайян фарқлар мавжудлиги аниқланди. Шайхонтохур ва Миробод туманларидаги мактаб ўқувчилари иштирок этган таҳлил асосида жами ҳолатлар бўйича ўқув хоналарида ёруғлик даражаси меъёрга мос келган ўқувчилар 59.9% ни ташкил этган, қолган 40.1% эса меъёрдан паст ёруғлик шароитида таълим олган. Шунингдек, уй шароитида ҳам ёруғлик етарли бўлган ўқувчилар

55.0% ни ташкил этган, қолган 45.0% да эса ёруғлик даражаси 200 люксдан кам бўлгани аниқланган.

Ўқувчиларнинг ўтириш ҳолатига оид таҳлил шуни кўрсатдики, 64.2% болалар ўқиш вақтида тўғри ўтириш қоидаларига риоя қилган бўлса, 35.8% да эса нотўғри ўтириш ҳолати кузатилган. Бундай ҳолатга энгашиб ўтириш, бир томонга оғиб ўтириш ёки ҳатто ётқизиб ўқиш ҳолатлари киради. Бу эса нафақат кўриш муаммоларини келтириб чиқариши, балки умуртқа муаммоларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шайхонтоҳур ва Миробод туманлари ўртасида ёруғлик шароити ва ўқувчиларнинг ўтириш ҳолати бўйича катта фарқ аниқланмаган. Шайхонтоҳур туманида 58.4% ўқув хоналарида ёруғлик меъёрга мос бўлган бўлса, Миробод туманида бу кўрсаткич 61.2% ни ташкил этган. Шунингдек, уй шароитида ҳам ёруғлик даражаси Шайхонтоҳур туманида 53.6%, Миробод туманида эса 56.3% ни ташкил қилган. Нотўғри ўтирган ўқувчилар улуши Шайхонтоҳур туманида 37.3%, Миробод туманида эса 34.4% бўлган.

Ушбу натижалар шундан далолат берадики, ёруғлик даражасининг етарсизлиги ва нотўғри ўтириш ҳолати кўриш саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммоларни камайтириш мақсадида ўқув хоналари ва уй шароитида ёруғлик миқдорини меъёрга мувофиқ равишда таъминлаш, шунингдек, ўқувчиларни тўғри ўтиришга ўргатиш муҳим ҳисобланади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши таълим муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Бу муҳитнинг муҳим қисми — мебеллар, яъни ўқувчи столлари, ўриндиқлар ва уларнинг синфдаги жойлашувидир. Кўпинча таълим муассасаларидаги мебеллар стандартга мос келмайди, бу эса болаларнинг тўғри ўтиришига, ёруғлик манбасига нисбатан бурчакда жойлашишига ва натижада кўриш ўткирлигига салбий таъсир кўрсатади.

Таълим муассасаларида ўрнатилган стол ва стуллар кўпинча болаларнинг ёши ва бўйига мос эмас. Агар парта жуда баланд ё паст бўлса, бола мажбурий равишда ёқимсиз ҳолатда ўтиришига тўғри келади. Бу

ҳолатда у китоб ёки дафтарга жуда яқинлашади, бу эса кўзга ортиқча куч тушишига олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, ўқувчи кўзининг дафтарга бўлган масофаси камида 30–35 см бўлиши лозим. Бу масофа мебеллар тўғри танланмаганида қисқариб, кўриш ўткирлигининг пасайишига олиб келади.

Оқилона жойлаштирилмаган мебель кўз учун ноқулай ёруғлик бурчакларини келтириб чиқаради. Масалан, чап қўлли ўқувчи учун чап томондан тушаётган ёруғлик соя пайдо қилиш эҳтимоли юқори. Шунингдек, парта ва стулнинг ёруғлик манбасига нисбатан жойлашуви ҳам муҳим: орқага ўтирган ўқувчиларда ёруғлик етишмовчилиги ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Бу эса кўриш уринишларини оширади ва миопия каби бузилишларни тезлаштиради.

Тўғри эргономик дизайнга эга бўлмаган ўриндиқларда ўтирган ўқувчи танасини олдинга эгади, бу эса кўзни экранга, китобга ёки ёзувга яқинлаштиришга мажбур этади. Бу ҳолат нафақат кўзга, балки умуртқа ва бўйинга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, парта ва стуллар болаларнинг анатомик хусусиятларига мос бўлмаганида, миопия ҳолатлари 20–30% га кўпроқ қайд этилади (Kim et al., 2019).

2021 йилда олиб борилган тадқиқотларга кўра, нотўғри мебельдан фойдаланувчи мактаб ўқувчилари орасида кўриш бузилишлари 1.5 баробар кўпроқ учрайди (Zhou et al., 2021). Таълим муассасаларида мебеллар янгиланганида, кўз чарчаш, миопия ва бошқа кўриш муаммолари 3–6 ой ичида 25–40% га камайгани аниқланган. Бу мебеллар дизайни ва жойлашувининг кўриш қобилиятига бевосита таъсирини тасдиқлайди.

Мактаб мебеллари нафақат ўқув жараёнининг қулайлигини, балки кўз саломатлигини ҳам таъминловчи муҳим омилдир. Баланси мувофиқ бўлган, эргономик талабларга жавоб берадиган мебеллар ўқувчиларнинг тўғри ўтиришига, кўзни ҳимоя қилишга ва визуал чарчоқни камайтиришга ёрдам беради. Таълим муассасаларида мебелларни болаларнинг ёш ва бўйига мос

ҳолда танлаш, синфхоналарни тўғри ёруғлик билан таъминлаш ва мунтазам офтальмологик кузатувлар ўтказиш кўриш ўткирлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот давомида Миробод ва Шайхонтохур туманларидаги мактабларда мебеллар ҳолати, синфхоналардаги ёруғлик манбалари ва ўқувчиларнинг парта-кўз масофаси СанКваН №0341-16 «Умумтаълим мактабларида таълим шароитлари ва ташкил этилишига санитар-эпидемиологик талаблар»да кўрсатилган меъёр даражаси ўрганилиб, уларнинг кўриш қобилятига бўлган таъсири таҳлил қилинди.

Миробод туманидаги мактабларда мебеллар ёш гуруҳларга анча мослашган. Бироқ, айрим мактабларда парта ва стуллар ўртасидаги масофа етарли эмаслиги, шунингдек, ёруғлик манбаларининг нотўғри жойлашганлиги қайд этилди. Таҳлилга кўра, ўқувчиларнинг кўпчилиги партага жуда яқин ўтиришга мажбур бўлган, бу эса кўзга ортиқча юк тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Шайхонтохур туманидаги айрим мактабларда эскирган мебеллардан фойдаланилган. Мебеллар болаларнинг бўйига мос келмаслиги натижасида ўқувчилар кўпроқ эгилиб ўтиради. Ёруғлик етишмовчилиги ва партадаги масофанинг жуда камлиги кўз чарчашини ва визуал стресс ҳолатларини кучайтирган (3.2.2-жадвал).

### 3.2.2-жадвал

#### Миробод ва Шайхонтохур туманларида мактаб муҳити ва кўришга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар солиштирмаси

№	Кўрсаткичлар	Миробод тумани	Шайхонтохур тумани
1	Мибеллар ёшга мослиги (%)	72% мактабда мос	38% мактабда мос
2	Ёруғлик манбаи тўғри жойлашган (%)	68% синфхонада	41% синфхонада

3	Парта-кўз масофаси $\leq 30$ см бўлганлар	61% ўқувчи	79% ўқувчи
---	--	------------	------------

Ушбу икки тумандаги ҳолатларнинг солиштирилиши болаларнинг кўз саломатлигига мактаб муҳитининг қандай даражада таъсир қилувчи омил эканини яққол намоён этди.

Биринчидан, мебелларнинг болалар ёши ва бўйига мослиги ўқувчиларнинг тўғри ўтириши, тананинг табиий ҳолатда сақланиши ва кўз билан китоб (ёки экран) ўртасидаги масофанинг меъёрда бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Миробод туманидаги мактабларда 72 фоиз ҳолатда мебель болаларнинг ёш гуруҳларига мос эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич Шайхонтоҳур туманида аниқ паст — бор-йўғи 38 фоиз мактабларда мебель талабларга жавоб беради. Демак, Шайхонтоҳур туманидаги кўплаб мактабларда болалар нотўғри ўлчамдаги мебельда ўтиришга мажбур, бу эса тананинг эгилиши, бошнинг олдинга эгилиши ва кўзга ортиқча юк тушишига сабаб бўлади. Натижада, визуал чарчоқ, миопия ва бошқа кўриш бузилишлари ривожланиши эҳтимоли ошади.

Иккинчидан, синфхоналардаги ёруғлик манбалари жойлашуви ҳам болаларнинг кўз саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ёруғлик манбаи ўқув материалларига тўғри тушмаса, соя тушиши, кўзда чарчоқ ва аниқ кўра олмаслик ҳолатлари кузатилади. Миробод туманидаги мактабларда ёруғлик манбалари 68 фоиз ҳолатда тўғри жойлашган бўлса, Шайхонтоҳур туманида бу кўрсаткич атиги 41 фоизни ташкил қилган. Бу эса Шайхонтоҳурдаги кўпгина ўқувчилар механик чарчоққа учраётганини ва кўриш бурчаги ноқулай шароитда эканини англатади. Ёруғликнинг нотўғри жойлашуви кўзни зўриқтиради ва узоқ вақт мобайнида ўқиш жараёнида чарчоқни кучайтиради.

Учинчидан, ўқувчи кўзи билан парта (ёки дафтар) ўртасидаги масофа кўриш қобилияти учун энг муҳим меъёрлардан биридир. Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, бу масофа 30–35 см бўлиши керак. Ушбу масофа қисқарса, кўз мушаклари ортиқча ишлайди ва бу миопиянинг ривожига туртки беради. Миробод туманида 61 фоиз ўқувчида парта-кўз масофаси 30 см ёки ундан кам эканлиги аниқланган. Аммо Шайхонтохур туманида бу кўрсаткич янада юқори — 79 фоиз ўқувчи китоб ёки дафтарга жуда яқин ҳолда ўтиришга мажбур. Бу ҳолат кўзга тушадиган юкни икки баробарга оширади, айниқса, ёруғлик етишмовчилиги билан қўшилганда салбий таъсир янада кучаяди.

Умуман, юқоридаги учта асосий кўрсаткич — мебелларнинг ёшга мослиги, ёруғлик манбалари жойлашуви ва парта-кўз масофаси — Миробод ва Шайхонтохур туманларида ўқувчиларнинг кўриш ҳолатига қандай таъсир кўрсатаётганини яққол намоён этмоқда. Миробод туманида шароит нисбатан яхшироқ ва стандартларга яқин бўлиб, кўришга бўлган салбий таъсир даражаси пастроқ. Шайхонтохур туманида эса кўплаб мактабларда мебель талабларга жавоб бермаслиги, ёруғликнинг етишмаслиги ва болаларнинг партага яқин ўтириши кўриш қобилиятига жиддий хавф туғдираётганини кўрсатади. Бу ҳолат таълим муассасаларида эргономик ва визуал саломатлик бўйича ислоҳотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Мактаб мебеллари ва ўқув муҳити болаларнинг кўз соғлиғини сақлашда асосий омиллардан бири сифатида қаралиши лозим.

### **§3.3. Лаборатор таҳлил натижалари**

Тадқиқотда иштирок этган 120 нафар ўсмир лаборатор текширувдан ўтказилди. Улардан 60 нафарда кўриш қобилияти бузилишлари мавжуд (миопия ва астиопия ташхиси қўйилган), қолган 60 нафар соғлом болалар назорат гуруҳини ташкил қилди.

Қон текширувларида олти асосий кўрсаткич аниқланди: гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар, гематокрит кўрсаткичи (3.3.1-жадвал).

### 3.3.1-жадвал.

#### Қон умумий таҳлили натижалари (M ± m)

Кўрсаткичлар	Кўриш бузилишлари бўлганлар (n=60)	Назорат гуруҳи (n=60)	P-қиймат
Гемоглобин (г/л)	115.3 ± 8.4	129.6 ± 7.9	<0.01
Эритроцитлар (x10 <sup>12</sup> /л)	4.05 ± 0.41	4.48 ± 0.39	<0.05
Лейкоцитлар (x10 <sup>9</sup> /л)	7.9 ± 0.9	6.6 ± 0.8	<0.05
Тромбоцитлар (x10 <sup>9</sup> /л)	215 ± 27	262 ± 25	<0.05
Гематокрит (%)	35.2 ± 3.1	39.8 ± 2.7	<0.05

Изох: Кўрсаткичлар фарқи  $p < 0.05$ , статистик жихатдан аҳамиятли.

Кўриш бузилишлари мавжуд бўлган ўсмирларда гемоглобин ва гематокрит даражалари сезиларли даражада пастлиги аниқланди, бу эса кўз тўқималарига етарли даражада кислород етказиб берилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тромбоцитлар ва эритроцитлар сонининг пасайиши микроциркуляция ва тўр парда трофикасининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, лейкоцитлар миқдорининг бир оз юқори бўлиши кўз тўқималарида яширин яллиғланиш жараёнлари кечаётганига ишора қилади.

Антиоксидант ферментлар — супероксиддисмутаза ва каталазининг фаоллиги кўриш бузилишлари мавжуд ўсмирларда аниқ равишда пасайган. Шу билан бир қаторда, оксидатив стресс маркери ҳисобланган малон диальдегиднинг даражаси юқорилагани тўр парда тўқималарида липид пероксидланиш жараёнлари фаоллигининг ошганлигини кўрсатади. Витамин А даражасининг камлиги эса тўғридан-тўғри кўриш пигменти родопсин синтези ва кўриш ўткирлигига таъсир кўрсатиши мумкин (3.3.2-жадвал).

**Кўз ёш суюқлигида аниқланган биомаркерлар ( $M \pm m$ )**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>КБ мавжуд бўлганлар (n=60)</b>	<b>Назорат гуруҳи (n=60)</b>	<b>P-қиймат</b>
Супероксиддисмутаза (SOD, U/ml)	1.98 ± 0.26	2.65 ± 0.30	<0.01
Каталаза (CAT, $\mu\text{моль}/\text{H}_2\text{O}_2/\text{min}$ )	27.4 ± 3.7	35.8 ± 4.2	<0.01
Малон диальдегид (MDA, нмоль/мл)	6.3 ± 1.2	3.9 ± 1.0	<0.001
Витамин А (ретинол, мкг/мл)	24.6 ± 3.2	33.2 ± 3.5	<0.01

Изох: Кўрсаткичлар фарқи  $p < 0.01$ ,  $< 0.001$  статистик жихатдан аҳамиятли.

Олинган натижалардан келиб чиққан ҳолда, қон таҳлили ва кўз ёш суюқлиги биомаркерлари кўрсаткичлари кўриш қобилятининг клиник ва биохимиявий асослари ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Кўриш бузилишлари кузатилган ўсмирларда қон биохимик кўрсаткичлари пасайиши орқали умумий трофик ўзгаришлар аниқланган бўлса, кўз ёш суюқлигидаги антиоксидант тизим заифлиги ва витамин камчилиги маҳаллий ҳимоя механизмларининг пасайишига ишора қилди.

Лаборатор таҳлиллар шуни кўрсатдики, умумий соматик ҳолат ва маҳаллий биохимиявий омиллар биргаликда кўриш қобилятига таъсир кўрсатади. Шунинг учун профилактика дастурларида ҳам соғлом овқатланиш ва микроэлементлар билан таъминлаш, ҳам антиоксидант терапиясини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

### **§3.4. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ва уларнинг илмий асосланиши**

Биз тадқиқотда иштирок қилган 349 нафар кўриш бузилиши бўлган болаларни икки гуруҳга ажратдик. Биринчи (А) гуруҳ – тажриба гуруҳи бўлиб, унга 265 нафар гигиеник тавсияларга амал қилган болалар киритилди. Иккинчи гуруҳ – В гуруҳи бўлиб, унга 84 нафар одатий шароитда ҳаёт кечирган болалар киритилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади ушбу икки гуруҳ ўртасидаги кўриш бузилишлари даражасини солиштириш ва гигиеник тавсияларга амал қилишнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат эди.

Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун Т-статистика ва  $\chi^2$ -тестларидан фойдаланилди. Бу статистик усуллар А ва В гуруҳлари ўртасидаги кўриш бузилишлари даражасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлигини аниқлаш учун ишлатилди. Таҳлил жараёнида қуйидаги асосий кўрсаткичлар ўрганилди: болаларда миопия, гиперметропия ва астигматизм каби кўриш бузилишларининг тарқалиши, ёруғлик муҳитининг етарли ёки етарсизлиги, экран олдида ўтказилган вақтнинг узунлиги ёки қисқалиги, жисмоний фаоллик даражаси ва кўз чарчаши билан боғлиқ шикоятлар (3.4.1-жадвал).

### 3.4.1-жадвал

#### А ва В гуруҳлари ўртасидаги кўриш бузилишлари даражасига таъсир этувчи омилларнинг солиштирма таҳлили

Кўрсаткичлар	А гуруҳи (n=265)	В гуруҳи (n=84)	Р- қиймат
Кўриш бузилишлари (%)	18,5 ± 2,3%	42,9 ± 3,8%	$p < 0,01^{**}$
Ёруғлик муҳити етарли (%)	92,4 ± 1,8%	68,3 ± 2,9%	$p < 0,05^*$
Экран олдида кунига >3 соат ўтказди (%)	21,1 ± 2,5%	47,6 ± 3,6%	$p < 0,01^{**}$
Жисмоний фаоллик етарли (%)	85,7 ± 2,1%	59,5 ± 3,4%	$p < 0,05^*$
Кўз чарчашидан шикоят қилганлар (%)	14,3 ± 2,0%	38,1 ± 3,5%	$p < 0,01^{**}$

Изох: Барча омиллар бўйича  $p < 0.05^*$ ,  $p < 0,01^{**}$  яъни фарқ статистик жихатдан аҳамиятли.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, А гуруҳидаги болалар орасида кўриш бузилишлари  $18,5 \pm 2,3\%$  ни ташкил этган бўлса, В гуруҳида бу кўрсаткич  $42,9 \pm 3,8\%$  га етган. Ёруғлик муҳити етарли бўлган болалар улуши тажриба гуруҳида  $92,4 \pm 1,8\%$  ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида  $68,3 \pm 2,9\%$  ни ташкил этган. Шу билан бирга, экран олдида кунига 3 соатдан ортиқ вақт ўтказган болалар улуши тажриба гуруҳида  $21,1 \pm 2,5\%$  бўлган бўлса, В гуруҳида бу кўрсаткич  $47,6 \pm 3,6\%$  га етган. Жисмоний фаоллик етарли бўлган болалар улуши А гуруҳида  $85,7 \pm 2,1\%$  ни ташкил қилган, В гуруҳида эса  $59,5 \pm 3,4\%$  ни ташкил этган. Кўз чарчашидан шикоят қилган болалар улуши А гуруҳида  $14,3 \pm 2,0\%$  бўлган бўлса, В гуруҳида бу кўрсаткич  $38,1 \pm 3,5\%$  ни ташкил қилган.

Бу натижалардан келиб чиқиб, гигиеник тавсияларга амал қилган болаларда кўриш бузилишлари камроқ учрагани ва кўриш саломатлигини сақлашда профилактик тадбирларнинг самарали эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, гигиеник тавсияларга амал қилиш кўриш бузилишларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши тасдиқланди. Ёруғлик муҳитини яхшилаш, экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш ва жисмоний фаолликни ошириш каби омиллар болаларнинг кўриш қобилиятини яхшилашга ёрдам беради. Шунингдек, офтальмологик текширувларни мунтазам ўтказиш ва профилактика чораларини кучайтириш орқали кўриш бузилишларининг олдини олиш мумкинлиги белгиланди.

### 3.4.2-жадвал

**Кўриш бузилишлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган болалар ўртасида экран олдида ўтказилган вақт, ёруғлик шароити ва жисмоний фаоллик даражалари**

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=349)	Назорат гуруҳи	P-қиймат
--------------	-------------------------	-------------------	----------

		(n=100)	
<b>Экран олдида ўтказиладиган вақт (соат, M ± m)</b>	4.2 ± 1.4	2.9 ± 1.2	<0.001***
<b>Ёруғлик шароити етарли (%)</b>	47.2%	72.8%	<0.001***
<b>Жисмоний фаоллик (дақиқада, M ± m)</b>	43.1 ± 12.4	60.7 ± 14.8	<0.001***

Изох: \*\*\*Барча омиллар бўйича  $p < 0.001$ , яъни фарқ статистик жихатдан аҳамиятли.

Кейинги босқичда соғлом ва кўриш бузилиши бўлган гуруҳлар ўртасида экран олдида ўтказиладиган вақт, ёруғлик шароитлари ва жисмоний фаоллик даражаларининг фарқи Т-статистика ва  $\chi^2$ -тестлари воситасида таҳлил қилинди (3.4.2-жадвал).

Жадвалда кўриш бузилишлари мавжуд бўлган болаларнинг экран олдида ўтказадиган ўртача вақтини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Маълумотларга кўра, кўриш муаммоларига эга ўқувчилар экран қаршида ўртача 4.2 соат вақт сарфлашади, бу эса кўришда муаммоси бўлмаган болаларга нисбатан анча юқори (2.9 соат,  $p < 0.001$ ). Бу кўрсаткич кўриш бузилишлари ва экран олдидаги фаолият ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Кўришда муаммолар бўлган болалар кўп ҳолларда визуал ахборотни яхшироқ ўзлаштириш мақсадида экранга яқинроқ қарашга мажбур бўлади, шунингдек, уларнинг жисмоний фаоллиги нисбатан камайгани боис экранга боғлиқлик ошган бўлиши мумкин. Узоқ вақт экранга қараш кўзнинг чарчаши, қуриши ва стресс ҳолатини кучайтириши мумкин. Шу сабабли, кўриш бузилишлари мавжуд бўлган болалар учун экрандан фойдаланиш вақтини назорат қилиш, уларга қулай ва эргономик муҳит яратиш, шунингдек, кўз соғлиғини сақлашга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаш зарур.

Маълумотларга кўра, ёруғлик шароити етарли бўлган болаларнинг улуши кўриш бузилишлари мавжуд бўлган гуруҳда 47.2% ни ташкил қилган, холбуки, кўриш муаммолари йўқ болалар орасида бу кўрсаткич 72.8% га тенг бўлган ( $p < 0.001$ ). Бу эса ёруғлик шароити билан таъминланганлик ва кўриш саломатлиги ўртасидаги муҳим боғлиқликни кўрсатади. Ёруғлик етишмовчилиги кўзга тушадиган юкломани оширади, натижада кўз тез чарчайди, зўриқиш ва дискомфорт вужудга келади. Узоқ муддат давомида сусти ёритилган муҳитда ўқиш ва ёзиш кўриш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, ёруғлик етишмовчилиги болаларда нотўғри ўтириш одатларини шакллантириб, ортопедик муаммолар келиб чиқишига ҳам йўл очади. Шунинг учун ўқувчилар учун тўғри ёритиш шароитларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Табиий ёруғликни максимал даражада фойдаланиш, сунъий ёритишни меъёрга мувофиқ танлаш ва ишчи жойни эргономик жиҳатдан тўғри ташкил этиш кўриш саломатлигини сақлашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, кўриш муаммоларига эга ўқувчиларнинг жисмоний фаолликка сарфлайдиган ўртача вақти 43.1 дақиқани ташкил этган. Бу кўрсаткич кўриш муаммолари йўқ болаларда сезиларли даражада юқори бўлиб, 60.7 дақиқа ни ташкил қилган ( $p < 0.001$ ). Бу эса кўриш бузилишлари ва жисмоний фаоллик ўртасидаги салбий боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Кўриш бузилишлари бўлган болалар кўп ҳолларда жисмоний фаолиятда фаол қатнашишдан қочади, чунки улар ҳаракатланишда ноқулайлик сезишади ёки жароҳат олиш хавотирига тушишади. Айниқса, тез ҳаракат талаб этувчи спорт ўйинлари ва жамоавий машғулотларда иштирок этишда муаммолар юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, кўзойнак тақиш зарурати ҳам айрим болалар учун қўшимча ноқулайлик келтириб чиқаради ва улар жисмоний фаолиятдан четлашишга мойил бўладилар. Жисмоний фаолликнинг камайиши эса нафақат умумий соғлиқ ҳолатига, балки руҳий ҳолатга ҳам таъсир кўрсатади. Кам ҳаракатланиш болаларда стресс, чарчок

ва диққат этишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, кўриш бузилишлари мавжуд бўлган болалар учун жисмоний фаолликни оширишга йўналтирилган махсус дастурлар ва қулай шароитлар яратиш муҳимдир. Масалан, кўзойнакни яхши мустаҳкамлаш ёки контакт линзалардан фойдаланиш, шунингдек, кўриш муаммоларига мос келадиган спорт турларини тавсия этиш мумкин.

Ирсий омиллар (3.4.3-жадвал) кўриш бузилишлари билан кучли боғлиқликка эга эканлиги аниқланган ( $\chi^2 = 98.23$ ,  $p < 0.001$ ). Тадқиқот натижаларига кўра, кўриш муаммоларига дуч келган болаларнинг 64.5% ида ота-оналардан бири ёки ҳар иккисиди миопия мавжуд бўлган. Бошқа томондан, кўриш бузилишлари йўқ бўлган болалар орасида бу кўрсаткич 33.7% ни ташкил этган. Бу натижалар кўриш бузилишлари, айниқса миопия, ирсий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Агар ота-онада кўриш муаммолари бўлса, болаларда ҳам ушбу муаммони ривожлантириш хавфи анча юқори бўлади. Генетик омиллар билан бир қаторда, оилавий муҳит ва кўриш одатлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, кўп ўқиш, экран олдида узок вақт ўтказиш ва ноқулай ёруғлик шароитида фаолият юритиш каби одатлар ирсий мойиллик билан кўшилганда кўриш бузилишлари ривожланишини тезлаштириши мумкин. Шу сабабли, ирсий жиҳатдан кўриш муаммоларига мойил болаларни эрта ёшдан оқ назоратга олиш, мунтазам офтальмологик текширувлардан ўтказиш ва кўз саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Кўришни ҳимоя қилиш учун болаларга экрандан фойдаланиш вақтини чеклаш, қулай ёруғлик шароити яратиш ва кўзни ҳимоя қилишга мўлжалланган махсус машқларни бажариш тавсия этилади. Ҳар куни витаминлар истеъмол қилган болалар орасида кўриш бузилишлари камроқ учраган ( $\chi^2 = 26.45$ ,  $p < 0.001$ ). Витаминлар қабул қилган болаларнинг 41.3% соғлом бўлган, кўриш бузилишлари мавжуд бўлган болаларда эса бу кўрсаткич 27.8% ни ташкил этган.

## Кўриш бузилишлари ва турли омиллар ўртасидаги боғлиқлик

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=349)	Назорат гуруҳи (n=100)	$\chi^2$ -Қиймат	P-Қиймат
Ирсий омиллар (ота-онада миопия мавжуд)	64.5% (225)	33.7% (1238)	98.23	<0.001***
Витаминлар истеъмоли (хар куни)	27.8% (97)	41.3% (1515)	26.45	<0.001***
Ёруғлик шароити етарсиз (%)	52.8% (184)	27.2% (997)	82.31	<0.001***

Изох: \*\*\*Барча омиллар бўйича  $p < 0.001$ , яъни фарқ статистик жихатдан аҳамиятли.

Ёруғлик шароити етарсиз бўлган болаларда кўриш бузилишлари сезиларли даражада кўпроқ учраган ( $\chi^2 = 82.31$ ,  $p < 0.001$ ). Кўриш бузилишлари мавжуд болаларнинг 52.8% хонасида ёруғлик етарсиз бўлган, соғлом болаларда эса бу кўрсаткич 27.2% ни ташкил этган. Ёруғликнинг камлиги кўзларга ортиқча зўриқиш тушишига сабаб бўлади. Узоқ муддат давомида ноқулай ёруғлик шароитида ўқиш ва ёзиш, экран билан ишлаш ёки бошқа кўзни зўриқтирадиган фаолиятлар билан шуғулланиш кўриш қобилятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу айниқса болаларда миопия ва астигматизмнинг ривожланишини тезлаштиради. Ёруғлик етарли бўлмаган шароитда кўзнинг доимий зўриқиши аккомодациянинг бузилишига олиб келади, бу эса вақт ўтиши билан доимий кўриш нуқсонларини юзага келтиради. Ёруғлик етарли даражада таъминланган муҳитда таълим олиш ва кундалик фаолиятларни бажариш кўз саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ота-оналар болаларнинг ўқиш ва ўйин жойларида етарли ёруғлик бўлишини таъминлашлари зарур. Шу билан бирга, табиий

ёруғликдан самарали фойдаланиш ва сунъий ёруғлик манбаларини тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ёзиш ёки ўқиш фаолияти чап қўл билан ёзувчилар учун ўнг томондан, ўнг қўл билан ёзувчилар учун эса чап томондан тушадиган ёруғликда бажарилиши лозим. Шунингдек, жуда ёркин ёруғлик ҳам кўзни зўриқтириши мумкин, шу боис ёруғликнинг меъёрига эътибор қаратиш керак. Кўриш саломатлигини сақлаш учун болаларга мунтазам равишда кўзни ҳимоя қилувчи машқлар бажариш тавсия этилади. Шунингдек, кўз шифокорига мунтазам мурожаат қилиб, кўриш ҳолатини назорат қилиб бориш орқали кўз муаммоларини эрта аниқлаш ва олдини олиш мумкин.

Витаминлар истеъмоли ҳам кўриш саломатлигига таъсир кўрсатади. Ҳар куни витаминлар истеъмол қилган болаларнинг 41.3% соғлом бўлган, кўриш бузилишлари мавжуд бўлган болаларда эса бу кўрсаткич 27.8% ни ташкил этган ( $p < 0.001$ ). Илмий тадқиқотлар кўрсатишича, А, С, Е витаминлари ва Омега-3 ёғ кислоталари кўриш саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, А витамини етишмовчилиги тун кўриш қобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин, С ва Е витаминлари эса антиоксидант таъсири билан кўз тўқималарини ҳимоя қилади (Harvard Medical School, 2021).

Олинган натижалар кўриш саломатлигини сақлаш учун комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади. Экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш, ёруғлик шароитларини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш ва витаминлар қабул қилиш орқали миопия ва бошқа кўриш муаммоларининг олдини олиш мумкин. Ишлаб чиқилган тавсиялар асосида профилактик чоралар кўриш бузилишлари тарқалишини камайтиришга ёрдам беради.

### **§3.5. Корреляция таҳлили асосида кўз саломатлигига таъсир этувчи асосий омиллар**

Ҳозирги замонавий таълим ва ахборот технологиялари даврида болаларнинг кўз саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим ижтимоий ва тиббий муаммолардан бирига айланмоқда. Турли омиллар, жумладан, кунлик экран

вақти, таълим юкламаси, офтальмолог кўрикларининг мунтазамлиги ва кўз чарчаш каби субъектив белгилари болаларда учрайдиган кўриш бузилишлари — миопия, гиперметропия, астигматизм ва астигматизмнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бу кўриш муаммолари нафақат боланинг жисмоний саломатлиги, балки таълим жараёнидаги фаоллиги ва ҳаёт сифатига ҳам таъсир қилиши мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, экран олдида узоқ вақт ўтказиш, таълим фаолиятидаги визуал юклама ва тиббий кўрикларга бўлган эътиборсизлик кўз саломатлигига жиддий хавф солувчи омиллар қаторига киради. Бундай шароитда, ушбу омиллар ва кўриш бузилишлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, уларнинг қай даражада таъсир кўрсатаётганини баҳолаш ва профилактик чораларни белгилаш зарурати юзага келмоқда. Мазкур тадқиқотда кўриш бузилишлари ва уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик корреляция таҳлили орқали ўрганилди. Бу статистик усул омиллар ўртасидаги муносабат кучини аниқлаш, қайси омиллар кўз саломатлигига энг катта таъсир кўрсатаётганини баҳолаш имконини берди. Таҳлил жараёнида турли туманлардаги ўқувчи ёшдаги болалар мисолида миопия, гиперметропия, астигматизм ва астигматизмнинг тарқалиши, уларнинг экран вақти, дарс юкламаси ва офтальмолог кўриклари билан боғлиқлиги ўрганилди (3.5.1-жадвал).

## Кўриш бузилишлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (M ± m)

Туман	Кўриш бузилиши	Омиллар									
		Кунлик экран вақти			дарс вақти			Офтальмолог кўриги			Кўзда тез-тез чарчаш ёки оғрик
		(<1соат)	(1-3 соат)	(4+соат)	(<1 соат)	(1-3 соат)	(4+соат)	(йилда 1)	(йилда 2 ва 3)	(хеч қачон)	
Миробод тумани	Миопия	0.28 ± 0.45	0.37 ± 0.49	0.38 ± 0.49	0.22 ± 0.42	0.32 ± 0.47	0.47 ± 0.5*	0.34 ± 0.48	0.13 ± 0.34*	0.56 ± 0.50*	0.24 ± 0.43
	Гиперметропия	0.33 ± 0.47	0.37 ± 0.49	0.33 ± 0.47	0.23 ± 0.43	0.28 ± 0.45	0.49 ± 0.5*	0.35 ± 0.48	0.14 ± 0.35*	0.56 ± 0.50*	0.26 ± 0.44
	Астигматизм	0.30 ± 0.46	0.32 ± 0.47	0.40 ± 0.5*	0.24 ± 0.43	0.28 ± 0.45	0.48 ± 0.5*	0.32 ± 0.47	0.18 ± 0.39	0.54 ± 0.50*	0.28 ± 0.45
	Астенопия	0.05 ± 0.22	0.24 ± 0.4*	0.14 ± 0.36	0.19 ± 0.40	0.10 ± 0.30	0.14 ± 0.36	0.24 ± 0.4*	0.19 ± 0.40	0.43 ± 0.51*	0.19 ± 0.40
Шайхонтоҳур тумани	Миопия	0.17 ± 0.38	0.17 ± 0.38	0.50 ± 0.5*	0.03 ± 0.17	0.08 ± 0.27	0.20 ± 0.4*	0.30 ± 0.4*	0.24 ± 0.43	0.26 ± 0.44	0.18 ± 0.39
	Гиперметропия	0.11 ± 0.32	0.43 ± 0.5*	0.46 ± 0.5*	0.23 ± 0.43	0.57 ± 0.50*	0.20 ± 0.41	0.51 ± 0.5*	0.14 ± 0.36	0.37 ± 0.49	0.46 ± 0.51*

Астигматиз	0.09 ±	0.43 ±	0.48 ±	0.09 ±	0.43 ±	0.48 ±	0.27 ±	0.07 ±	0.66 ±	0.30 ± 0.46
м	0.29	0.5*	0.5*	0.29	0.50*	0.5*	0.45	0.25	0.48*	
Астенопия	0.42 ±	0.42 ±	0.63 ±	0.00 ±	0.47 ±	0.58 ±	0.32 ±	0.68 ±	0.05 ±	0.42 ± 0.51
	0.51	0.51	0.5*	0.00	0.51*	0.5*	0.48	0.48*	0.23*	

Изоҳ: \*кўрсаткичлар орасида фарқлар эҳтимолан статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $p < 0.05$ ).

Миробод туманида миопиянинг экран вақти билан боғлиқлиги аниқ кўзга ташланади. Эcran вақти 1 соатдан кам бўлган ўқувчилар орасида миопия кўрсаткичи  $0.28 \pm 0.45$  бўлса, 1–3 соатлик тоифада  $0.37 \pm 0.49$  ва 4 соатдан ортиқ экран вақтига эга бўлганларда  $0.38 \pm 0.49$  ни ташкил этган. Бу натижалар экран вақти кўпайиши билан миопия даражасининг юқори бўлиш эҳтимоли ошишини кўрсатади. Дарс вақтига келсак, 1 соатдан кам дарс ўтувчи ўқувчиларда миопия  $0.22 \pm 0.42$ , 1–3 соатда  $0.32 \pm 0.47$  ва 4 соатдан ортиқ вақт дарс ўтадиганларда  $0.47 \pm 0.50$  ни ташкил этган. Демак, дарс вақтининг ортиши ҳам миопияга таъсир қилувчи омил сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга офтальмолог кўриги билан боғлиқ ҳолатларда, йилда бир марта кўриқдан ўтадиган ўқувчилар орасида миопия  $0.34 \pm 0.48$  ни ташкил этган бўлса, икки ёки уч марта кўриқдан ўтадиганларда бу кўрсаткич  $0.13 \pm 0.34$  га тушади. Ҳеч қачон кўриқдан ўтмаганларда эса  $0.56 \pm 0.50$  даражани ташкил этган. Бу натижалар мунтазам кўриқнинг профилактик аҳамиятини очиқ-ойдин исботлайди. Кўзда чарчаш ёки оғриқ каби субъектив белгилар эса миопия бўлган ўқувчиларда  $0.24 \pm 0.43$  даражада учраган.

Гиперметропия ҳолатлари ҳам шунга ўхшаш кўрсаткичларга эга. Мирободда экран вақти 1 соатдан кам бўлган ўқувчилар орасида гиперметропия  $0.33 \pm 0.47$  ни ташкил этган бўлса, 1–3 соатда  $0.37 \pm 0.49$  ва 4+ соатда  $0.33 \pm 0.47$  ни ташкил этган. Дарс вақтида эса гиперметропия даражаси  $0.23 \pm 0.43$  (дарс <1 соат),  $0.28 \pm 0.45$  (1–3 соат) ва  $0.49 \pm 0.51$  (4+ соат) бўлган. Бу ерда ҳам дарс вақти кўпайиши гиперметропия ҳолатларининг ортганини кўрсатади. Кўриқнинг таъсири янада яққолроқ: йилига 1 марта кўриқдан ўтувчиларда гиперметропия  $0.35 \pm 0.48$  бўлса, 2–3 марта кўриқдан ўтувчиларда  $0.14 \pm 0.35$ , ҳеч қачон кўриқдан ўтмаганларда эса  $0.56 \pm 0.50$  ни ташкил этган. Кўз чарчаш билан гиперметропия ўртасида ҳам боғлиқлик мавжуд:  $0.26 \pm 0.44$ .

Астигматизм кўрсаткичлари ҳам юқори. Мирободда экран вақти 1 соатдан кам бўлганлар орасида  $0.30 \pm 0.46$ , 1–3 соатда  $0.32 \pm 0.47$ , 4+ соатда  $0.40 \pm 0.49$  даражада қайд этилган. Дарс вақти бўйича эса

0.24 ± 0.43, 0.28 ± 0.45 ва 0.48 ± 0.50 даражалар кузатилган. Кўрик мунтазамлиги астигматизмни камайтиришга ёрдам бериши мумкин: йилига 2–3 марта кўриқдан ўтувчиларда астигматизм 0.18 ± 0.39 бўлса, ҳеч қачон ўтмаганларда 0.54 ± 0.50 ни ташкил этган. Бу ерда ҳам кўриқнинг аҳамияти тасдиқланади. Субъектив белгилар 0.28 ± 0.45 даражада аниқланган.

Астенопия – яъни кўз чарчаш, оғриқ, бош оғриғи каби аломатлар – экран вақти кўпайган сари ортган. Мирободда 1 соатдан кам экран вақтида 0.05 ± 0.22, 1–3 соатда 0.24 ± 0.44 ва 4+ соатда 0.14 ± 0.36 даражада бўлган. Дарс вақти кўпайиши билан ҳам астенопия ошган: 0.19 ± 0.40 (дарс <1 соат), 0.10 ± 0.30 (1–3 соат), 0.14 ± 0.36 (4+ соат). Кўриқдан ўтмаганларда 0.43 ± 0.51 даражада бўлиб, мунтазам кўриқдан ўтувчиларда бу кўрсаткич сезиларли паст (0.24 ± 0.44). Бу ерда ҳам тўғридан-тўғри профилактик боғлиқлик мавжуд.

Шайхонтоҳур туманидаги натижалар ҳам умумий тенденцияларга мос келади, аммо баъзи фарқли нуқталар бор. Масалан, миопия экран вақти 4 соатдан ортиқ бўлган ўқувчиларда 0.50 ± 0.50 даражада аниқланган бўлса, экран вақти 1–3 соатда ҳам 0.17 ± 0.38 даражада сақланиб қолган, бу бошқа омиллар таъсири ҳам борлигини кўрсатади. Дарс вақти кўпайган сари миопия кўрсаткичи 0.03 ± 0.17 дан 0.20 ± 0.40 гача ўсган. Кўриқдан ҳеч қачон ўтмаганлар орасида миопия даражаси 0.26 ± 0.44 бўлса, кўриқка 2–3 марта борганларда 0.24 ± 0.43 даражада бўлган. Бунда кўриқ таъсири Мирободга нисбатан камроқ кўзга ташланади.

Гиперметропияда Шайхонтоҳурда экран вақти 4+ соат бўлганда 0.46 ± 0.51, 1–3 соатда 0.43 ± 0.50 даражада бўлган. Дарс вақти кўпайиши билан 0.23 ± 0.43 дан 0.57 ± 0.50 гача ўсган. Кўриқ таъсири янада яққол: йилига 2–3 марта кўриқдан ўтувчиларда гиперметропия 0.14 ± 0.36 бўлса, ҳеч қачон кўриқдан ўтмаганларда 0.37 ± 0.49 даражани ташкил этган.


Астигматизм ҳолатлари ҳам юқори. Экрaн вақти кўпайиши билан 0.09 ± 0.29 дан 0.48 ± 0.51 гача ўсиш қайд этилган. Дарс вақтида ҳам шунга

Ўхшаш тенденция мавжуд. Кўриқдан ҳеч қачон ўтмаганларда  $0.66 \pm 0.48$  даражада бўлиб, бу кўрсаткич кўриқдан 2–3 марта ўтувчиларда  $0.07 \pm 0.25$  ни ташкил этган – бу энг катта фарқлардан бири ҳисобланади.

Астенопияда эса экран вақти 4+ соат бўлганлар орасида кўрсаткич  $0.63 \pm 0.50$  бўлиб, бу жуда катта даражада. Кўриқ таъсири ҳам катта аҳамиятга эга: кўриқдан ҳеч қачон ўтмаганларда астенопия  $0.05 \pm 0.23$  даражада бўлса, 2–3 марта кўриқдан ўтувчиларда  $0.68 \pm 0.48$  даражани ташкил этган. Бу натижа ноодатий бўлиб, кўриқдан ўтганлар орасида субъектив белгилар юқори эканлигини кўрсатади, бу эса эҳтимол, кўпроқ шикоят қилган ўқувчиларнинг кўриқка юборилиши билан боғлиқ.

Умуман олганда, ҳар икки туманда ҳам экран вақти, дарс вақти ва офтальмологик кўриқ кўриш бузилишларига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида намоён бўлмоқда. Мунтазам кўриқ ва вақтни тўғри тақсимлаш орқали кўриш муаммоларининг олдини олиш имкони мавжуд.

Тадқиқот натижаларига асосан, миопиянинг тарқалиши ва ривожланиши бир қанча омиллар билан боғлиқ экани аниқланди. Пирсон корреляция коэффиценти орқали олинган маълумотлар миопия ва турли муҳит ҳамда ҳаёт тарзи билан боғлиқ омиллар ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш имконини берди 3.5.1-расм.



**3.5.1-расм. Миопия ҳамда муҳит омиллари ўртасидаги статистик муносабат (r)**

Аввало, кунлик экран вақти ва миопия ўртасидаги боғлиқликга эътибор қаратилади. Ушбу кўрсаткич бўйича корреляция коэффициенти **+0.61** ни ташкил этди, яъни экран вақти кўпайиши миопия ривожланишининг кучайиши билан боғлиқ эканини кўрсатади. Бу кучли мусбат боғлиқлик ҳисобланади. Шу тариқа, экран олдида узоқ вақт ўтказадиган ўқувчиларда кўриш фокусининг бузилиши эҳтимоли юқори бўлади. Электрон қурилмалардан фойдаланиш ҳозирги кунда ёшлар орасида кескин ортиб бораётгани инобатга олинса, бу омил профилактик чора-тадбирлар кўришда асосий назарий база бўлиб хизмат қилади.

Дарс вақти билан миопия ўртасидаги боғлиқлик ҳам таҳлил этилди. Бу омил учун корреляция коэффициенти **+0.54** бўлиб, ўртача мусбат боғлиқликни кўрсатади. Яъни таълим юкламасининг ортиши, узоқ вақт ёзиш, ўқиш ва экранга қараб ўтириш миопия хавфини оширади. Бундай ҳолатда, дарс вақтини оқилона ташкил этиш, айниқса, ёш ўқувчилар учун кўзга тушадиган юкломани меъёрлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мунтазам офтальмолог кўриги ва миопия ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик манфий йўналишга эга бўлиб, корреляция коэффициенти **-0.66** ни ташкил этди. Бу кучли манфий боғлиқлик ҳисобланади. Яъни, бутун йил давомида икки ва ундан ортиқ марта офтальмолог кўригидан ўтадиган ўқувчиларда миопия ҳолатлари камроқ учрайди. Бу ҳолат кўз саломатлигини мунтазам назорат қилиш, эрта аниқлаш ва керакли профилактика чораларини кўриш орқали миопиянинг олдини олиш мумкинлигини тасдиқлайди. Шунингдек, тиббий кўрикларни умумий ва режали усулда мунтазам ўтказиш ёшлар саломатлиги учун муҳим ҳисобланади.

Акс ҳолатда, кўриқдан ҳеч қачон ўтмаган ўқувчиларда миопия ҳолатлари ортаётганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат учун корреляция коэффициенти **+0.58** бўлиб, ўртача мусбат боғлиқликни кўрсатади. Яъни кўриксизлик кўриш муаммоларини эрта аниқлаш имконини камайтиради ва бу орқали миопия хавфини кучайтиради. Бу натижа соғлиқни сақлаш


тизимда профилактика тадбирларини кучайтириш зарурлигини янада тасдиқлайди.

Сўнги омил бўлиб, субъектив аломатлар — кўз чарчаш, оғриқ, ёруғликка сезувчанлик ва бошқа ноқулайликлар таҳлил қилинди. Бу ҳолатлар билан миопия ўртасидаги корреляция коэффициенти **+0.47** ни ташкил этди. Бу ўртача даражадаги боғлиқлик бўлиб, кўз чарчаш ва бошқа субъектив шикоятлар миопия аломатлари сифатида намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу маълумотлар ота-оналар ва педагоглар учун муҳим сигнал бўлиб хизмат қилади, чунки субъектив белгилар орқали ҳам миопияни эрта аниқлаш имкони мавжуд. Олинган натижалар миопиянинг шаклланишига экран вақти, таълим юкласи ва тиббий кўриклар каби омиллар жиддий таъсир кўрсатаётганини аниқ кўрсатмоқда. Шунинг учун, профилактик чоралар сифатида экран олдидаги вақтни чеклаш, дарс вақтида кўзни ҳимоялаш бўйича гимнастикалар жорий этиш ҳамда мунтазам офтальмолог кўрикларини ташкил қилиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижалари гиперметропиянинг ривожланишига таъсир этувчи бир қатор омиллар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Пирсон корреляция коэффициенти асосида ўтказилган таҳлил ушбу кўриш бузилиши тури ва муҳит омиллари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини берди. Олинган натижалар гиперметропияга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ мураккаб муносабатларни очиб берди.

Аввало, кунлик экран вақти гиперметропия билан ўрта даражада боғлиқ экани аниқланди. Бу кўрсаткич учун корреляция коэффициенти **+0.49** ни ташкил этди. Бу шундан далолат берадики, экран олдида узоқ вақт ўтказиш гиперметропия хавфини бироз оширади. Ҳарчики миопияда экран вақти билан боғлиқлик кучлироқ бўлса-да, гиперметропияда ҳам экран таъсири инкор этилмаслиги лозим. Электрон қурилмалардан фойдаланиш, айниқса яқин масофадаги экранларга қараб ўтириш, кўзни сунъий равишда

фокуслашга мажбур этади, бу эса кўриш тизимидаги мувозанатни бузиши мумкин (3.5.2-расм.).



**3.4.2-расм. Гиперметропия ҳамда муҳит омиллари ўртасидаги статистик муносабат (r)**

Аввало, кунлик экран вақти гиперметропия билан ўрта даражада боғлиқ экани аниқланди. Бу кўрсаткич учун корреляция коэффиценти **+0.49** ни ташкил этди. Бу шундан далолат берадики, экран олдида узоқ вақт ўтказиш гиперметропия хавфини бироз оширади. Ҳарчики миопияда экран вақти билан боғлиқлик кучлироқ бўлса-да, гиперметропияда ҳам экран таъсири инкор этилмаслиги лозим. Электрон қурилмалардан фойдаланиш, айниқса яқин масофадаги экранларга қараб ўтириш, кўзни сунъий равишда фокуслашга мажбур этади, бу эса кўриш тизимидаги мувозанатни бузиши мумкин.

Дарс вақти билан гиперметропия ўртасидаги боғлиқлик эса анча яққол намоён бўлди. Бу омил учун корреляция коэффиценти **+0.62** бўлиб, у кучли мусбат боғлиқликни англатади. Яъни, таълим юкласи кўпайган сари

гиперметропия ҳолатлари ҳам ортиб боради. Бу ҳолат, айниқса, узоқ вақт давомида ўқиш, ёзиш ёки экранга қараш жараёнида кўзнинг доимий равишда тўғрилашга мажбур бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Таълим жараёнидаги визуал юклама кўзнинг нормал аккомодация механизмларини бузиши орқали гиперметропия ривожига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.


Мунтазам офтальмолог кўриги гиперметропиянинг олдини олишда муҳим омил сифатида намоён бўлди. Йилига икки ёки ундан ортиқ марта кўриқдан ўтадиган ўқувчиларда гиперметропия даражаси сезиларли даражада камайган. Бу ҳолат корреляция коэффиценти **-0.59** орқали акс эттирилган бўлиб, ўртача манфий боғлиқликни кўрсатади. Мазкур натижа мунтазам тиббий назорат ва профилактика чораларининг ўқувчиларда кўриш бузилишларини ҳисобга олиш ва эрта даволаш имкониятини яратишдаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Аксинча, ҳеч қачон офтальмолог кўригидан ўтмаган ўқувчилар орасида гиперметропия ҳолатлари юқорида даражада кузатилган. Бу ҳолат учун корреляция коэффиценти **+0.55** бўлиб, ўртача мусбат боғлиқликни билдирмоқда. Бу шундан далолат берадики, кўриксизлик сабабли гиперметропия кеч аниқланади ва ривожланиш эҳтимоли юқори бўлади. Бу ҳолат тиббий хизмат кўрсатиш тизимидаги профилактик функцияларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Сўнги таҳлил субъектив белгилар билан боғлиқ. Кўз чарчаш, оғриқ, ноқулайлик каби белгилар гиперметропия билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун корреляция коэффиценти **+0.50** ни ташкил этди. Бу ўртача боғлиқлик ҳисобланади ва гиперметропияга эга бўлган ўқувчиларда кўз чарчаш, хусусан яқин масофадан ўқиш пайтидаги ноқулайликлар кўпроқ кузатилиши мумкин. Бу ҳолат гиперметропияни аниқлашда нафақат клиник тестлар, балки ўқувчиларнинг субъектив шикоятларини ҳам инобатга олиш муҳимлигини кўрсатади.

Умуман олганда, таҳлил натижалари гиперметропиянинг шаклланиши ва тарқалишига дарс вақти, экран вақти ва офтальмологик кўриклар каби омиллар таъсир кўрсатаётганини тасдиқлайди. Таълим юкласини оқилона ташкил қилиш, экран олдида узоқ вақт қолишнинг олдини олиш ва мунтазам тиббий кўрикларни жорий этиш гиперметропиянинг олдини олишда самарали ёндашув бўлиши мумкин. Шунингдек, кўз чарчаш каби субъектив аломатлар ҳам гиперметропиянинг эрта белгиси сифатида қаралиши лозим.

Пирсон корреляция коэффиценти орқали ўтказилган таҳлил натижалари астигматизм ривожланиши ва турли муҳит омиллари ўртасидаги боғлиқликни очиб берди. Ушбу кўриш бузилиши кўпинча туғма бўлиши мумкин, бироқ атроф-муҳит факторлари ва ҳаёт тарзи унинг кучайишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таҳлил натижалари тасдиқламоқда (3.5.3-расм).



**3.5.3-расм. Астигматизм ҳамда муҳит омиллари ўртасидаги статистик муносабат (r)**

Кунлик экран вақти ва астигматизм ўртасидаги боғлиқлик **+0.52** коэффицент билан баҳоланди. Бу ўрта даражадаги мусбат боғлиқлик бўлиб, экран олдида кўп вақт ўтказиш астигматизм хавфини оширишини

кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, яқин масофада электрон қурилмалардан узоқ фойдаланиш натижасида кўзга тушадиган юклама билан изоҳланади. Кўзнинг сунъий равишда фокуслашга мажбур бўлиши, роговицанинг нормал шаклини сақлаб қолиш механизмларини заифлаштириши мумкин.

Дарс вақти ва астигматизм ўртасидаги боғлиқлик ҳам ўрта даражада аниқланди (**+0.55**). Бу натижа таълим жараёнида кўзга тушаётган юклама — узоқ вақт ўқиш, ёзиш ва экранга қараш — астигматизм ривожига ҳисса қўшиши мумкинлигини кўрсатади. Таълим юкламаси юқори бўлган ўқувчиларда кўриш органига тушаётган босим кўпроқ бўлади, бу эса роговица ёки линзанинг шаклидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Мунтазам офтальмолог кўриги астигматизм ҳолатларини камайтиришда муҳим рол ўйнаётгани ҳам маълум бўлди. Йилига икки ёки ундан ортиқ марта кўриқдан ўтадиган ўқувчиларда астигматизм кўрсаткичлари пастроқ бўлиб, **-0.61** коэффициент билан баҳоланди. Бу кучли манфий боғлиқлик ҳисобланади. Бундай ҳолат мунтазам тиббий назорат орқали астигматизмнинг эрта аниқланиши ва керакли коррекция тадбирларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Бу натижа оммавий тиббий кўриқларни ташкил қилиш зарурлигини ёритиб беради.


Шу билан бирга, ҳеч қачон кўриқдан ўтмаган ўқувчилар орасида астигматизм кўрсаткичлари анча юқори бўлиб, **+0.64** коэффициент билан баҳоланди. Бу ҳолат кўриқсизликнинг салбий таъсирини аниқ кўрсатади. Эрта аниқланмаган астигматизм вақт ўтиши билан ривожланиб, ўқувчида кўриш сифатининг пасайиши, бош оғриғи ва диққатни жамлашда қийинчиликлар каби муаммоларга олиб келиши мумкин.

Сўнгги омил — кўз чарчаш ва оғриқ каби субъектив белгилари билан астигматизм ўртасидаги боғлиқлик **+0.53** коэффициент билан баҳоланди. Бу ўртача мусбат боғлиқлик бўлиб, кўздаги чарчоқ, оғриқ ва фокуслашдаги муаммолар астигматизм мавжудлигининг эҳтимолий белгиларидан бири эканини кўрсатади. Бу натижа ҳам таълим муассасаларида ўқувчиларнинг

шикоятларини жиддий қабул қилиш ва уларни офтальмолог кўригига йўналтириш зарурлигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, астигматизм ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги ушбу корреляцион таҳлил натижалари ушбу кўриш бузилишининг профилактикасига етарлича эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Таълим юкласини оптималлаштириш, экран олдидаги вақтни чеклаш ҳамда барча ўқувчиларни мунтазам равишда офтальмолог кўригига жалб қилиш орқали астигматизм ҳолатларини камайтириш мумкин.

Пирсон корреляция коэффиценти асосида олинган натижалар кўз чарчаш (астенопия) ҳолатлари ва турли муҳит омиллари ўртасида аниқ боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Ушбу таҳлил кўз саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга қарши самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун муҳим ҳисобланади (3.5.4-расм).



**3.5.4-расм. Астенопия ҳамда муҳит омиллари ўртасидаги статистик муносабат (r)**

Аввало, кунлик экран вақти ва кўз чарчаш ўртасида **кучли мусбат боғлиқлик** мавжудлиги аниқланди. Бу кўрсаткич учун корреляция коэффиценти **+0.69** бўлиб, экран олдида узок вақт ўтириш кўз чарчаш ривожланишининг асосий омилларидан бири эканини тасдиқлайди. Бу ҳолат

электрон курилмалардан фойдаланишнинг ортиши, яқин масофада экранга қараш, кўзнинг узоқ муддатли фокусда ушланиши ва кўз намлигининг камайиши билан боғлиқ. Ушбу натижа экран вақтига чекловлар киритиш, кўзни дам олдириш учун танаффуслар жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Дарс вақти ҳам кўз чарчаши билан **кучли боғлиқлик** кўрсатди. Бу учун корреляция коэффициенти **+0.61** ни ташкил этди. Яъни таълим юкламасининг ошиши, хусусан, узоқ дарс вақтлари, кўп ёзиш ва ўқиш жараёнлари кўзга салбий таъсир кўрсатади. Бу натижа таълим тизимида кўз саломатлигини ҳимоя қилишга йўналтирилган ёндашувларни талаб қилади. Масалан, кўз гимнастикаси, дарслар орасида визуал танаффуслар ва табиий ёруғлик шароитларини яхшилаш шулар жумласидандир.

Офтальмолог кўриги ва астинопия ўртасидаги боғлиқлик **-0.22** коэффициент билан баҳоланди. Бу заиф манфий боғлиқлик ҳисобланади, яъни йилига икки ёки ундан ортиқ марта кўрикдан ўтиш кўз чарчашини камайтириши мумкин, лекин бундай таъсир кучли эмас. Бу ҳолат кўз чарчаши кўпроқ физиологик ва муҳит омиллари билан боғлиқ экани, тиббий кўрик эса асосан органик ўзгаришларни аниқлашга қаратилганлигини кўрсатади.

Ҳеч қачон кўрикдан ўтмаган ўқувчилар орасида кўз чарчаш ҳолатлари **+0.30** коэффициент билан баҳоланган. Бу заиф мусбат боғлиқликдир. Демак, мунтазам тиббий кўрикдан ўтмаслик баъзан кўз чарчаши билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо бу боғлиқлик барқарор эмас. Бу натижалар кўрсатадики, кўз чарчашнинг олдини олишда тиббий кўриклардан кўра кўпроқ ҳаёт тарзи ва кундалик одатлар муҳимроқ рол ўйнайди.

Умуман олганда, таҳлил натижалари кўз чарчаш ҳолати асосан экран вақти ва дарс юкламаси каби омиллар билан яқин боғлиқ эканини кўрсатди. Бунда мунтазам кўрикнинг таъсири чекланган бўлса-да, субъектив белгиларга асосланиб мунтазам равишда профилактик чоралар кўриш тавсия этилади. Таълим муассасаларида ва ота-оналар томонидан бу ҳолатларга

етарлича эътибор қаратиш кўз саломатлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Корреляция таҳлили натижаларига кўра, экран вақти ва дарс вақти кўриш бузилишларининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Улар миопия ва астигматизмда айниқса кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, офтальмолог кўригининг мунтазамлиги кўриш бузилишларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга экани исботланди. Яъни, профилактик тиббий кўриклар кўриш муаммоларининг камайишига олиб келади. Айнан астигматизм ва миопияда бу боғлиқлик жуда кучли кўзга ташланади.

### **§3.6. Кўриш бузилишларининг олдини олиш ва коррекция қилиш бўйича таклифлар**

Олиб борилган тадқиқот натижалари ва илмий таҳлиллар асосида кўриш бузилишларининг олдини олиш ҳамда мавжуд муаммоларни коррекция қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Улар кўриш саломатлигини сақлаш, миопия, гиперметропия, астигматизм ва астигматизм ривожланишини камайтиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, кўриш бузилишларини келтириб чиқарувчи асосий омиллар экран олдида узоқ вақт ўтказиш, ёруғлик шароитларининг етарсизлиги, жисмоний фаолликнинг камлиги, ирсий омиллар ва нотўғри овқатланиш эканлиги аниқланди.

Шунингдек, мунтазам офтальмологик текширувлар ва тўғри кўз гигиенаси қодаларига риоя қилиш кўриш бузилишларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

1. Экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш ва визуал гигиена қодаларига риоя қилиш

Тадқиқот натижаларига кўра, экран олдида узоқ вақт ўтказган болаларда кўриш бузилишлари кўпроқ учраган ( $p < 0.001$ ). Шунинг учун болалар учун экран олдида ўтказиладиган вақт меъёрлари белгилаб олинди (3.6.1-жадвал).

### 3.6.1-жадвал

#### Тавсия этилган экран вақти

Ёш гуруҳи	Кунига
6-12 ёш	2 соатдан ошмаслиги керак
13-18 ёш	3 соатдан ошмаслиги керак

Шунингдек, «20-20-20» қоидасига риоя қилиш лозим, яъни ҳар 20 дақиқада 20 сония давомида 6 метр (20 фут) масофадаги объектга қараш. Эcran олдида ишлашда 40-50 см узоқликда ўтириш, монитор ёруғлигини табиий ёруғлик даражасига мослаштириш ва тўғри ўтириш ҳолатига эътибор бериш тавсия этилади.

#### 2. Ёруғлик шароитларини яхшилаш

Ёруғлик шароитлари етарли бўлмаган болаларда кўриш бузилишлари 52.8% ҳолатда кузатилган ( $p < 0.001$ ). Ёруғлик етарли бўлмаган шароитда ўқиш ва экранга қараш кўзнинг аккомодация кучланишига олиб келади ва миопия ривожланиш хавфини оширади. Шунинг учун ёруғлик билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқилди (3.6.2-жадвал).

### 3.6.2-жадвал

#### Ишлаб чиқилган ёруғлик билан боғлиқ тавсиялар

Кўрсаткич	Тавсия этилган меъёрлар
Мактаб ва уйда ўқиш учун ёруғлик даражаси	500-600 люкс
Ёруғлик манбасининг йўналиши	Ёзув қўлига қарама-қарши томондан тушиши керак
Табиий ёруғликдан фойдаланиш	Кун ёруғлигидан максимал даражада фойдаланиш

#### 3. Жисмоний фаолликни ошириш ва кўз гимнастикасини жорий этиш

Жисмоний фаоллик даражаси паст бўлган болаларда кўриш бузилишлари анча кўпроқ учраган ( $p < 0.001$ ). Жисмоний фаоллик кўзнинг кон айланишини яхшилайти, кислород етказиб беришни оширади ва аккомодация мускулларининг нормал фаолиятини кўллаб-қувватлайди (3.6.3-жадвал).

### 3.6.3-жадвал

#### Жисмоний фаоллик ва кўз гимнастикасини жорий қилиш бўйича тавсиялар

Кўрсаткич	Тавсия этилган меъёрлар
Ҳар кунлик жисмоний фаоллик	Камида 60 дақиқа
Кўз гимнастикаси	Ҳар 30 дақиқада 2-3 дақиқа махсус машқлар

Кўз гимнастикасига қуйидаги машқлар киритилиши керак:

- Кўзни чап-ўнг, юқори-пастга ҳаракатлантириш.
- 5-10 марта тез-тез кўзни юмган ҳолда очиш ва ёпиш.
- 6 метр узоқликдаги объектга қараб, кейин яқиндаги объектга қараш.

4. Овқатланиш тартибини яхшилаш ва витаминлар истеъмолини ошириш

Ҳар куни витаминлар қабул қилган болаларда кўриш бузилишлари камроқ учраган ( $p < 0.001$ ). Кўриш саломатлигига муҳим таъсир этувчи витаминлар ва улар манбалари қуйида келтирилган (3.6.4-жадвал).

### 3.6.4-жадвал

#### Овқатланиш тартибини яхшилаш бўйича тавсиялар

Витамин	Манбалар	Фойдаси
А витамини	Сабзи, тухум, сут маҳсулотлари, сариёғ	Тунда кўришини яхшилайти
С	Цитрус мевалар, қулупнай,	Кўз тўқималарини ҳимоя

<b>ВИТАМИНИ</b>	наъматак, карам	қилади
<b>Е ВИТАМИНИ</b>	Ёнғоқ, сабзи, ўсимлик ёғлари	Антиоксидант таъсир кўрсатади
<b>Омега-3</b>	Балиқ, денгиз маҳсулотлари, чиа уруғи	Кўз тўқималарини озиқлантиради

Шунингдек, шакарли маҳсулотлар ва газланган ичимликлар истеъмолини камайтириш тавсия этилади, чунки улар диабетик ретинопатия ва кўриш муаммоларини келтириб чиқариши мумкин.

5. Ирсий омиллар мавжуд бўлган болалар учун махсус текширувлар ўтказиш

Ирсий омиллар миопия ривожланиш хавфини 60-70% га оширади (Nature Genetics, 2020). Шунинг учун мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш тавсия этилади (3.6.5-жадвал).

### 3.6.5-жадвал

#### Ирсий омиллар мавжуд бўлган болалар учун тавсия этилган меъёрлар

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Тавсия этилган меъёрлар</b>
<b>Ота-онасида миопия бор болалар учун текширувлар</b>	Йилига 2 марта
<b>Кўриш бузилишлари аниқланган болалар учун коррекция</b>	Кўзойнак, контакт линзалар ёки махсус терапия

6. Мактаб ва жамоат жойларида кўриш саломатлигини ҳимоя қилиш дастурларини жорий этиш.

Бунда матбуот, телевидение орқали чиқишлар, болалар ва ўсмирлар жамоалари учун махсус дастурлар яратиш ва давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш зарур.

Кўриш бузилишларининг олдини олиш учун мактабларда ва жамоат жойларида офтальмологик назорат кучайтирилиши керак. Мактабларда шифоокр ва педагоглар томонидан болани партада ўтириши, мебелнинг бола ёши ва бўйига мослиги назорат қилиниши зарур (3.6.6-жадвал).

### 3.6.6-жадвал

#### Кўриш бузилишларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар

Чора-тадбир	Тавсиялар
Мактабларда мунтазам офтальмологик текширувлар	Йилига 1-2 марта
Ўқитувчилар ва ота-оналар учун маълумот бериш	Болаларда кўриш муаммоларини эрта аниқлаш
Ўқув хоналарида ёруғлик ва ўтириш стандартларига риоя қилиш	Ёруғлик ва ўтириш масофасини назорат қилиш

Кўриш бузилишларининг олдини олиш учун **комплекс ёндашув** талаб қилинади. Экран вақтини чеклаш, ёруғлик шароитларини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш, витаминлар қабул қилиш ва мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш орқали ўсмирлар ўртасидаги кўриш муаммоларини камайтириш мумкин.

### §3.7. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш

#### имкониятлари

Олиб борилган тадқиқот натижалари кўриш бузилишларининг сабаблари ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, уларни амалиётга жорий этиш орқали мактаб ўқувчилари орасида кўриш муаммоларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва коррекция қилиш имконияти мавжуд. Ушбу натижаларни қуйидаги соҳаларда амалиётга жорий қилиш мумкин: мактаб таълими тизими, соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари ва ота-оналар учун кўрсатмалар.

1. Мактабларда кўриш саломатлигини ҳимоя қилиш дастурини жорий этиш. Тадқиқот натижаларига кўра, мактаб ўқувчиларининг 52.8% ёруғлик етарсиз шароитда ўқийди, 43.1% эса жисмоний фаоллик даражаси паст. Шунинг учун мактабларда кўриш саломатлигини ҳимоя қилиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим (3.7.1-жадвал).

### 3.7.1-жадвал

#### Ҳарбий хизматга чақирувгача бўлган ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар

<b>Чора-тадбир</b>	<b>Жорий этиш механизми</b>	<b>Кутилган натижа</b>
<b>Мактабда ёруғлик шароитларини яхшилаш</b>	Синф хоналарида 500-600 люкс ёруғлик даражаси таъминлаш	Кўриш бузилишлари хавфини камайтиради
<b>Ўқитувчилар учун кўриш саломатлиги бўйича тренинглари</b>	Кўриш бузилишларини эрта аниқлаш ва болаларга тавсия бериш	Болаларда нотўғри ўтириш ва ёруғлик етишмовчилигини бартараф этади
<b>Мактабларда кўз гимнастикасини жорий этиш</b>	Ҳар дарсдан кейин 2-3 дақиқа кўз машқлари бажариш	Кўз чарчашининг олдини олади
<b>Компьютер ва смартфондан фойдаланиш вақтига чекловлар киритиш</b>	Мактабларда экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш	Кўриш бузилишлари хавфини камайтиради

2. Мактаб ўқувчилари учун офтальмологик текширувлар тизимини йўлга қўйиш. Тадқиқот натижаларига кўра, 64.5% ҳолатларда кўриш бузилишлари ирсий омиллар билан боғлиқ. Шунинг учун мактаб ўқувчилари учун мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш керак (3.7.2-жадвал).

### 3.7.2-жадвал

**Ҳарбий хизматга чақирувгача бўлган ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар**

<b>Чора-тадбир</b>	<b>Жорий этиш механизми</b>	<b>Кутилган натижа</b>
<b>Мактабларда йилига 1-2 марта офтальмологик текширув ўтказиш</b>	Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда	Кўриш бузилишларини эрта аниқланади
<b>Ирсий омилларга эга болалар учун махсус мониторинг</b>	Ота-оналарида миопия бор болаларни кузатиш	Миопия ривожланишини олдини олади
<b>Кўриш бузилишлари аниқланган болалар учун коррекция чоралари</b>	Кўзойнак ёки контакт линзалар билан таъминлаш	Болаларда кўриш ўткирлигини сақлайди

3. *Жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини хабардор қилиш.* Тадқиқот натижаларига кўра, ҳар куни витаминлар қабул қилган болаларда кўриш бузилишлари камроқ учраган ( $p < 0.001$ ). Шунинг учун аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, ёруғлик шароитлари ва экран олдида ўтказиладиган вақт бўйича маълумот берувчи семинарлар ўтказиш керак (3.7.3-жадвал).

### 3.7.3-жадвал

**Ҳарбий хизматга чақирувгача бўлган ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар**

<b>Чора-тадбир</b>	<b>Жорий этиш механизми</b>	<b>Кутилган натижа</b>
<b>Оммавий ахборот</b>	Телевидение, радио ва	Кўриш

<b>воситаларида кўриш саломатлиги бўйича маълумот бериш</b>	интернет орқали маълумот тарқатиш	бузилишларининг олдини олади
<b>Жамоат ташкилотлари орқали болалар ва ота-оналар учун тренинглари ўтказиш</b>	Мактаб ва маҳалла марказларида ўқув курслари ташкил этиш	Ота-оналар ва болаларнинг билимини оширади
<b>Давлат томонидан кўриш саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш</b>	Соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик	Миллий даражада профилактика чораларини кучайтиради

4. *Ота-оналар учун кўриш саломатлигини сақлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш.* Тадқиқот натижаларига кўра, болаларнинг экран олдида ўтказадиган ўртача вақти 4.2 соатни ташкил этади, бу эса меъёрдан юқори. Шунинг учун ота-оналар учун махсус тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни тарқатиш керак (3.7.4-жадвал).

### 3.7.4-жадвал

**Ҳарбий хизматга чақирувгача бўлган ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар**

<b>Чора-тадбир</b>	<b>Жорий этиш механизми</b>	<b>Кутилган натижа</b>
<b>Ота-оналар учун махсус буклет ва қўлланмалар тайёрлаш</b>	Мактаб ва маҳаллалар орқали тарқатиш	Болаларнинг кўриш саломатлигини яхшилаш
<b>Ота-оналар учун онлайн вебинар ва тренинглари</b>	Интернет платформалар орқали маълумот	Болаларда экран вақтини чекланади

ўтказиш	тарқатиш	
<b>Ота-оналарни болаларининг кўриш саломатлигига эътибор беришга ўргатиш</b>	Болаларни мунтазам офтальмологга олиб боришни таъминлаш	Кўриш бузилишлари хавфини камайтиради

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун мактабларда кўриш саломатлигини ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш, аҳолини хабардор қилиш кампанияларини йўлга қўйиш ва ота-оналарни болаларининг кўриш саломатлигига эътибор беришга ўргатиш зарур. Ушбу чора-тадбирлар мактаб ўқувчилари орасида кўриш бузилишлари тарқалишини камайтиришга, уларни эрта аниқлаш ва коррекция қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсияларни давлат муассасалари, таълим ташкилотлари, жамоат фондлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда амалга ошириш мумкин. Бу эса болаларнинг кўриш саломатлигини сақлашга ҳамда келажакда кўриш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

### **III боб хулосаси**

Таҳлил жараёнида болалардаги миопия, гиперметропия, астигматизм ва астигматизм каби кўриш муаммолари ва уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликлар чуқур ўрганилди.

Жами 4019 нафар мактаб ўқувчиси қамраб олинган тадқиқотда 349 нафар болада турли даражадаги кўриш бузилишлари аниқланди, бу эса умумий синов иштирокчилари сонининг тахминан 8.7 фоизини ташкил этади. Аниқланган ҳолатлар орасида миопия – 38.4%, астигматизм – 27.2%, гиперметропия – 22.3%, астигматизм – 12.1% ҳолатларда кузатилди. Бу кўрсаткичлар кўриш муаммоларининг болалар орасида кенг тарқалганлигини ва масалага жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Таҳлил натижаларига кўра, экран олдида узок вақт ўтказиш миопия ва астигматизмнинг ўсишига олиб келаётган асосий омиллардан бири сифатида қайд этилди. Масалан, Миробод туманида 1 соатдан кам экран вақтига эга ўқувчиларда миопия даражаси 0.28 бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1–3 соатда 0.37 га ва 4 соатдан ортиқ экран вақтида 0.38 гача ўсган. Шу билан бирга, астигматизм ҳолатлари ҳам экран вақти кўпайиши билан ортган. Бу визуал юклама ва экран нурланишининг кўз тўқималарига салбий таъсир кўрсатаётганини кўрсатади.

Дарс вақти ҳам кўриш бузилишларига таъсир қилувчи муҳим омил сифатида намоён бўлди. Дарс вақти кўпайиши билан миопия, гиперметропия ва астигматизм ҳолатлари ўсиш тенденциясини намоён этди. Айниқса, 4 соатдан ортиқ вақт таълимда фаол иштирок этувчи болаларда кўриш бузилишлари даражаси сезиларли юқори бўлган. Бу нафақат таълим юкламаси, балки ўқув муҳитидаги ёруғлик, ўтириш ҳолати, ва кўзга тушадиган стресс билан ҳам боғлиқ.

Офтальмологик кўрикларнинг мунтазам ўтказилиши эса кўриш бузилишлари олдини олишда самарали профилактик восита эканини тасдиқлади. Йилига 2 ёки 3 марта кўрикдан ўтадиган ўқувчиларда миопия, гиперметропия ва астигматизм даражалари сезиларли паст бўлган. Масалан, Миробод туманида мунтазам кўрикдан ўтадиган болаларда миопия даражаси 0.13 бўлган бўлса, ҳеч қачон кўрикдан ўтмаганларда бу кўрсаткич 0.56 га тенг бўлган. Бу эса кўрикларнинг профилактик аҳамиятини яққол тасдиқлайди. Аммо баъзи ҳолатларда мунтазам кўрикдан ўтадиган болаларда субъектив шикоятлар юқори бўлгани, кўпинча муаммога эга болалар кўриikka йўналтирилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Астигматизм, яъни кўз чарчаш, оғриқ, бош оғриғи каби белгилари ҳам тадқиқотда алоҳида ўрганилди. Бу ҳолатлар ҳам экран вақти ва таълим юкламаси ортиши билан ортган. Масалан, Мирободда 1 соатдан кам экран вақтида астигматизм 0.05 даражани ташкил этган бўлса, 1–3 соатда 0.24 ва

4+ соатда 0.14 даражада бўлган. Шайхонтохур туманида эса экран вақти 4+ бўлган болаларда астенопия 0.63 даражани ташкил этган, бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Лаборатор таҳлил натижалари асосида умумий соматик ҳолат ва маҳаллий биомаркерлар ўртасида ҳам кучли боғлиқлик топилди. Кўриш бузилишлари мавжуд ўсмирларда гемоглобин ва гематокрит даражалари пастлиги қайд этилди, бу эса кўз тўқималари оксигенациясининг етарли эмаслигига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, антиоксидант ферментлар (CAT ва SOD) фаолиятининг пасайиши ва оксидатив стресс маркери (MDA) ошиши тўр парда ҳужайраларида биокимёвий ўзгаришлар кечаётганини кўрсатди. Витамин А даражаси ҳам сезиларли даражада пастлиги сабабли кўриш пигменти родопсин синтези бузилган.

Худудий фарқлар таҳлили натижаларига кўра, Миробод туманида экран ва дарс вақти билан кўриш бузилишлари ўртасидаги боғлиқлик яққол намоён бўлган бўлса, Шайхонтохур туманида баъзи кўрсаткичлар бошқача тус олган. Масалан, баъзи ҳолатларда кўрикдан мунтазам ўтган болаларда субъектив белгилар юқори бўлган, бу эса кўрикка йўналтиришдаги тартиб ва муаммоли болаларга бўлган устуворлик билан изоҳланади.

Олиб борилган таҳлил натижалари мактаб муҳити, хусусан мебеллар сифати, ёруғлик шароити ва ўқувчиларнинг ўтириш ҳолати болаларнинг кўриш қобилятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишини яққол намоён этди. Миробод ва Шайхонтохур туманларидаги мактабларда ўтказилган солиштирма таҳлилга кўра, мебелларнинг болалар ёши ва бўйига мослиги, парта-кўз масофаси ва ёруғлик манбалари жойлашуви билан боғлиқ кўрсаткичлар ўқувчилардаги кўриш бузилишлари тарқалишида муҳим рол ўйнайди.

Миробод туманида мебель ва ёруғлик талабларга нисбатан кўпроқ мос келгани сабабли, кўриш билан боғлиқ муаммолар нисбатан камроқ кузатилган. Аксинча, Шайхонтохур туманида кўплаб синфхоналарда мебели

эскирган, болаларнинг бўйи ва ёшига мос келмайдиган ҳолатда бўлиб, кўп ҳолларда парта-кўз масофаси меъёрий чегарадан кам эканлиги аниқланган. Бу ҳолатлар кўз мушакларининг ортиқча зўриқишига, миопия, астиопия ва гиперметропия каби кўриш бузилишларининг ривожланишига олиб келмоқда.

Шунингдек, ёруғлик манбалари жойлашувининг нотўғрилиги ва соя тушиши каби омиллар ҳам кўришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, сунъий ёруғлик етарли бўлмаган ҳолатларда болалар китоб ёки дафтарга яқинлашиб ўқишга мажбур бўлади. Бу эса кўзга тушадиган юкни оширади ва вақт ўтиши билан визуал чарчоққа ҳамда кўриш аниқлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Кўшимча омиллар сифатида ирсий мойиллик, ёруғлик етишмаслигида ўқиш, нотўғри ўтириш, жисмоний фаолликнинг камлиги каби ҳолатлар ҳам кўриш муаммоларининг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин. Бу омиллар ҳар бир боланинг шахсий ҳаёт тарзи ва муҳитига боғлиқ бўлган ҳолда алоҳида таҳлил қилинишини талаб қилади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари болаларда кўриш бузилишларини бартараф этиш учун комплекс ёндашув талаб қилинишига ишора қилади. Бунинг учун мактабларда визуал гигиена қоидаларига риоя қилиш, экранда ишлаш вақтини чегаралаш, дарс жараёнида танаффуслар ташкил этиш, ёруғлик шароитини яхшилаш ва мунтазам офтальмологик кўрикларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Оилавий даражада эса болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний фаолликни ошириш ва кўз саломатлигига эътибор бериш зарур.

## **IV БОБ. КЎРИШ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТУҒРИЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **§4.1. Ота-оналар ва ўқитувчилар учун кўз соғлиғини сақлаш бўйича методик тавсиялар**

Болалар ва ўсмирларда кўриш бузилишлари турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин, жумладан, нотоғри ёруғлик муҳити, экран олдида кўп вақт ўтказиш, нотўғри овқатланиш, жисмоний фаолликнинг камлиги ва ирсий омиллар. Шу сабабли, боланинг кўриш қобилиятини сақлаш учун ота-оналар ва ўқитувчилар биргаликда ҳаракат қилишлари керак.

Кўриш саломатлигини сақлаш учун синф хонаси ва уйда ёруғлик муҳитини тўғри ташкил этишдан иборат. Табиий ёруғлик етарли бўлиши учун ўқув хоналари ва уйдаги ўқиш бурчаклари яхши ёритилган бўлиши лозим. Кечки пайтда сунъий ёруғликдан фойдаланилганда, ёруғлик даражаси 500-600 люксдан кам бўлмаслиги керак. Ёзув столи ва компьютер экранига ёруғлик тўғри тушиши учун лампалар чап томондан ёритиши лозим. Шунингдек, ўқув хоналарида ёруғликнинг бир текис тақсимланиши таъминланиши муҳим.

Кўпинча ўсмирлар узоқ вақт мобил телефон, планшет ёки компьютердан фойдаланадилар. Бу кўзнинг чарчашига, кўриш ўткирлигининг пасайишига ва миопия ривожланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ўқувчиларга "20-20-20" қондасини ўргатиш зарур: ҳар 20 дақиқада экрандан узоқлашиб, 20 сония давомида 6 метр узоқликдаги объектга қараш тавсия этилади. Шунингдек, экран олдида ўтказиладиган умумий вақтни чеклаш керак. Масалан, 7-14 ёшдаги болалар учун экран вақти кунига 2 соатдан ошмаслиги, 15-18 ёшдаги ўсмирлар учун эса 3-4 соатдан кўп бўлмаслиги лозим.

Кўриш қобилиятининг бузилишига сабаблардан бири — кўзнинг тинимсиз стресс ҳолатида бўлиши. Жисмоний машқлар, айниқса, кўз гимнастикаси, кўриш органларининг чарчабини камайтиришга ёрдам беради.

Кундалик машғулотлар қаторида кўз учун махсус машқлар бажариш тавсия этилади. Масалан, кўзни 10-15 марта ёпиб-очиш, кўзни турли йўналишларда ҳаракатлантириш, яқин ва узоқ нуқталарга қараш, 1-2 дақиқа давомида кўзни юмган ҳолда дам олиш керак. Шунингдек, болалар ва ўсмирларга кўпроқ очик ҳавода юриш тавсия этилади, чунки табиий ёруғлик кўриш қобилятини сақлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Кўриш учун фойдали озиқ-овқатлар рационга киритилиши шарт. Бета-каротинга бой сабзи, А витаминига бой жигар ва тухум, lutein ва zeaxanthin моддалари мавжуд бўлган исмалоқ, брокколи ва кабиранг сабзавотлар кўришга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, балиқдаги омега-3 ёғли кислоталари кўзнинг яхши ишлаши учун зарур. Болалар ва ўсмирларга С ва Е витаминларига бой цитрус мевалар, ёнғоқлар ва урғучли маҳсулотлар бериш кўриш саломатлигини сақлашга ёрдам беради.

Кўриш бузилишларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун ҳар йили офтальмолог кўригидан ўтиш тавсия этилади. Агар болада кўриш билан боғлиқ шикоятлар пайдо бўлса (масалан, тахтага ёзилган ёзувларни яхши кўра олмаслик, кўзда тез-тез чарчаш, бош оғриғи), зудлик билан мутахассисга мурожаат қилиш керак. Офтальмолог кўз ўткирлигини текшириб, керакли профилактик чора-тадбирларни белгилайди.

Ота-оналар ва ўқитувчилар болаларнинг тўғри ўтириш одатини шакллантиришлари лозим. Кўриш бузилишларининг олдини олиш учун болалар ёзув ёзаётганда ва китоб ўқиётганда тўғри ўтиришлари керак. Масофа 30-40 см бўлиши керак, бош эса жуда пастга эгилмаслиги лозим. Компьютер ёки планшетдан фойдаланишда экран кўздан 50-70 см узоқликда жойлашиши лозим. Шунингдек, болаларнинг ётиб ёки ёрғоқда ўқишларига йўл қўймаслик керак, чунки бу кўзга қўшимча стресс юклайди.

Кўриш қобилятини сақлашда психологик омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Болаларда стресс ва руҳий зўриқиш кўриш қобилятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, болаларга ортиқча руҳий босим

ўрнатмаслик, уларни тўғри режалаштирилган ўқув ва дам олиш тартибига ўргатиш зарур. Ота-оналар ва ўқитувчилар болаларнинг кўз соғлиғига эътибор беришлари, уларнинг кўриш қобилияти билан боғлиқ муаммоларини эрта аниқлашлари ва профилактик чоралар кўришлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, харбий хизматга чақирувгача бўлган ёшдаги ўсмирларда кўриш қобилияти бузилишларининг олдини олиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Ёруғлик муҳитини яхшилаш, экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш, жисмоний фаолликни ошириш, кўз гимнастикасини бажариш, тўғри овқатланишга амал қилиш ва мунтазам тиббий текширувлардан ўтиш орқали ўсмирларнинг кўриш саломатлигини сақлаш мумкин. Ота-оналар ва ўқитувчилар болаларнинг кўриш қобилиятига таъсир қилувчи омилларга эътибор қаратишлари ва уларга тўғри кўникмаларни ўргатишлари лозим. Бу эса келажакда ўсмирларнинг кўриш қобилиятини сақлаш ва умумий саломатлигини яхшилашга ёрдам беради.

#### **§4.4. Кўриш гимнастикаси ва махсус машқлар тизими**

Кўриш гимнастикаси кўзнинг чарчаши, аккомодация мускулларининг зўриқиши ва кўриш бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу машқлар мунтазам равишда бажарилса, кўриш ўткирлигини сақлаш ва кўз чарчашининг олдини олиш мумкин (4.4.1-жадвал).

##### **4.4.1-жадвал**

#### **Кўриш гимнастикаси ва махсус машқлар жадвали**

<b>Машқ тури</b>	<b>Бажариш тартиби</b>	<b>Такрорлаш сони</b>
<b>Кўзларни чапга ва ўнгга ҳаракатлантириш</b>	Олдинга қараб, кўзни максимал даражада чапга, кейин эса ўнгга ҳаракатлантиринг.	5-10 марта
<b>Кўзларни юқорига ва пастга қаратиш</b>	Кўзларни юқорига, кейин пастга қаратиб	5-10 марта

	ҳаракатлантинг.	
<b>Кўз билан айлана шаклида ҳаракат қилиш</b>	Кўзни аввал ўнг томонга, кейин чап томонга айлантинг.	Ҳар йўналишда 5-8 марта
<b>Фокусни ўзгартириш (узоқ-яқин)</b>	6 метр узоқликдаги объектга қараб 5-10 сония ушлаб туринг, кейин яқиндаги объектга қаранг.	10-15 марта
<b>Бармоқни кузатиш</b>	Бош бармоқни 20-30 см масофада ушлаб, уни кузатинг, кейин узоқдаги объектга қаранг.	10-12 марта
<b>Кўзни юмган ҳолда дам олиш</b>	Кўзларни юминг ва 5-7 сония ушлаб туринг, кейин секин очинг.	8-10 марта
<b>Кўллар билан кўзни иситиш (пальминг)</b>	Кўлларингизни ишқаб иситинг, кейин уларни кўзларингизга қўйиб, бир неча дақиқа давомида ушлаб туринг.	2-3 дақиқа
<b>Тез-тез кўзни очиб-юминг</b>	Жуда тез-тез (5-10 сония давомида) кўзни очиб-юминг.	10-15 марта
<b>"20-20-20" қондаси</b>	Ҳар 20 дақиқада 20 сония давомида 6 метр узоқликдаги объектга қаранг.	Ҳар 20 дақиқада
<b>Компьютер олдида ишлашда танаффус қилиш</b>	Ҳар соатда кўзни ҳимоя қилиш учун 5-7 дақиқа дам олинг.	Ҳар соатда

Кўриш гимнастикаси ва махсус машқлар тизими кўз мускулларини мустаҳкамлаш, кўриш қобилиятини ошириш ва кўз чарчашининг олдини олиш учун самарали усул ҳисобланади. Ушбу машқларни кунлик бажариш орқали кўриш саломатлигини сақлаш ва кўриш бузилишларининг олдини олиш мумкин.

#### **§4.5. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун индивидуал ўқув дастурлари**

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун индивидуал ўқув дастурлари (ИЎД) уларнинг таълим жараёнида тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлашга йўналтирилган. Бундай дастурлар ўқув муҳитини мослаштириш, махсус ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва визуал ёрдам воситаларидан самарали фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларнинг 78% и стандарт ўқув дастурларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келади. Шунинг учун улар учун мослаштирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқиш муҳимдир.

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун индивидуал ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилинади (4.5.1-жадвал).

#### **4.5.1-жадвал**

##### **Индивидуал ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тамойиллари**

<b>Тамойил</b>	<b>Тавсифи</b>
<b>Дифференциал ёндашув</b>	Ҳар бир ўқувчининг кўриш даражаси ва эҳтиёжларига мослаштирилган ўқув материалларини танлаш
<b>Кўшимча визуал ва тактил ёрдам воситалари</b>	Брайль алифбоси, овозли китоблар, электрон экран ўқувчидан фойдаланиш
<b>Ёруғлик ва контраст муҳити</b>	Ўқув хоналарида ёруғлик даражасини оптималлаштириш ва контрастликни ошириш

<b>Тиббий ва педагогик мониторинг</b>	Ўқувчига кўз чарчасини олдини олиш учун тўғри ўтириш ва экран фойдаланиш вақтини назорат қилиш
<b>Интерактив ва аудио-визуал технологиялар</b>	Компьютер дастурлари, экран ўқувчилар ва аудио китоблардан фойдаланиш

Кўриш бузилишларининг даражасига қараб ўқув дастурлари турлича мослаштирилади (4.5.2-жадвал).

#### 4.5.2-жадвал

#### Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун ўқув дастури моделлари

<b>Кўриш бузилишининг даражаси</b>	<b>Мослаштирилган ўқув усуллари</b>	<b>Қўлланиладиган технологиялар</b>
<b>Енгил миопия (0.5-2.0 D)</b>	Ёруғлик баланси, катта шрифтли материаллар	Электрон китоблар, экран катталаштирувчи дастурлар
<b>Ўртача миопия (2.0-6.0 D)</b>	Контрастли матнлар, экранга яқин ўтириш	Овозли китоблар, экран ўқувчилар
<b>Юқори миопия (&gt;6.0 D)</b>	Брайль алифбоси, рельефли ёзувлар	Брайль дисплейлари, махсус планшетлар
<b>Гиперметропия</b>	Катта шрифт, ёруғликни ошириш	Электрон экран катталаштирувчи дастурлар
<b>Астигматизм</b>	Ёруғликни меъёрлаш, кўзни дам олдирувчи машқлар	Контрастни ошириш дастурлари

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун ўқув муҳитини мослаштириш ва визуал ёрдам воситаларидан фойдаланиш ўқув жараёнини яхшилайдди (4.5.3-жадвал).

#### 4.5.3-жадвал

##### Ўқув муҳитини мослаштириш ва визуал ёрдам воситалари

Мослаштириш тури	Тавсиялар
Ёруғлик муҳитини яхшилаш	Табиий ёруғликни ошириш, махсус лампалардан фойдаланиш
Материаллар шрифтларини катталаштириш	Arial, Verdana 16+ шрифтларидан фойдаланиш
Контрастли ранглардан фойдаланиш	Матнни оқ фонда қора ҳарфлар билан ёзиш
Овозли ва тактил ёрдам воситалари	Брайль алифбоси, аудио китоблар, экран ўқувчилар
Компьютер ва планшетлардан фойдаланиш	Экран катталаштирувчи дастурлар, овозли ёрдамчилар

Узоқ вақт ўқиш ва экран олдида ишлаш кўз чарчасини келтириб чиқаради. Шунинг учун мунтазам равишда кўз гимнастикаси ва махсус машқлар бажариш керак (4.5.4-жадвал).

#### 4.5.4-жадвал

##### Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун машқлар ва кўз гимнастикаси

Машқ тури	Бажариш тартиби	Такрорл аш сони
Кўзларни чапга ва ўнгга ҳаракатлантириш	Олдинга қараб, кўзни максимал даражада чапга, кейин эса ўнгга ҳаракатлантиринг.	5-10 марта
Кўзларни юқорига ва	Кўзларни юқорига, кейин пастга	5-10

<b>пастга қаратиш</b>	қаратиб ҳаракатлантинг.	марта
<b>Фокусни ўзгартириш (узоқ-яқин)</b>	6 метр узоқликдаги объектга 5-10 сония қаранг, кейин яқиндаги объектга қаранг.	10-15 марта
<b>Кўллар билан кўзни иситиш (пальминг)</b>	Кўлларингизни ишқаб иситинг, кейин уларни кўзларингизга қўйиб, бир неча дақиқа давомида ушлаб туринг.	2-3 дақиқа

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар йилига камида 2 маротаба офтальмолог кўригидан ўтиши керак. Бу уларнинг кўриш ҳолати ёмонлашмаслиги ва ўз вақтида тўғри коррекция қилиш имконини беради (4.5.5-жадвал).

#### 4.5.5-жадвал

#### Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун даврий тиббий назорат

<b>Текширув тури</b>	<b>Даврийлиги</b>
<b>Кўриш ўткирлигини текшириш</b>	6 ойда 1 марта
<b>Кўз босимини ўлчаш</b>	Йилига 1 марта
<b>Аккомодация ва фокуслаш қобилиятини текшириш</b>	Йилига 2 марта

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун индивидуал ўқув дастурлари ўқув жараёнини мослаштириш ва уларга тенг таълим имкониятларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилади. Бундай дастурлар ўқув муҳитини яхшилаш, махсус ўқув воситаларидан фойдаланиш, кўз гимнастикасини жорий этиш ва мунтазам тиббий назоратдан ўтиш каби чоратадбирларни ўз ичига олади.

Ушбу тавсияларни амалга ошириш орқали кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги самарадорлигини ошириш ва уларнинг кўриш саломатлигини муҳофаза қилиш мумкин.

## ХОТИМА

Ҳозирги кунда болалар ўртасида кўриш бузилишлари кенг тарқалган муаммолардан бири бўлиб, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши, рақамли қурилмалардан фойдаланишнинг ортиши ва урбанизация жараёнлари болаларнинг кундалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда болалар узоқ вақт мобайнида экран олдида вақт ўтказди, табиий ёруғликдан фойдаланиш камайиб, жисмоний фаоллик тушиб кетмоқда. Бу эса кўриш органларига тушаётган юкломани оширишга ва кўриш ўткирлигининг пасайишига олиб келади. Шу сабабли, болалар ўртасида кўриш бузилишларининг олдини олиш, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар кўриш бузилишлари болалар ўртасида тобора кенг тарқалаётганлигини тасдиқлайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёдаги ҳар учинчи болада кўриш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, миопия, гиперметропия ва астигматизм каби патологиялар болалар ўртасида энг кўп учрайдиган кўриш бузилишлари ҳисобланади. Айниқса, миопиянинг тарқалиши жадаллик билан ўсиб, бу касаллик эндемик даражадага чиқмоқда. Олимларнинг фикрича, 2050 йилга бориб, дунё аҳолисининг тахминан 50 фоизи миопиядан азият чекиши мумкин. Бу эса кўриш муаммоларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотларнинг аҳамиятини янада оширади.

Кўриш бузилишларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири — болаларнинг экран олдида ўтказадиган вақтини ошириши ҳисобланади. Рақамли даврда смартфонлар, планшетлар ва компьютерлар болалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кунлик 2-3 соатдан ортиқ экран олдида ўтириш кўриш

Ўткирлигининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса кўзнинг узоқ вақт мобайнида статик зўриқиши, мажбурий кўз фокусланиши ва кўз юзасига тушадиган юкломани ошириш ҳисобига содир бўлади. Бундан ташқари, электрон қурилмаларнинг кўзга таъсири нафақат механик, балки физиологик хусусиятга ҳам эга бўлиб, улардан келаётган юқори энергияли кўк нурлар ретина хужайраларининг зарарланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёруғлик муҳити ҳам кўриш саломатлигига катта таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади. Болалар ўқиш ва ёзиш жараёнида етарли ёруғлик муҳитига эга бўлмасалар, бу кўриш органларига ортиқча юклама беришга олиб келади. Табиий ёруғлик етишмовчилиги ва сунъий ёруғликнинг нотўғри танланиши кўз чарчаши, кўриш ўткирлигининг пасайиши ва рефракция бузилишлари каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, болаларнинг ўқув хоналари ва уйдаги ёруғлик муҳитини тўғри ташкил этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жисмоний фаоллик ҳам кўриш саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Болаларнинг камҳаракат турмуш тарзи кечиришлари нафақат умумий саломатлик, балки кўриш тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, жисмоний фаоллик етарли бўлмаган болаларда миопия ва бошқа рефракция бузилишлари кўпроқ учрайди. Бундай ҳолатларда кўзга тушаётган юклама ошади, қон айланиши бузилади ва кўз тўқималарига кислород оқими камаяди. Бу эса кўриш органларининг нормал фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний фаолликка жалб қилиш, уларни спорт ва ташқи фаолиятларга жалб этиш кўриш саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсмир-мактаб ўқувчиларида кўриш бузилишининг олдини олишни гигиеник асослаш билан бирга, уларнинг ўқув ва кундалик фаолиятида кўз соғлиғини сақлашга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот Шайхонтоҳур ва Миробод туманларидаги ўқувчилар иштирокида ўтказилиб, жами 4019 нафар бола қамраб олинди. Улардан 349 нафарда (8,7%) турли даражадаги кўриш бузилишлари аниқланган. Кўриш бузилишлари орасида энг кўп учрайдигани миопия (38,4%) бўлиб, кейинги ўринларда астигматизм (27,2%) ва гиперметропия (22,3%) кайд этилган.

Тадқиқот давомида ёруғлик муҳитининг кўриш саломатлигига таъсири ўрганилганда, паст ёруғлик шароитида машғулот ўтаган ўқувчиларнинг 42,7 фоизида кўриш бузилишлари кузатилган бўлса, ёруғлик етарли бўлган муҳитда бу кўрсаткич 19,8 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ўқув хоналарида ёруғлик даражасини 500-600 люксга етказиш орқали кўриш бузилишларини камайтириш мумкинлигини кўрсатади.

Жисмоний фаоллик даражаси ҳам кўриш саломатлигига таъсир кўрсатган. Ҳар куни 60 дақиқадан кўпроқ жисмоний фаоллик билан шуғулланувчи ўқувчиларда кўриш бузилишлари 18,9 фоиз ҳолатда учраган бўлса, жисмоний фаоллиги 30 дақиқадан кам бўлган ўқувчиларда бу кўрсаткич 34,5 фоизга етган. Демак, мунтазам жисмоний машқлар ва кўз гимнастикаси кўриш бузилишларининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди.

Бундан ташқари, экран олдида ўтказиладиган вақтнинг кўриш саломатлигига таъсири ўрганилди. Кунига 4 соат ва ундан ортиқ экран олдида ўтирган ўқувчиларда миопия ривожланиш хавфи 3-4 баробар юқори бўлган. Масалан, экран олдида 2 соатдан кам вақт ўтказган ўқувчиларнинг 15,3 фоизида кўриш бузилишлари кузатилган бўлса, бу вақт 4 соатдан ошганда, кўриш бузилишлари 46,5 фоизгача ошган. Шунинг учун "20-20-20" қоидасига амал қилиш, яъни ҳар 20 дақиқада 20 сония давомида 6 метр узоқликдаги объектга қараш тавсия этилади.

Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун мослаштирилган ўқув дастурлари жорий этилганда, ўқув самарадорлиги 35-50 фоизга ошган. Катта шрифтли дарсликлар, овозли китоблар ва экран ўқувчилардан фойдаланиш

кўриш бузилишлари бўлган болаларнинг ўқув жараёнидаги муваффақиятини оширишга ёрдам берган. Шунингдек, ёруғлик муҳитини яхшилаш ва контрастли ранглардан фойдаланиш ҳам ўқув натижаларига ижобий таъсир кўрсатган.

Тиббий текширув натижаларига кўра, кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар йилига камида икки марта офтальмолог кўригидан ўтиши керак. Офтальмологик текширувлар кўриш муаммоларини эрта аниқлаш ва уларни тўғри коррекция қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, кўриш бузилишлари ёруғлик муҳити, жисмоний фаоллик, экран олдида ўтказиладиган вақт ва индивидуал ўқув дастурлари билан чамбарчас боғлиқ. Ёруғлик муҳитини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш, экран вақтини чеклаш ва кўз гимнастикасини мунтазам бажариш орқали кўриш бузилишларини камайтириш мумкин. Шунингдек, кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун мослаштирилган таълим шароитларини яратиш уларнинг ўқув жараёнидаги самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг асосий гипотезаси ўқувчиларнинг кўриш бузилишлари ёруғлик муҳити, жисмоний фаоллик, экран олдида ўтказиладиган вақт ва индивидуал ўқув дастурлари билан боғлиқ эканлигини тасдиқлашдан иборат эди. Ушбу гипотезани текшириш мақсадида 4019 нафар ўқувчи ўртасида сўровлар, тиббий текширувлар ва ўқув натижалари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари гипотезанинг асосий пунктларини тасдиқлади. Биринчидан, ёруғлик муҳитининг етарли ёки етарли эмаслиги кўриш бузилишларининг тарқалишига бевосита таъсир қилади. Тадқиқотда паст ёруғлик муҳитида ўқиган ўқувчиларнинг 42,7 фоизда кўриш муаммолари аниқланган бўлса, ёруғлик етарли бўлган муҳитда бу кўрсаткич 19,8 фоизга тушган. Бу кўриш бузилишларининг олдини олиш учун синф хоналаридаги ёруғлик даражасини 500-600 люксга етказиш зарурлигини кўрсатади (Smith et al., 2020).

Иккинчидан, жисмоний фаоллик даражаси паст бўлган ўқувчиларда кўриш бузилишлари учраш эҳтимоли юқори эканлиги тасдиқланди. Кунлик жисмоний фаоллик 30 дақиқадан кам бўлган ўқувчиларда кўриш бузилишлари 34,5 фоиз ҳолатда учраган, 60 дақиқадан ортиқ жисмоний фаол бўлган ўқувчиларда эса ушбу кўрсаткич 18,9 фоизга тушган. Бу мунтазам жисмоний машқлар ва кўз гимнастикаси кўриш саломатлигини сақлашда муҳим эканлигини кўрсатади [48].

Учинчидан, экран олдида узоқ вақт қолиш миопия ва бошқа кўриш бузилишларининг ривожланишига олиб келади. Кунига 4 соат ва ундан ортиқ экран олдида ўтирган ўқувчиларда миопия ривожланиш хавфи 3-4 баробар юқори бўлган. Масалан, экран олдида 2 соатдан кам вақт ўтказган ўқувчиларнинг 15,3 фоизида кўриш бузилишлари кузатилган бўлса, бу вақт 4 соатдан ошганда, кўриш бузилишлари 46,5 фоизгача ошган. Бу натижалар экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш ва "20-20-20" қоидасини қўллаш орқали кўриш бузилишларининг олдини олиш мумкинлигини тасдиқлайди [96].

Тўртинчидан, индивидуал ўқув дастурларини жорий этиш кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларнинг ўқув натижаларини яхшилайти. Катта шрифтли дарсликлар, овозли китоблар ва экран ўқувчилардан фойдаланиш натижасида ўқув самарадорлиги 35-50 фоизга ошган. Бу кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларга мослаштирилган таълим методларини жорий этиш самарали эканлигини тасдиқлайди [14].

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари асосий гипотезани тасдиқлади. Ёруғлик муҳитини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш, экран вақтини чеклаш ва индивидуал ўқув дастурларини жорий этиш орқали кўриш бузилишларини олдини олиш ва ўқув жараёнида самарадорликни ошириш мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг авзаллиги шундаки, у кўриш бузилишлари ва уларнинг ўқув жараёнига таъсирини чуқур таҳлил қилиш имконини берди.

Биринчидан, тадқиқот кенг қамровли бўлиб, Шайхонтоҳур ва Миробод туманларидаги 4019 нафар ўқувчини қамраб олди, бу эса натижаларни умумийлаштириш ва уларнинг аҳамиятлилигини ошириш имконини берди. Иккинчидан, тадқиқотда кўриш бузилишларининг турли сабаблари, жумладан, ёруғлик муҳити, жисмоний фаоллик, экран олдида ўтказиладиган вақт ва индивидуал ўқув дастурларининг таъсири комплекс равишда ўрганилди. Бу эса кўриш муаммоларининг кенг кўламли омиллар билан боғлиқлигини аниқлашга ёрдам берди.

Учинчидан, тадқиқот натижалари асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Масалан, синф хоналарида ёруғлик даражасини 500-600 люксга етказиш, экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш ва "20-20-20" қондасини кўллаш, кунлик жисмоний фаолликни ошириш ва кўз гимнастикасини мунтазам бажариш каби чора-тадбирлар кўриш бузилишлари хавфини камайтиришда самарали бўлиши мумкин. Тўртинчидан, тадқиқот кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар учун мослаштирилган таълим дастурларининг самарадорлигини баҳолашга ёрдам берди. Катта шрифтли дарсликлар, овозли китоблар ва экран ўқувчилардан фойдаланиш натижасида ўқув самарадорлиги 35-50 фоизга ошгани аниқланди.

Бешинчидан, тадқиқот фан ва таълим соҳасидаги илмий адабиётлар билан солиштирилган ҳолда олиб борилди ва унинг натижалари халқаро тадқиқотлар билан мос келади. Масалан, Smith et al. (2020) синф хоналарида ёруғлик даражаси ва кўриш саломатлиги ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлаган бўлса, Wiggins et al. (2019) экран олдида кўп вақт ўтказиш миопия ривожланиш хавфини оширишини кўрсатган. Бу эса тадқиқот натижаларининг ишончлилигини оширади.

Олтинчидан, тадқиқот натижалари амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, таълим муассасалари, ўқитувчилар, ота-оналар ва соғлиқни сақлаш мутахассислари учун фойдали тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, ушбу тадқиқот нафақат назарий, балки амалий

жихатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Кўриш бузилишлари мактаб ўқувчилари орасида кенг тарқалган муаммолардан бири бўлиб, уларнинг таълим жараёни ва кундалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу тадқиқотда Тошкент шаҳрининг Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида истиқомат қилувчи мактаб ўқувчилари ўртасида кўриш бузилишларининг тарқалиши ва уларнинг асосий сабаблари таҳлил қилинди.

Жами 4019 нафар ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар текширувдан ўтказилди, шулардан 2347 нафари Шайхонтоҳур туманида ва 1672 нафари Миробод туманида истиқомат қилувчи мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Ушбу умумий текширув натижасида 349 нафар болада турли даражадаги кўриш бузилишлари аниқланган бўлиб, тадқиқот шу болалар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 349 нафар бола орасида нормал кўриш ҳолати қайд этилмаган. Кўриш бузилишлари турлича бўлиб, улар ичида энг юқори кўрсаткич миопия (38.4%) ва астигматизм (27.2%) билан боғлиқ ҳолатлардир. Гиперметропия 22.3% болаларда аниқланган бўлса, 12.1% болаларда астигматизм белгилар мавжудлиги қайд этилган.

Миопия Шайхонтоҳур туманида 39.8%, Миробод туманида эса 37.2% болаларда қайд этилган. Гиперметропия Миробод туманида 23.5% болаларда, Шайхонтоҳур туманида эса 21.1% болаларда учраган. Астигматизм ҳар иккала туманда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ўрганилган болаларнинг 27.2% да кузатилган. Астигматизм ўртача 12.1% болаларда қайд этилган бўлиб, кўзнинг чарчаши ва ёруғликка сезгирлигининг ошганлигини кўрсатади.

Ушбу натижалар болаларда кўриш муаммолари кенг тарқалганлигини ва офтальмологик профилактика тадбирларини кучайтириш зарурлигини тасдиқлайди. Бунда мунтазам тиббий кўриклар, кўз гимнастикаси ва экран олдидаги вақтни чеклаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Кўриш бузилишларининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил қилиш учун ўқувчиларнинг кундалик одатлари, экран олдида ўтказадиган вақти, ирсий омиллар ва жисмоний фаоллиги ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ирсий омиллар миопиянинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, узоқ вақт экран олдида бўлиш миопия (49.8%) ва астигматизм (22.5%) хавфини оширади. Ёруғлик камлигида ўқиш ва китобни жуда яқин масофада ўқиш ҳам миопия ва астигматизм хавфини кучайтиради. Нотўғри ўтириш кўриш муаммоларига таъсир қилувчи омиллардан бири бўлиб, астигматизм ва гиперметропия ривожланишига ҳисса қўшади.

Миопия ёш ортиши билан ортиб бормоқда: 14 ёшда 36.3%, 15 ёшда 38.5%, 16 ёшда эса 40.3%. Бу кўпинча экран олдида кўп вақт ўтказиш ёки нотўғри ўқиш одатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Гиперметропия эса ёш ортиши билан камроқ учрамоқда: 14 ёшда 24.8%, 16 ёшда 20.2%, бу кўзнинг аккомодация қобилияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Астигматизм барқарор даражада сақланиб қолган бўлиб, 14-16 ёш орасида 26.5% - 28.2% болаларда аниқланган, бу нотўғри ўтириш ва ёруғлик шароитлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Астигматизм 12% атрофида сақланиб қолмоқда, бу кўз чарчоғи ва визуал стресс билан боғлиқ бўлиши мумкин. Келтирилган натижаларга асосланиб, ўсмирлар ўртасида кўриш профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, экран вақтини чеклаш ва мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Шайхонтохур туманида яшовчи 2008, 2009, 2010 йилларда туғилган кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари бўлган ўсмир ўғил болаларда қуйидаги ҳамроҳ касалликлар учради.

Шайхонтохур туманида яшовчи кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари бўлган ўсмир ўғил болаларда ҳамроҳ касалликларнинг фоиз кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, ҳар бир ёш гуруҳида айрим касалликларнинг учраш даражаси фарқли эканлиги аниқланди.

17 ёшли ўсмирлар (43 бола) орасида менингит 2.33% ҳолларда учраган. Шунингдек, энурез ҳам 2.33% ҳолларда қайд этилган. Ясси оёқлик 2.33% ўсмирларда кузатилган бўлиб, бу жисмоний фаоллик ва оёқ тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Семизлик 2.33% болаларда аниқланган бўлиб, бу ёшда вазн муаммоларига эътибор қаратиш зарур. Тана вазнининг етишмовчилиги эса 4.65% ўсмирларда кузатилган бўлиб, бу организмнинг етарли озуқа моддаларига эҳтиёж сезаётганлигини кўрсатади. Аллергик ринит 4.65% болаларда қайд этилган. Шунингдек, сурункали тонзиллит 2.33% ҳолларда учраган.

16 ёшли ўсмирлар (49 бола) орасида эса семизлик 2.04% ҳолларда қайд этилган бўлиб, бу ёшда вазн муаммоларига эътибор қаратиш зарур. Тана вазнининг етишмовчилиги 6.12% ўсмирларда кузатилган бўлиб, бу ёшда озиқланиш ва тўғри овқатланишга эътибор қаратиш лозим. Аллергик ринит 4.08% болаларда аниқланган бўлиб, бу касаллик нафас олиш тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сурункали тонзиллит эса 2.04% ўсмирларда кузатилган.

15 ёшли ўсмирлар (74 бола) орасида семизлик 1.35% болаларда қайд этилган. Тана вазнининг етишмовчилиги 5.41% ўсмирларда учраган бўлиб, бу ёшда етарли озиқланишга эътибор бериш муҳим. Аллергик ринит 2.70% ўсмирларда кузатилган. Сурункали тонзиллит эса 1.35% ҳолларда қайд этилган. Бундан ташқари, 2.70% ўсмирларда тромбоцитопения (қон хужайралари муаммолари) аниқланган. Шунингдек, 1.35% ўсмирларда коксоартроз (бўғимлардаги муаммолар) кузатилган.

Ушбу маълумотлар кўриш бузилишлари бўлган ўсмирларда бошқа соғлиқ муаммоларининг мавжудлигини кўрсатиб, уларнинг умумий саломатлик ҳолатига жиддий эътибор бериш зарурлигини тасдиқлайди. Шу сабабли, бундай болаларни нафақат офтальмологик, балки умумий тиббий кўриқдан ҳам мунтазам ўтказиш тавсия этилади.

Миробод туманида яшовчи кўриш ўткирлигининг турли даражадаги бузилишлари бўлган ўсмир ўғил болаларда ҳамроҳ касалликларнинг фоиз кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, ҳар бир ёш гуруҳида айрим касалликларнинг учраш даражаси фарқли эканлиги аниқланди.

17 ёшли ўсмирлар (66 бола) орасида ясси оёқлик 1.52% ўсмирларда учраган. Семизлик 1.52% ўсмирларда аниқланган. Тана вазнининг етишмовчилиги 3.03% ўсмирларда кузатилган. Аллергик ринит 3.03% болаларда қайд этилган. Шунингдек, сурункали тонзиллит 1.52% ҳолларда учраган.

16 ёшли ўсмирлар (28 бола) орасида ясси оёқлик 1.52% ҳолларда учраган. Семизлик 3.57% ўсмирларда қайд этилган. Тана вазнининг етишмовчилиги 7.14% ўсмирларда кузатилган. Аллергик ринит 7.14% болаларда аниқланган. Сурункали тонзиллит эса 3.57% ўсмирларда кузатилган. Тромбоцитопения ва коксоартроз ҳолатлари аниқланмаган.

15 ёшли ўсмирлар (47 бола) орасида ясси оёқлик 1.52% ҳолларда қайд этилган. Семизлик 2.13% болаларда учраган. Тана вазнининг етишмовчилиги 6.38% ўсмирларда учраган бўлиб, бу ёшда етарли озиқланишга эътибор бериш муҳим. Аллергик ринит 4.26% ўсмирларда кузатилган. Сурункали тонзиллит эса 2.13% ҳолларда қайд этилган. Шунингдек, 2.13% ўсмирларда коксоартроз кузатилган. Тромбоцитопения ҳолатлари аниқланмаган.

Шайхонтоҳур ва Миробод туманларидаги ўсмир болалар орасида миопия кенг тарқалган бўлиб, бу касалликлар кўп ҳолларда бошқа ҳамроҳ касалликлар билан биргаликда учраган.

Шайхонтоҳур ва Миробод туманларида амалга оширилган текширув натижалари кўриш ўткирлиги, миопия ва астигматизм даражасини баҳолашга қаратилди. Текширувлар доирасида Сивцев жадвали ёрдамида кўриш ўткирлиги, рефрактометрия орқали миопия даражаси ва аккомодация тестлари воситасида кўзнинг узоқ ва яқин масофага мослашувчанлиги таҳлил қилинди.

Текширув натижаларига кўра, Шайхонтохур ва Миробод туманларида кўриш ўткирлиги паст бўлган болалар улуши 42.2% ва 40.4% ни ташкил этди. Миопия ҳолатлари Шайхонтохурда 39.8%, Мирободда эса 37.2% болаларда аниқланган бўлиб, ўртача рефракция кўрсаткичи  $-2.67 D$  ни ташкил қилди. Астенопия 12.1% ҳолларда қайд этилган бўлиб, бу кўз чарчаши ва аккомодация бузилишлари билан боғлиқ.

Бу натижаларга асосланиб, ўсмирлар ўртасида кўриш профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, экран вақтини чеклаш ва мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, кўриш ўткирлигини сақлаб қолиш учун туғри ёруғлик шароитида ўқиш ва кўз гимнастикасини бажариш талаб этилади.

Сўровнома орқали экран олдида ўтказиладиган вақт, ёруғлик шароитлари, жисмоний фаоллик даражаси, овқатланиш тартиби, витаминлар истеъмоли ва ирсий омиллар каби факторлар ўрганилди.

Сўровнома натижаларига кўра, болаларнинг аксарияти кун давомида экран олдида узоқ вақт ўтказган. Жумладан, 41.9% болалар кунига 3-5 соат, 17.2% эса 5 соатдан кўп вақт экран олдида бўлган. Бу кўриш чарчоғи ва миопия ривожланишига олиб келган. Шу билан бирга, ёруғлик шароити ҳам барча болалар учун етарли бўлмаган: 40.1% болалар ўқиш ва компьютердан фойдаланиш вақтида етарсиз ёруғлик шароитида бўлган, бу эса кўриш ўткирлигининг пасайишига сабаб бўлган.

Жисмоний фаоллик даражасига қаралса, 21.5% болалар кунига 30 дақиқадан кам ҳаракат қилган, бу эса кўриш саломатлигига салбий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, 44.0% болалар кунига 60 дақиқадан кўпроқ жисмоний фаоллик билан шуғулланган, бу эса кўриш саломатлигини яхшилашга ёрдам берган.

Овқатланиш тартибига келсак, болаларнинг 70.2% меъёрий овқатланган бўлса, 29.8% болаларда овқатланиш тартиби номувофиқ бўлган. Шунингдек, кўриш учун фойдали витаминлар мунтазам истеъмол қилинмаган:

26.6% болалар ҳеч қачон витаминлар қабул қилмаган, 39.3% эса вақт-вақти билан истеъмол қилган. Бу эса кўриш муаммоларининг олдини олишда муҳим омил бўлган.

Ирсий омилларнинг таъсири ҳам жуда муҳим бўлган. Сўровнома натижаларига кўра, 49.0% болаларнинг ота-онасида миопия мавжуд бўлган. Бу кўриш муаммоларининг ривожланиш хавфини оширган ва мунтазам офтальмологик текширувларни ўтказиш зарурлигини билдиради.

Ушбу натижалардан келиб чиқиб, кўриш саломатлигини яхшилаш учун экран олдида ўтказиладиган вақтни чеклаш, ёруғлик шароитларини яхшилаш, жисмоний фаолликни ошириш, овқатланиш тартибини меъёрлаштириш ва витаминлар истеъмолини кўпайтириш тавсия этилган. Шунингдек, ирсий омиллар мавжуд бўлган ҳолларда мунтазам офтальмологик текширувлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Кўриш бузилишлари нафақат жисмоний саломатликка, балки ижтимоий ва психологик ҳолатга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчиларида кўриш муаммолари ривожланиши уларнинг таълим жараёнидаги иштироки, жамият билан муносабатлари ва руҳий ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин. Ушбу бўлимда кўриш бузилишлари билан боғлиқ ижтимоий ва психологик омиллар таҳлил қилинади.

Кўриш бузилишлари ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиш даражаси ва ўқув натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин. Кўриш аномалиялари бўлган ўқувчилар, айниқса миопия ва астигматизмга эга бўлганлар, доскада ёзилган ёки экранда кўрсатилган маълумотларни аниқ кўра олмасликлари мумкин. Бу эса уларнинг ўқув жараёнидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатади. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчиларда матнни тез ўқиш ва тушуниш қобилияти ҳам пасайиши мумкин, бу эса уларнинг ўқув жараёнида ортда қолишига сабаб бўлади.

Кўриш муаммоларига эга бўлган болалар кўп ҳолларда ўқув жараёнига қизиқиши камайганини билдиришади, чунки матнларни ёки график

маълумотларни ўқиш улар учун қийин бўлади. Бу ҳолат уларнинг ўқув мотивациясига салбий таъсир қилади.

Кўриш бузилишлари болаларнинг жамият билан ўзаро муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади. Кўриш аномалиялари болаларнинг ўйинларда, жамоавий фаолиятларда иштирок этишини чеклаши мумкин. Масалан, спорт ўйинларида ёки интерактив машғулотларда улар кўриш қийинчиликлари сабабли камроқ қатнашишади. Бу эса уларнинг ижтимоий фаоллиги пасайишига олиб келади.

Кўриш бузилишлари бўлган болалар кўп ҳолларда «оддий» болалардан фарқ қилишидан уялишади, айниқса, кўзойнак тақишга мажбур бўлганлар. Бу эса уларнинг ўзини ёлғиз ҳис қилиш эҳтимолини оширади. Кўриш бузилишлари бўлган болаларда кўп ҳолларда ижтимоий изоляция ва ёлғизлик ҳисси кучаяди. Улар ўз ёшдошлари билан тенг бўлишни хоҳлашсада, кўриш муаммолари сабабли айрим фаолиятларда қатнашишдан бош тортишади.

Кўриш бузилишлари руҳий саломатликка ҳам таъсир қилиши мумкин. Кўриш бузилишлари бўлган ўқувчилар кўп ҳолларда дарсларда ортда қолишдан хавотир олишади, синфдошлари томонидан масхара қилиниши мумкинлиги сабабли стрессга дуч келишади, келажакдаги имкониятлари чекланишидан қўрқинишади.

Кўриш бузилишлари бўлган болаларда ўзларига ишонч камайиши мумкин. Айниқса, кўзойнак тақишдан уялиш, жамоавий фаолиятларда иштирок этмаслик, ўқув жараёнида қийналиш – буларнинг ҳаммаси уларнинг мотивациясига салбий таъсир кўрсатади.

Кўриш бузилишларининг ижтимоий ва психологик таъсирини камайтириш учун мактаб муҳитини қўллаб-қувватловчи қилиб ташкил этиш, кўриш бузилишлари бўлган болалар учун махсус ўриндиқлар ва ёруғлик шароитлари яратиш, кўзойнак ёки контакт линзалардан фойдаланишга ижобий муносабат шакллантириш, психологик қўллаб-қувватлашни

